

Қурдош Қаҳрамонов

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ЭСТЕТИК ТАЛҚИН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ЭСТЕТИК
ТАЛҚИН

159/40
29/96

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Toshkent TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент-2014

Ушбу мақолалар тұплами филология фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университеті профессори Курдош Қаҳрамоновнинг турли йилларда газета ва журнал саҳифаларида чоп этилган, адабий жараён ва танқидчилигимиз муаммоларига бағишиланган мақолалари, шунингдек, ижодкорларнинг асарлари таҳлилига бағишиланган янги мақолалари хам үрин олған.

Маъсул мұхаррир ва сұз боши мұаллифи:

академик Бахтиёр Назаров

Тақризчилар:

Марғуба Мирқосимова педагогика фанлари доктори, проф.,

Баҳодир Каримов филология фанлари доктори проф.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Истиқлол даврида адабиётшунослик олдига фаннинг функционал вазифалари ва бадий адабиётни умумбашарий, умуминсоний қадриялару миллий истиқлол ғоялари негизида, ўз ички қонуниятлари асосида янада чукуррок ўрганиш талаблари қўйилди.

Мустақиллик даврида танқидчиликда диффузияланиш жараёни кучайди. Адабий жараён, конкрет бадий асар ва поэтик маҳорат масалаларига бағишиланган изланишларда адабиётшунослик, адабиёт назарияси ҳамда адабий танқид соҳаларига доир хусусиятлар синкретлашди. Адабий-эстетик бу тафаккурдаги эврилишлар адабий танқиднинг методологик муаммоларини ойдинлаширишга эътиборни кучайтирди. М.Қўшжонов ва О.Шарофиддинов каби устозлардан ўрганиб; Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев, Н.Жабборов, Д.Куронов каби тенгкурлари даврасида чиникиб; Б.Каримов, А.Улуғов У.Журакулов каби янги авлод вакилларини кузатиб плюралистик тафаккур устувор бўлган давримизга хос муаммоларни ўрганишга ҷоғланган мунакқидларимиздан бири Курдош Каҳрамонов бўлди.

Курдош Каҳрамонов фаолияти таълим-тарбия, маориф билан илмий тадқиқот кесишган чорраҳада бошланган бўлиб, у катта ҳаёт мактабини ўтагач, деярли ўттиз йилдан бўён Тошкент давлат педагогика университети (собиқ пединститут) да дарс бериб келмоқда. Олим ва педагогнинг минглаб бакалавр ва магистр шогирдлари жумхуриятимиз янги типдаги зиёлилари сафини мустаҳкамлаётган бўлса, бевосита илмий раҳбарлигида етишиб чиқкан фан номзодлари устози билан ёнма-ён туриб талabalарга таълим беришмоқда.

Қ. Каҳрамоновнинг ilk изланишлари танқидчилик муаммоларига бағишиланган бўлса ҳам, илмдаги дастлабки қадамлари маориф ва таълим-тарбия масалалари, хусусан болалар адабиёти танқидчилигига даҳлдордир. Адабиётшуноснинг кўп йиллик изланишлари натижаси ўлароқ майдонга келган “Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти” (1991) монографияси мутахасислар томонидан илиқ кутиб олиндигина эмас, балки поэтик ижод

ахли эътиборига ту щди. Болалалар адабиёти танқидчили и ва сўнгги боскич болалар адабиёти ривожи ҳамда ёш ижодкорлар шаклланышида муносаб ўрин эгаллади. Зотан, унинг “Бадий юксак ва фалсафий төран ижод сохиби”, “Олий таълимда Чўлпон ижодини ўрганишнинг маърифи й-эстетик аҳамияти”, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Чўлпон шеъриятининг ўрни” каби мақолалари, “Ватан мадҳи талқинлари” номли мўжазгина рисоласи теран илмий кузатиш ва хулосалари билан бир қаторда, таълим-тарбиядаги амалий қиммати билан ҳам ажратиб туради.

Олимнинг “Адабий танқидда янгича концепция”, “Янгича тафаккур талқини”, “Қайта баҳолаш янгича тамойил сифатида”, “Муҳаммад Юсуфнинг бадий олами” каби мақолалари, “Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари» (2009) каби монографияларида бадий адабиёт ҳамда танқидчиликда рўй берган ўзгаришларга муносабат билдириш йўсими, адабий-эстетик мезонларни аниқлаш ва белгилашга ҳаракат қилинади. Яқин утмишда яратилган асарларни гузаллик қонунлари асосида қўйта баҳолашнинг бир қатор янги меъёрлари тавсия этилади. Адабий танқидда кузатилаётган янги мезонлар таҳлил этилади, улардаги ютуқ ва камчили кларга ўзининг дадил ва мустақил муносабат билдирилади. Буларнинг барғаси шуни кўрсатадики, Курдош Қаҳрамонов доимо замон билан ҳамкадам бўлишга интилади.

Курдош Қаҳрамонов илмий фаoliyatiда адабиёт ва танқидчиликнинг муаммовий, шунингдек адабий жараённинг баҳс мунозарали масалаларига қизиқиши кучли. Жумладан, адабиётшунонинг “Абсурд факат маънисизликми?”, “Адабий танқидда модерн асар талқини”, “Адабий танқидда структурал метод талқини”, “Биографик талқин имкониятлари” сингари мақолаларида сўнгги боскич ўзбек танқидчилиги юзага кел аётган тадқиқ ва таҳлил янги тамойиллари жаҳон танқидчилиги илфор анъан алари контекстида ўрганишга ҳаракат қилинган. Бу изланишлар биринчидан, ўзбек мунаққидлари тафаккурида рўй бераётган сифат ўзгаришлар белгила ниши, иккинчидан, замонасозлик жихатидан кўзга ташланадиган камчиликла раник кўрсатилиши жихатидан аҳамиятлилар. Олимнинг бу борадаги кузатиш ва

хулосалари танқидчилар билан бир қаторда, адібларымизни ҳам бефарк қолдирмайды. Чунонча, Қ.Қаҳрамонов атоқлы адабиётшунос У.Норматов билан баҳсга киришаркан, унинг Қаҳхор аасарларини абсурд ва экзистенциализм гоялари билан боғлашга уринишларини ҳақли тарзда инкор этади. Бу вазиятда у абсурдни фақат воқеликка боғлаб талкин этишнинг бирёзлама экани, у энг аввало, инсон субъекти, унинг дунёкараши, фикрлаш тарзи билан боғлик ходиса эканлиги ҳакидаги концептуал назарий қарашларга таянади. Сунгги йилларда чоپ этилган “Адабий танқиднинг илмий-назарий асослари”, “Адабий танқиднинг методолоѓик асослари”, “Адабий танқиддаги янгиланиш” номли маколалари ҳамда “Адабий танқид: янгиланиш тамойиллари” номли монографияси шуни қўрсатадики, Курдош Қаҳрамонов илмий изланишларининг асосини мустақиллик даври ўзбек танқидчилигининг методологик муаммоларини тадқиқ этиши ташкил этади. Бу йил нашрдан чиқсан “XX аср ўзбек адабиёти” ҳамда “XX аср шеврияти (1900-1930)” номли ўкув-услубий қўлланмалари олимнинг тинимсиз илмий изланишлари давом этаётганини қўрсатади.

Мутахасислар жамоаси томонидан ҳамкорликда олий үқув юртларининг бакалавр ва магистрлари учун нашр этилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” номли йигирма беш табоқ ҳажмдаги салмоқли дарслерининг муаллифларидан бири Курдош Қаҳрамонов экани олим меҳнатларига ва мустақил қарашларига билдирилган катта ҳурмат ва эътибор намунасидир. Олимнинг турли йилларда ёзилган маколаларидан жамланган қўлингиздагӣ рисола ҳам Сизга мансур бўлади, деган умиддамиз.

*Бахтиёр Назаров
Ўз ФА академиги, филология
фанлари доктори, профессор*

АДАБИЙ ТАНҚИД ВА ЖАРАЕЙН ЯНГИЧА ТАФАККУР ТАЛҚИННИ.¹

Сунгги давр адабиётшунослигига адабий танқид методологиясини, унинг илмий-назарий асосларини тадқик этишга эътибор кучаймоқда. Шу жихатдан филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расуловнинг «Танқид, талқин, баҳолаш» («ФАН», 2006) номли монографик тадқикоти характерлидир. Мазкур монографияда адабий танқид методологиясининг туб илмий-назарий асослари хар томонлама тадқиқу талқин этилган.

Олим тадқикотда Шарқу Ғарб, ўтмишу бугуннинг энг муҳим илмий-назарий, фалсафий, эстетик қарашларини бир нуқтага жамлаб, тафаккур эзагидан ўтказади. Шу асосда ўзбек адабий танқидчиликнинг методологик асосларини, биринчи галда илмий-назарий, бадиий-эстетик ва ижтимоий-тарихий асосларини белгилаб берилгана ҳаракат килади. Ушбу илмий мақсад тадқикотда бобма-боб фаслма-фасл изчил суръатда амалга оширила боради. Олим кузатишларида бадиий матнни тадқиқу талқин этишнинг хилма-хил йўналишлари, усуллари қамраб олинган булиб, уларнинг таснифида жаҳон адабиётшунослигининг илғор назарий қарашларига асосланиш, муносабат билдириш ва ўз концепциясини илгари суриш етакчилик қиласди.

Жумладан, олим ўзлаштириш эстетикаси ва талқин тадрижи хусусида фикр юритар экан, асосий эътиборни танқидчи салоҳияти, унинг адабий матнни ўқиш, уқиш ва ўзлаштириш жараёнидаги ўрни, энг аввало бадиий матнни талқин этиш йўллари, усуллари муаммосига қаратади. Талқин назарияси ҳақида гап кетганда, унинг тарихий тадрижига назар ташлайди. Аристотелнинг «Герменевтика» асаридаги илмий-назарий қарашларидан тортиб Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг талқин фани ривожига қўшган хиссаларигача қамраб олинади. Сунгги пайтларда ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига актив қўлланила бошланган герменевтика тушунчаси ни филология илмига илк бор олиб кирган Ф.Шлейермахер (XVII аср) инг назарий қарашларидан тортиб бу соҳани ривожлантиришга ўз хиссаларини

¹ Макола профессор Ҳакимжон Каримов билан ҳамкорликда ёзилган.

күшган В. Дильтей, Макс Шелер, Мартин Хайдегтер, Ганс Гадамар каби олимларнинг илмий фаолиятигача камраб олиниади. Энг муҳими шундаки, А. Расулов бу назариётчи олимларнинг герменевтика соҳасига күшган ҳиссаларини шунчаки қайд этмайди. Балки уларнинг ютуқ ва камчиликларини, чекланган жиҳатларини ҳам курсатиш асосида герменевтика фани тарихида талқиннинг икки турига эътибор қаратилганлигига диққатни жалб этади. Жумладан, биринчи турда қадимда муқаддас китоблар, буюк донишмандлар яратган асарлар ўқиб үрганилиш мақсадида талқин қилинганлиги, талқинчи китоб мазмунига зид маънолар чиқаришни ўйламаганлигини қайд этар экан, иккинчи турда бундан фарқли равища талқин жараёни талқинчи дунёқараши, эстетик диди, тушунчаси, вокеликка муносабати асосида турлича кечиши мумкинлигини курсатади. Шунга кўра талқин соҳасида юз бериши мумкин булган камчиликлар-талқинга хос эркинликни сустесъмол қилувчи «илмий олифтагарчилик»дан тортиб моҳирлик билан бўлса-да асар сюжетини кайта ҳикоя қилиб беришгача булган нуқсонлар ҳам олим нигоҳидан четда қолмайди.

А.Расуловнинг фикрича, “Ҳақиқий қадриятни тушуниш, шарҳлаш, талқин қилишда Гарбу Шарқ, ўтмиш ва ҳозирги мутафаккирлар орасида жиддий фарқ йўқ” (34-бет). Шу боис тадқиқотда энг қадим файласуф донишмандларнинг қарашларидан тортиб бугунги кузатишларгача бир бутун ҳолда камраб олиниши ва илмий-назарий хуласалар чиқарилиши жиддий ютуклардан биридир. Китобда бугунги талқин атамасининг факат Гарб илмида эмас, балки мумтоз адабиётшунослигимизда ҳам ўнлаб маънодошлари борлиги, жумладан, илми ғариба “талқиннинг юксак, нафис кўриниши” (71-бет) эканлиги қатор таҳлиллар билан асосланади.

Тадқиқотда марксча-ленинча таълимотга асослангая шуро даври адабиётшунослиги ва танқидчилигига хос бўлган соҳта ижтимоийлик ва бадиий асарга сиёсий-мағкуравий ёндашувнинг заарли оқибатлари ҳақида ҳам характерли илмий кузатишлар баён этилади. Шуро адабиётининг асосий методи ҳисобланмиш соцреализмнинг синфий моҳияти, асар схематизмига

йўл очадиган етакчи принципларнинг мазмун-моҳиятидаги юзакилик, бирёзламалик қатор илмий далаллар билан очиб ташланади.

А. Расулов адабий танқиддаги талқиний ёндашувлар ҳакида тұхталганда, асосий эътиборни тарихий-биографик, онтологик: ва тарихий-функционал ёндашувларға қаратади. Китобда қатор дағыллар орқали биографиябозлиқ шуро даврида авжга чиққанлигини, лекин уларда ижодкор билан унинг асарлариаро мұносабат деярли үрганилмаганлиги кайд этилади. Ваҳоланки, олим тұғри қўрсатганидек, шуро даврида яша б ижод этган ижодкорларнинг аксарияти ўз таржимаи ҳолларини, биринчидеги галда насле-насабини сохталашибиришга мажбур бўлишган.

«Бадиий асар-хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсигин-ёзувчининг маҳсули. Фарзанд ота-онасига ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадиий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти-ҳолатини үрганувчи соҳа бор. Уни биографик методи ёхуд бадиий асарга ёзувчи ҳолати нұктай назаридан ёндалиш дейилади.» (75-бет)-деб ёзади олим ижодкор билан асари ўртасидаги мұносабатлар талқинини ҳакида.

Китобда бадиий асарга онтологик ва тарихий-функционал ёндашувлар муаммосига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Фалсафада онтология «борлик», одам ва олам түшунчаларини англатади ва у факт моддий борликнинг тина эмас, балки маънавий оламнинг ҳам мангу барҳаётлигини ифодалағыди. Маълумки, борлик моддий ва маънавий оламдан ташкил топған бўлиб, унинг «мангу барҳаёт»лиги, бокийлиги «йуқлик»нинг муқобили, ғидди сифатида узлигини намоён килади. Улар ўртасидаги азалий ва чексиз, мангуликка дахлдор бўлған ўзаро зидлик ва боғликлик мұносабатлари бу түшунчанинг абадийлиги гар эвидир.

Хуш, «мангу барҳаёт»лик түшунчаси адабиёт ва адабий танқидда қандай талқининг эга. Адабиётда ҳам «мангу барҳаёт» асгрлар борми? Бор бўлса улар бокийлигининг сири нимада?

Олим фикрича, «Мангу асарлар, қадриятларнинг ички тузилиши, тартиботи үрганилса, ушарда зиддиятлар кураши, руҳий ҳолатларо инкор» этиш харакати мавжудлигини сезиш мумкин». (98 бет). Шунга кўра бокий асарларда «Онтология қадрият, бадиий бойликнинг «ҳаёти», «тириклиги», «узок умр куриши» манбаласини ёритади. Бадиий бойлик, қадрият «ҳаёти», «тириклиги» жонзодлар ҳаёти каби зиддиятлар курашига асосланган». (99-бет) Олим бадиий асар табиатидаги зиддиятлар хакида фикр юритганда, унинг яшовчанлигини таъминловчи бешта масалага атрофлича тұхталади. Жумладан, бадиий асар яратилар экан, у моддий неьмат сифатида маънавий оламдаги ўрнини белгиләши ва шу асосда бадиий бүш асарларни инкор этиш хусусиятига эга. Иккинчидан, бадиий асар қайсицир маънода акл ва торак маҳсули ва уларга хос бўлган интилишу зиддиятлар, мураккабликлар бадиий асар моҳиятида ётади, унинг абадийлигини таъминлайди. Учинчидан эса, бадиий асарда ижодкор ўзлигини намоён килиш учун ижтимоий ҳаёт билан муносабатга киришади, ниманицир тасдиқлайди, ниманицир инкор килади, ушбу зиддиятли муносабат орқали ўзлигини курсатга олади. Тұртингидан бадиий асарда «Онтология-руҳий зиддиятлар, унинг миқёси даражасини курсатувчи руҳоний таълимот». (101бет). Бешинчидан, ижодкор бадиий асарда «..аниқ, изчил гоя ва образлар орқали ўз бадиий дунёсини яратади». (103-бет). Бундай асарлар талқинида асосий эътибор ижтимоий борлиқнинг қандай акс этганилиги эмас, балки «..инсонлардаги руҳият, маънавий зиддият қай дарағжада акс этганилиги үрганилади».

Албатта, бу фикрларга, санокларга қайсицир маънода муносабат билдириш, күшимишталар киритиш, ислоҳлар килиш мумкинцир. Аммо асосий масала бунда эмас. Мухими шундаки, муаллиф барҳаёт, асрлар силсиласига дош берип келаётган улmas обидаларни ичдан нурлантириб турган бош масала-инсон қалби, унинг мураккаб, зиддиятларга, бурону курашларга, эврилишларга бой руҳоний олами кашфига қаратадики, бу илмий холосаларғоят мухим аҳамиятга эгадир.

Китобда тарихий-функционал ёндашув ёхуд бадий асарни қайта баҳолаш муаммоларига катта эътибор берилади. Бунда ҳам олим нигоҳи гоят кенг қамровли. Мумтоз ва жаҳон адабиётидаги улмас асарлар билан бирга XX аср адабиёти намояндалағы ижодини кайта баҳолаш, уларни қадриятлаш мезонлари асосида талқин этиш буғунги кун танқидчилигининг асосий методологик тамойилларидан бирига айланиб бораётгандигини катор кузатишлар орқали далиллаб беради. Мұхими шундаки, муаллиф ўзбек китобхонига А.Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар канчалик қадрли бўлса Фирдавсийдан тортиб Жомийгача, Шекспирдан Пушкингача ҳам шунчалик қадрли эканлигини таҳлиллар билан асослаб беради. Зеро, олим таъкидлаганидек: «Даҳсанъяткорлар-улаф шарқлими, гарблими, оқ танлими, кора танлими, мусулмонми, мағусий ё насронийми-юксак гояларни куйлаганлар».(125-бет).

Китобда сўнгти давр танқидчилигига устивор йуналиш касб этаётган таҳлил йўллари, усуллари, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳакида ҳам из чил изланишлар олиб борилган.

Жумладан, бадий матининг руҳига сингиб, сатрлар қаърига яширунган сеҳрли маъноларнинг мағзини чакиши усули, яъни-микроанализ имкониятлари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси, Қодирий романлари, Абдулла Қаҳхор, Э. Воҳидов ва А. Орипов ижоди бўйича бўлиб ўтгаш баҳс мунозаралар талқини асосида таҳлил килинади.

Олим Ҳамза асари талқини ҳакида фикрлар экан, танқидчиликда «қайта ишланган», «тикланган», «саҳна варианти яратилган» дегани қарашлар мавжудлигига тўхталиб, микроанализ имкониятлари «Бой ила хизматчи» драмасида Ҳамза услубидан ташқари унга сингишмаган, хуқмрон гояларни ифодалашга хизмат қилган образлар, эпизодлар мавқудлигини очиб берганлигини таҳлиллар асосида кўрсатиб беради.

Мазкур кузатишларда Абдулла Қаҳхор асарлари таъкидига кенг ўрин ажратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Сўнгти давр танқидчилигига Абдулла Қаҳхор ижоди бир-биридан фарқ килувчи жиддий баҳс-мупозараигарга бой

булди. Адид ижоди ҳақида М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов каби забардаст олимлар билан бирга О.Отахонов, С.Содиқ, И.Ҳаккул, С.Мелиев, Р.Кўчкоров, А.Жабборов, Ҳ.Каримов, Д.Қуронов, М.Олимов каби мунаққидларнинг ҳам бир-биридан фарқ килувчи маколалари чоп этилди. Муаллиф бу маколаларга муносабат билдираш экан, уларнинг бирини ёқлаб, иккинчисини коралаш йўлидан бормайди, аксинча м.икроанализ, синчиклаб ўкиш бир асар ҳақида турли хил қарашларни юзага келтириши мумкинлигига эътиборни қаратади.

А.Расулов бадиий матн тузилмаси, сўз қиммати, имо-ишоралар, белгилар, бир сўз билан айтганда, структурали-семантик таҳлил ҳақида фикр юритар экан, қўйдагича пишик-пухта илмий хулюсалар чиқаради: «Тузилма-адабий матн структураси. Тузилма мисоли тана-структураси: у яратилади. «жонли» одамнинг тузилишида-тартиб, аъзоларнинг урни, вазифаси бўлгани дай, адабий матннинг ҳам юраги, мияси, кузи, қулоги...бор.

...Структурали таҳлил аник тузилмани, сўзнинг уз урнида қулланишини текшириди. Одамдаги аъзоларнинг бир маром, бир меъёрда ишлагани каби, адабий матн тузилмасида ботиний мослик, тартибот булиши керак.» (166-бет).

Муаллиф ушбу мезон билан Р.Парфи, А.Орипов ижоди ҳақида танқидчиликдаги талқинларга муносабат билдиради. А.Ориповнинг «Тилла балиқча» шеъри ҳақида М.Қўшжонов, Я.Қосим, С.Мели қарашларига муносабат билдираш экан, қуйидагиларни ёзади: «Талқин талқинга йўл очади. Шубҳа йўқки, «Тилла балиқча» XXI асрда ҳам мунаққидлар диққатини жалб этади, янги-янги талқинларга имкон беради.» (172 бет).

Китобда истеъдодли мунаққид Иброҳим Ҳақкулов маколалари ҳам маҳорат түктаи назаридан таҳлилга тортилади. Мунакқиднинг «Яна лирик қаҳрамонкунинг маънавий олами ҳақида» (1981й.) номли мақоласини ўзбек танқидчили ги тафаккуридаги бурилиш нуқтаси, деб юксак баҳолайди.

А.Расулов XX аср ўзбек танқидчилигининг икки ёрқин намояндаси-М.Қўшжонов ва О.Шарафиддинов ижодини алоҳида мөхр билан таҳлил

килади. Улар услубига хос бўлган етакчи ху сусиятларни белгилашга ҳаракат қиласди. Жумладан, М.Кўшжонов услуби ҳакида гапирганда, унинг характершунос, матншунос, таркибшунос мунакқид эканлигига эътибор каратилади. О.Шарафиддинов услуби эса қўлб ва аклнинг уйғун лиги, жўшқин эктирос билан теран тафаккур шижоатидаги намоён булиши таҳлиллар билан кўрсатилади.

Умуман олганда, мазкур монография сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан бири сифат ида баҳоланишга лойик бўлган тадқикоглардан бириди. Олим томонидан илгари сурилган кўпгина илмий хulosалар адабиётшуносликнинг долзағ б муаммоларидан бири бўлиб турган адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг методологик ва илмий-назарий асосларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

1997 йил

АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маълумки, адабий танқид адабиётшуносликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, адабий танқид фан сифатида адабиётшунослик илмининг муайян йўғалишдари доирасида фаолият юритади, тадқик этади, илмий хulosалар чи икаради.

Шу жихати билан адабий танқид бир томондан адабиётшуносликнинг бошка таркибий қисмлари (адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, фундаментал тадқиқотлар ва х.о.) билан муштарак конуниятларга амал қилса, бошка томондан ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Бу ўзига хослик энг аввало бадиий асарни тадқик этиш усули ва услубий индивидуаллик билан белгиланади. Айни ҳолат адабий танқид методологиясининг ўзига хос тамойилларга эга булишини тақоза қиласди. Методология юононча сўз булиб, усул, методлар ҳакидағи таълимот деган маънони амглатади. Методологиянинг етакчи белгилари ҳакида гап кетганда, икки жиҳат фарқлаб кўрсатилади: 1) илмий билиш методлари, усуллари тўғрисидағи таълимот; 2)

инсон фаолиятининг бирон бир соҳасига қўлланиладиган методлар, усууллар мажмуаси; Шунингдек, методологияга илмий изланиш назарияси ва таҳлили хакқи ҳаги таълимот сифатида урғу қаратиласди.

Бинобарин, айтиш мумкинки, методология мутлаклаштирилмаган ва идеялаштирилмаган ҳолда инсон тасаввuri ва тафаккури кашф этган барча илмий-ижодий кашфиётларни тадқик этишининг турли хил восита ва усуулари мажмумасидир. Шундан аён бўладики, илм-ғиз, адабиёт ва санъатнинг барча турлари муайян методологик тамойиллар асосида ва заминида тадқик ва талқин этилади. Ҳар бир соҳанинг методологик тамойилларини аниқ белгилаш шу соҳанинг методологик асосларини аниклаш демакдир. Мустақиллик даврида барча соҳада методологик тамойилларнинг янгиланиш жараёниларини ўрганишга киришилаётганлиги боис унинг методологик асослари хакида дастлабки қарашлар энди-энди вужудга кела бошлади. Жумлайдан. «Фалсафа асослари» номли китобда мустақиллик йилларида фалсафанинг янгиланиши учун зарур бўлан асослар кўйидагича кўрсатилади: 1) моддий-иктисодий асослар; 2) ижтимоий-сиёсий асослар; 3) маънавий асослар;² «Фалсафа қисқача излоҳли луғат»ида эса «методология асосларининг ижтимоий-тарихий, ижтимоий-илмий, инсоний, шахсий, маданий заминлари қайд этилди»³ деб кўрсатилади.

Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Сайдахмедовнинг «Замонавийлик. Методология. Педагогика.»⁴ номли мақоласида педагогика фанининг методологик асослари меъёрий асос ва фалсафий асосга ежрат илади ҳамда педагогика методологиясининг амалий ва назарий таснифи ишлаб чиқилади.

Оқоридагилардан аён булаётирки, методологик асосни белгилашда у шбу соҳанинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ҳар хил ёндашувлар а малга оширилмоқда.

² «Фалсафа асослари», Т., «Узбекистон», 2005, 37-38 бетлар.

³ «Фалсафа қисқача излоҳли луғат», Т., «Шарқ», 2004, 203 бет

⁴ Карапп: Сайдахмедов Н. «Замонавийлик. Методология. Педагогика. Узлуксиз таълимн., Т., 2004, 2-3сонлар, 5-38 бетлар.

Адабиётшунослиқда методология муаммолари ҳамиша долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Адабий танқид методологиясига оид изланишлар үтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошланиб то тўксонинчи йилларгача, яъни Ўзбекистон ўз мустакиллигини кўлга киритгунча хам давом этди. Жумладан, етмишинчи йилларда М.Нурматовнинг «Танқид ва эстетика», Х.Умировнинг «Тахлил санъати»⁵ каби китоблари адабий танқид методологияси ва методлари муаммосига бағишиланган. М.Нурматов кузатишларида адабий танқид методологиясининг фалсафа ва эстетика методологияси билан муштарак жихатлашыга эътибор қаратилса, Х.Умиров кузатишларида социалистик реализм методи таснифи масаласига ургу қаратилади. Академик Иzzат Султоннинг «Адабиёт назарияси»⁶ дарслигида эса, «Адабиётшунослик методологияси» таркибий қисм сифатида талқин этилади.

Адабий танқид методологиясига оид тадқиқотлар ичida академик Б.Назаровнинг докторлик диссертацияси⁷ алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур тадқиқотда адабий танқиднинг методологик асослари ва тамойиллари атрофлича тадқиқ этилган.

Жумладан ўзбек танқидчилигининг тараққиёт тамойиллари, назарий камолот йўлидаги изланишлари, метод ва услуб, замон ва қаҳрамон муаммоларига асосий эътибор қаратилган.

Адабий танқидда метод виа методология муаммолари саксонинчи йилларнинг охири ва тўксонинчи йилларнинг бошларида янгича йуналиш касб эта бошлади. Бу давр адабиётшунослигида адабий танқиднинг методологик тамойиллари унинг специфик хусусиятларидан, тахлил принципларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда хилма-хил эканлиги эътироф этила бошланди. Шунингдек, бу даврда маркесча-ленинча таълимопча асосланган методология шубҳа остига олиниши билан бирга янгича методологик тамойиллар ҳакида дастлабки мулоҳазалар пайдо була бошлади¹.

⁵ Умиров Х. Тахлил санъати. Т., Ф. Ғулом номли АСН, 1978.

⁶ Султон И. Адабиёт назарияси. Т., Ўқитувчи, 1956, 23-бет.

⁷ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва тарақкий этиши Филология фанлари доктори илмий даражасини олиши ёзилган диссертация. Т., 1983.

Шу жихатдан А.Расуловнинг саксонинчى йилларда чоп этилган «Танқидчилик уфқлари»⁸ номли китоби характерлидир. Мазкур китобдаги кузатишларда шўро таълимотининг сунгги даврларига оид бўлган мураккабликларни ҳам, шунингдек, янгидан туғилиб келаётган тафаккур тарзини ўзига хос тарзда мужассамлаштира олишнинг намунасини ҳам кўриш мумкин. Чунки адабиётшунос олим адабий танқид методологияси ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, албатта марксча-ленинча таълимотга суянишга ҳара кат қиласди, бироқ таҳлил жараёнида эса бу принципдан чекиниб танқид методларининг хилма-хил бўлиши зарурлиги ҳақидаги асосли илмий хуҷосаларни илгари суради.

Бироқ бу да врдаги кузатишларда марксча-ленинча таълимот асосида иш юритилганлиги бо ис, кўплаб тўғри илмий хулосаларни ифода этишларига қарамай, асосий ҳасалаларда синфийлик ва партиявийликка асосланган коммунистик мафкура гояларига мос илмий концепцияни илгари суришга ҳаракат қилишди. Бу хол то халқимиз мустақилликка эришгунча давом этди.

Бугунги кунда мустақиллик туфайли янгиланаётган адабий-бадиий тафаккур марксча-ленинча таълимотга асосланган методология илмий билишнинг ишончли, ягона методологияси эмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилди ва ундан узил-кес ил воз кечди. Бироқ бу дегани етмиш йилдан зиёдрок вақтда эришилган бой илмий ва маданий меросдан бирваракайига воз кечиш, юз ўғириш дегани эмас.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди шу ўтган даврда кўплаб хато ва йўқотишларга қарамай адабиётшуносликнинг фундаментал асосини яратган дея олишга тұла асос бор.

Ўзбек адабиётшуносликнинг мустақиллик йилларида ҳам адабиётшунослик ва адабий танқид методологияси муаммоларига катта ўтибор қаратилмоқдай. Жумладан, профессор А.Расулов⁹ ва Б.

⁸ Расулов А. Танқидчилик уфқлари, Т.;, Ф. Ўзлом номли АСН, 1985.

Расулов А.Р. «Хозирги узбек танқидчилигига таҳлил ва талқин муаммоси» ДДА, Т,2002

Каримовларнинг¹⁰ докторлик диссертацияларида адабий танқид методологиясининг асосий йўналишини ташкил этувчи таҳлил ва талқин муаммолари ҳар тамонлама тадқиқ этилди.

Таъкидлаш зарурки, методология факат методлар ва унинг назарияси ҳакидаги таълимот бўлиб қолмай, балки илмий концепцияни юнгиловчи, илмий гоялар тизимини шакллантирувчи, муаммоларни белгиловчи, йўналишларни аникловчи ва шу асосда фундаментал тадқиқотларга йул очувчи, назарий умумлашмалар ҳосил қилишга асос солувчи жараён ҳамдир. Чунки методология маълум колиплар асосида қотиб қолға, назариялар йигиндиси бўлмай, инсон тафаккури, дунёкарашидаги эврилишлар, янгиланишлар билан тўйиниб борадиган амалий жараёндир. Зоро, инсон тасаввури ва тафаккури, дунёкараши янгиланмай туриб илм-фанда ҳам янгиланиш бўлиши кийин. Бу ҳол айниқса ижтимоий фанлар учун, жумладан адабий танқид учун ҳам характерлидир. Шунга кўра энг азвало ҳар бијо соҳанинг, жумладан адабий танқиднинг ҳам методологик асосларини аниклаш унинг назарий ва амалий фаолиятини ўрганишдаги мухим боскичдир. Хуш, адабий танқиднинг методологик асосини нималар ташкил этади. Бизнингча улар қўйидагилардан ташкил топади.

1. Илмий-назарий асос.

Адабий танқиднинг фан сифатидаги ўзак қисмини илмий-назарий асос ташкил этади. Бинобарин, илмий билишга хос булган етакчи хуусиятлар унга ҳам бегона эмас. Шунга кўра адабий танқид методологиясининг илмий асосини белгилашда унинг бошка фанлар билан алоқаси ҳам мұхим ахамият касб этади. Адабий танқид ўз специфик хуусияти ва таҳлил обьекти табиатидан келиб чиқиб тарих, фалсафа, эстетика, мантиқ, рўҳшунунослик каби фанлар билан изчил боғлангандир. Адабий танқиднинг бігу соҳалар билан алоқаси умумийлик ва хуусийлик категорияларининг діалектник бирлиги доирасидаги боғланишдир. Лекин адабий танқид ўзига кос илмидир. Гарчи

¹⁰ Каримов Б.Н. “XX аср узбек адабиётшунослигидаги талқин муаммоси (Қодирийш унослик мисолида), ДДА, Т, 2002

адабиётшуносликнинг бosh қа соҳалари билан қатор муштаракликларга эга бўлиб, тадқиқ обьекти бир бўлса-да, бир қатор жиҳатларига кўра улардан фарқланади.

Унинг ўзига хос жиҳа ги, энг аввало, адабий жараёнда янгиланаётган долзарб илмий концепциялағани тезкорлик билан аниқлаш ва илмий муаммо сифагида қўя билиш, мазкур илмий муаммоларнинг асосий йўналишларини, тараққиёт тенденцияларини белгилаб беришида намоён бўлади. Мазкур муаммоларнинг ечими эса бои ика тадқиқотларни такоза қиласди. Шу жиҳати билан адабий танқид бошқа таркибий қисмлар, жумладан монографик тадқиқотлар ва илмий-назарий изланишлар учун хамиртуруш вазифасини утайди. Таъкидлаш зарурки, адабий жараён факат хозирда яратилаётган бадий асарлар мажмуидан иборат ҳодиса эмас. Адабий жараён деганда тинимсиз изланиш ва ҳаракатда бўлган яхлит бир бутун фаолият, ижодкорлар ва бу соҳага муносабат билдиручиilar томонидан яратилган турли даражадаги, шу жумладан, бокий дурдона асарлар ва ҳар хил назарий қарашларни тўла мужассамлаштирган бадий, илмий-ижодий жараён назарда тутилади. Адабиётшунос олим А.Расулов ҳакли равишда таъкидлаганидек, «Адабий танқиднинг саломоги, талқину баҳомаш имконияти ҳамиша бокий асарларни ўқиб, ўрганиб боришида намоён бўлади» (ЎАС, 2005 йил, 1 сентябрь).

Юкоридаги кузатишлар асосида адабий танқиднинг сўнгги ўн беш-йигирма йиллик фаолиятидаги етакчи тамойилларни кўйидагича белгилаш мумкин:

-Адабий танқидда метод ва методология муаммолари. Тадқиқ, тахлил ва талқин принципларининг ўзига хослиги.

-XX аср узбек адабиётини янги мезонлар ва янги методологик тамойиллар асосида баҳолаш.

-Хозирги адабий жараёндаги етакчи тенденциялар: бадий асарга янгича муносабат.



Адабиётшуносликнинг сўнгти давр фаолиятига назар ташласак юқорида курсатилган муаммоларнинг барча йўналишлари бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борила бошланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол эса адабий танқид адабиётшуносликнинг фоят мухим таркибий кисмларидан бири эканлигидан далолатdir.

2. Бадиий-эстетик асос.

Маълумки, илмий билиш ижод асосида амалга оширилади. Муаммога ижодий муносабат бўлмаса фанда кашфиётлар бўлмайди. Илмий билиш методологиясида ижод иккига-илмий ижод ва бадиий ижодга ажратиласди.¹¹ Илмий ижод асосида илмий тафаккур етакчилик қиласди. Унинг ифода усули ҳам илмий тил орқали амалга оширилади. Аниқ фанларда, шунингдек ижтимоий соҳа фанларида, жумладан, адабиётшуносликнинг адабий танқиддан бошқа соҳаларида илмий фикрларни ифодалашда аниқлик ва қисқаликка интилиш, назарий умумлашмалар чиқариш-булар барчаси мутахассисларга тушунарли бўлган илмий тил ва атамалар орқали ифодаланади.

Бадиий ижодда хиссий билиш етакчилик қиласди. Образлилик унинг асосий хусусиятидир. Ифода усулида эса бадиий тил имкониятлари, турли бадиий тасвир воситалари, поэтик кўчимлар образлиликни таъминловчи асосий унсурлардир.

Адабий танқиднинг мухим методологик асосларидан бири-ифода усуллари ва услубий ўзига хосликлари шундаки, унинг илмий ижод билан бадиий ижодга бирдек дахлдор эканлигидадир. Бир сўз ёланан айтганда, адабий танқид илмий тафаккурнинг образли фикрлаш билан чамбарчас боғлиқ ифодасидир. Бунда икки жиҳат характерлидир.

1. Адабий танқиднинг тадқиқ обьекти энг аввало бадиий асар эканлигидадир. Аёнки, бадиий асарнинг етакчи хусусиятини бадиийлик ва образлилик ташкил этади. Бинобарин, адабий танқид бадиий асар поэтикасини энг аввало бадиий-эстетик конуниятлар, мезонлар асосида

¹¹Каранг: Туленов Ж. Диалектика назарияси, Т, «Укитувчи», 2001, 180 -бет.

тадқик этади. Бу ҳол адабий танқид илмий тафаккур тарзининг ўзига хослигини белгилайди. Яъни образли фикрлаш учун замин яратади.

2. Адабий танқид таҳлил жараёнида бадиий асар воситасида одам ва олам, ижтимоий борлик ва инсоний муносабатлар ҳақида ҳам мушоҳадалар юритади. Уларнинг қонуниятларини ҳам очишга ҳаракат қиласди. Бу ҳол адабий танқид услубининг меъёрий илмий қоидаларига бўйсинган тадқиқдан эркин мушоҳада юритувчи таҳлил ва талқин шаклида намоён бўлишга олиб келеди.

Бу ҳол адабий танқид тилининг ўзига хослигини таъминлади. Унинг ифода йўсинида илмий тил билан бирга бадиий тил бирдек иштирок этади. Айн ҳолат адабий танқидда бадиий асар каби жанрлар туркумининг пайдо бўллашига ва худди мжодкор услуги каби мунаққид «мен»и услубининг шагсланишига хизмат қиласди.

3. Ижтимоий-тарихий асос. Адабий танқид ижтимоий соҳа сифатида миълум бир ижтимоий-тарихий давр билан узвий боғлангандир. Муайян ижтимоий-тарихий даврда кечётган ўзгаришлар, янгиланиш жараёнлари тубҳасиз адабий танқид фаолиятида ҳам ўз аксини топади. Мустақилликдан сўнг вужудга келган янгича ижтимоий-тарихий жараён, энг аввало иктиссодий, сиёсий ва маъданий ўзгаришлар адабий танқидда янгича концепция иза тамойилларнинг пайдо бўлишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Адабий танқид фаол ва жозиржавоб фан сифатида юз бераётган ижтимоий-тарихий жараённинг барча кирраларини ўз субстанциясида тўла акс эттиради, ушбу жараённинг актив иштироқчисига айланади. Бу хусусият адабий танқид методологиясининг муҳим жиҳатларидан биридир.

4. Мафкуравий асос. Адабий танқид методологиясининг муҳим асосларидан бири мафкурадир. Мафкура ҳақида «Миллий истиқлол ғояси асоси» тушунча ва тамойиллар номли китобида шундай таъриф берилади:

«Мафкура-муайян ижтимоий груп ё қатламнинг миллат ёки давлатнинг эҳтиёжлари, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини

ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir».¹²

Күчирмадан маълум булаётirки, мафкура муайян ғоялар тизимиdir. Шунга кўра у инсон дунёқарашининг инъикосидир. Инсоният тарихидан маълумки, дунёқарашнинг ұзак масаласини эзгулик билан ёвузлик, гўзаллик билан хунуклик, озодлик билан босқинчилик, маърифат ва жаҳолат, одобахлоқ ва ахлоқсизлик каби ғояларнинг изчил кураши ташкил этиб келган. Шунга кўра ғоялар икки хил-илғор ва жоҳил ғояларга бўлинади. Бири жамият тараққиётiga, инсоният маънавий камолатига хизмат қилса, ик кинчиси унинг таназзулига олиб келади.

Адабиёт ўзида ушбу курашнинг маънавий-руҳоний, ижтимоий асосларини мужассамлаштириши, намоён қилиши билан :карактерланади. Бинобарин, адабиёт ва санъатни мафкурадан холи кўриш мумкин эмас. Бу борада ҳозир адабий танқидда жиддий баҳслар кечмешкда. Адабиётда мафкуранинг мавжудлигини инкор этувчилар ҳам, зарурлигини таъкидловчилар ҳам куплаб топилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги танқид методологиясининг мафкуравий асоси ҳакида гап кетганда, уни шуро давридаги мафкурадан тамоман фарқлаш зарур бўлади. Негаки, шуро давридаги мафкура асосан яккаю ягона сиёsat юритган ҳоким партия-коммунистик партия ғояларига хизмат қилган ва ҳалқ манфаатлари билан изчил боғланмаган мафкура эди,

Бу мафкура синфий мезонлар асосида адабий таъқид тафаккурини бошқарувчи кучга айлантирилган эди, Шу боис синфийлик тамойилларига асосланган мафкура ҳакидаги назариялар адабиёт ва санъат равнақигагина эмас, балки адабий танқид ривожига ҳам катта зарур етказди. Унинг вазифаларини тамоман бошқа йўналишга буриб, ғоявий курашнинг куролига айланишига сабаб бўлди. Ҳатто эстетик тушунчилар ҳисобланмиш умуминсоний категориялар-ижобийлик ёхуд салбийлик, гўзаллик ва

¹² Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар., Т, «Янги аср а алоди», 2001, 31-бет

фожиави йлик, маънавий баркамоллик ва тубанлик каби хислатлар ҳам синфий мезонларга бўйсундирилди.

Бу хил зўровонликка асосланган талафлар бадий асарнинг маълум бир колипди, маълум бир андозалар асосида яратилишига, ижодкорлик ва ижод эркин тигининг бўтилишига олиб келди. Натижада адабиётда бир хиллик, схематизм авж ола бошлади. Синфийликка асосланган сохта гуманизм, сохта ахлоқ нормалари тасвир этила бошланди.

Адабий танқиднинг бадий асарни баҳо чашдаги эрки чекланди. У гоявий курашда коммунистик партиянинг авангард кучларидан бири деб эълон қилинди. Ҳоким мафкура синфийлик ва пайдиявийликни адабий танқиднинг зарурый шартларидан бирига айлантириди.

Агар шу жиҳатдан адабий танқиднинг сўнгги йиллардаги намуналарини кўздаи қечирадиган бўлсак, унинг методологик тамойиллари шуро даври дагидан фарқли равишда эркин тарзда миллый мафкура, яъни эзгу ғояларни ўзида мужассамлаштирган мафкура тамойилларига муштарак экан лигини куриш мумкин. Жумладан, миллый истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари ва ғоялари кўйидагилардан ташкил топган: 1.Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларини ифода этади. 2.Ўтмишни келажак билан bogловчи маънавий кўприк эканлиги. 3.Халқни эзгу, буюк максатлар учун бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи куч эканлиги. 4.Халқ бунёдкорлигининг асосий мезони эканлиги. 5.Кишиларни яратувчилик фаолиетига сафарбар этиш ва гоявий жиҳатдан ҳимоя қилиши. 6.Ёш авлодни эзгулик йулида тарбиялашнинг асосий омили бўлиши.

Миллый мафкуранинг асосий ғоялари кўйидагилардан иборат: 1.Ватан равнақи. 2. Юрт тинчлиги. 3.Халқ фаровонлиги. 4.Комил инсон. 5. Ижтимоий ҳамкорлик. 6. Миллатлараро тотувлик. 7. Диний бағрикенглик.¹³

Ушбу тамойил ва ғоялар билан истиқлол даври танқидчилигининг етакчи тамойилларини қиёсласак муштарак жиҳатлар ниҳоятда кўп эканлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, бу давр танқидчилигида;

¹³ Уша маиба. 14 8-17 1 бетлар.

-миллий ўзликни англаш концепциясининг устивор концепцияга айланаши; бунинг учун XX аср ўзбек адабиётини, жумладан, миллий уйғониш адабиёти намояндалари-М.Бехбудий, А.Авлоний, А. Фитрат, А.Қодирий, А.Чупон каби ижодкорлар ижодини қайта баҳолаш ва шу асосда ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш ва улуғлаш концепциясининг устизорлиги;

-Миллий менталитетта эътиборнинг кучайиши, миллий қадриятларни улуғлаш асосида умуминсоний гояларни илгари суриш тамойиллар ига амал қилиш;

-Комил инсон концепциясининг устиворлиги;

-Диндаги инсонпарвар қадриятларни тиклаш жараёнларининг эркинлашуви ва х.о.

Юкоридагилардан аён булаётирки, миллий мағкурунинг асосий тамойил ва гоялари уз-узидан пайдо бўлмаган, балки жамият мальнавий тараққиётидаги етакчи кучларнинг, жумладан адабиёт ва санъат, тарих, фалсафа, адабий танқид каби кўплаб соҳаларнинг етакчи тамойиллари асосида юзага келган ва шу жиҳати билан ҳаётйлик касб этган. Демак, адабий танқид методологиясининг мағкуравий асоси деганда тайёр андазаларга солинган гоялар тизими эмас, балки миллий мағкура гояларининг шаклланиб боришига доимий равишда ўз хиссасини қушиб борадиган жараён назарда тутилади.

Юкоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, адабий танқид ўзига хос илм бўлиб, унинг методологик асослари ҳам шундан келиб чиқади. Юкорида тилга олинган асослар адабий ганқиднинг ҳар бир мукаммал намунасида у ёки бу тарзда ўз тажассути/мини топганлиги шубҳасизdir. Албатта бу кузатишлар умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир методологик асоснинг етакчи хусусиятларини, асосий тамойилларини аник-тиник фактлар, қиёсий тахлиллар асосида белгилаш, тавсифлаш мухим аҳамиятга эгадир.

АБСУРД ФАҚАТ МАЪНИСИЗЛИКМИ?

ЁХУД МОДЕРНИЗМ ВА УНИНГ ОҚИМЛАРИГА ДОИР БАҲСЛАР ХУСУСИДА

Истиклол туфайли қулга киритилган ижод эркинлиги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётида кечган ва кечайтган жараёнларга уйгунлашиш имконини яратди. Шу туфайли адабий танқидда мустақилликнинг илк даврида яратиган асарларни жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилишга кириш килди. Чунончи модернизмнинг мантакий давоми, деб қаралган абсурдизм, экзистенциализм, постмодернизм си нгари оқимларнинг мазмунмохи яти, ўзбек адабиётида ушбу оқимларга хос жиҳатларнинг мавжудлиги ва айни шу хусусиятлари туфайли ўзбек насли услубий ранг-барангликка эришаётгани утган асрнинг 90-йиллари ва янги асрнинг дастлабки йилларида адабий танқиднинг етакчи, кизғин мунозафаларга сабаб булган маизуларга айланди. Хусусан, «абсурд» тушунчаси, «абсурд адабиёт», «абсурд инсон образи» тушунчалари атрофида кечган баҳсларда бир гурух олимлар ўзбек адабиётида «абсурд асарлар», «абсурд жараёнлар» пайдо бўлганини ижобий тенденция сифатида баҳолашган бўлса, бешка бир гурух олимлар бадииятдаги, хусусан, гарб адабиётидаги бундай талқинларни буткулрад этиб, абсурдизмнинг ўзбек адабиётига мутлақо алоқаси йўқолганини даъво килиб чиқишиди.

Абсурд адабиёти буйича тадқиқот олиб борган хорижлик олимлар бу оқимга мансуб асарларда гарб ижтимоий ҳаётидаги социал жараёнлар, аввало, инсон шахсининг бегоналашув жараёни ихчам, сиқик тарзда акс эттирилганини таъкидлашади. Умуман, абсурд санъатининг пайдо бўлиши сабабларини тадқиқчилар инсон шахсининг истак ва хоҳишлари, манфаатлари билан у яшаётган шарт-шароит ўргасидаги кескин ва чукур антогоностик қарама-қаршиликларда, деб ҳисоблашади. Аммо абсурд асарларда бу қарама-қаршилик тасвирланмайди, балки аксинча, ана шундай имконсиз, иложсиз, боши берк кўча-абсурд шарт-шароит мавжуд воқелик сифатида, инсоннинг табиий ва ўзгармас мавжудлик имкони тарзида талқин

этилади. Хулоса эса қатъий ва ўта бир ёқлама: мавжудликнинг бу ёғиз имконини ўзгартиб бўлмайди, инсониятга бу боши берк кўчадан чикишлинг йўли йўқ.

Дарҳақиқат, «модернизм-жўн ходиса эмас» (Озод Шарафиддинов), деган ҳақиқатга қанчалик ишонсак, модернизмнинг бир оқими сифатида кўриладиган абсурд адабиётга ҳам рўй берган, мавжуд эстетик-бади ўзи ходиса сифатида қарамоқ лозим. Тушкун дунёкарашни акс эттирган концепцияга асосланган абсурд асарлар азалдан гарб адабиёти ва санъатида, фалсафасида мавжуд бўлган эзгин кайфиятдаги қаҳрамонлар ҳолатлари, умидсиз ўй-хаёллари XX аср адабиётида бадиий образларда, саҳналарда универсал ҳодисага айлангирилиб кўрсатилди. Бу билан гарблик адаблар икки жаҳон урушини бошдан кечирган, диний эътиқодга ишончи сусайиб кетган, оқибатда яшашдан толиқкан, эзгин руҳий ҳолатта тушган гарб қишисининг тириклиқдан маъни тополмаганини бир қадар бўрттириб гафдалантириди. Айни пайтда, улар абсурд адабиётининг муайян ижодий принципларини яратишиди, бадиий-эстетик моҳиятни намоён этишиди.

Чунончи, А.Камюнинг «Бегона» романи ҳақидаги Ж.П.Сартрнинг «Бегона»ни тушунтириши¹⁴ маколасида абсурд оқимига мансуб асарда муаллиф бирор-бир тарихий шароит, вазият оқибатида эмас, балки инсон қисмати азалдан чорасиз, одамнинг охир-оқибат ўлимга маъкум ва бу ҳақиқат қаршисида у ожиз, деган принципга асосланилганини қузатамиз. «Бегона» қаҳрамони Мерсонинг чорасизлиги унинг мутлақо «оз эдлигига»-жамиятга, динга, ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳеч қандай масъулӣятга эга эмаслигига. Айни шу принцип асар услубини ҳам белгилайди. Умуман, реалистик методдан услубан буткул фарқ қиласидиган абсурд адабиёти намуналари тарихий конкретликдан, ҳайтий реал мантиқдан холи. Улардаги воқеа-ҳодисалар бирор-бир давр билан боғланмайди, асосан, хаос ичida кечади. Айни шу-реализм методининг асосий принципларига тамоман тескарилиги

¹⁴ Сартр Ж.П. «Бегона»ни тушунтириш». //«Называет вещи своими именами». «Прогресс» -М.: 1986. С. 93

боис ҳўм абсурд адабиёт бевосита модернизмнинг етакчи оқимларидан бири саналади.

Узуман, жаҳон адабиётшунослигига модернизм йўналишига мансуб оқимлар, уларнинг илдизлари, ижодий, бадиий-эстетик принциплари хар жихатдан таҳлил ва тадқиқ этилган бўлиб, бу оқимлар, жумладан, абсурд адабиёт ҳам тарихан қозага келган эстетик ҳодиса сифатида тан олинади. Уни кабул килиш ёки қилмаслик, бу оқим намояндадарининг қарашларини, асарларини жаҳон баъдий тафаккурига қўшилган бир хисса сифатида тасди клаш ёки рад этиш китобхон, адабиётчи ёки ижодкорнинг узихти ёридаги иш.

Биз бу ўринда факат ушбу фактларни эслатиб ўтишни лозим, деб ўйлаймиз: абсурд адабиёт классиклари деб танилган А.Камю ва С.Беккет ижодлари халқаро Нобел мукофотига лойик топилган бўлса, Э.Ионесу Франция фанлар академияси аъзолигига сайланди. Нафакат бу адиллар, балки, умуман, модернизм адабиётида, хусусан, абсурд адабиёти атрофидаги баҳс-мунозаралар мазкур оқимнинг жаҳон адабиётида чукур из қолдирганини далил лайди. Собик шўро замонида тилга олиш ҳам таъкиқланган бу адабий оқимлар ҳақида мустақилликка эришганимиздан кейин баралла гапира бошлантанини, уни ҳар жихатдан ўрганишга киришилгани, шубҳасиз, ўзбек адабий танқидчилигининг истиқлол йилларида ўз тамойилларини янгилаш йўлида ташлаган дадил қадамларидан бири сифатида қараш максадга му вофиқдир.

Истиқлол даври ўзбек танқидчилигига модернизмнинг бадиий-эстетик хуусиятлари, моҳияти атрофига, хусусан, абсурдизм, постмодернизм каби оқимлари борасида хилма-хил, гоҳида бир-бирига тамоман зид қарашлар оғдинга сурилди. Таникли адабиётшунос олим У.Норматов «Умидбахш тамойиллар»¹⁵ мақоласида 90-йиллар бошнаги ўзбек насрода етакчилик килган течденциялар ҳақида сўз юритиб, анъанавий реалистик асарлар билан бир қаторда, инсон руҳиятини янгича услублар воситасида бадиий тадқиқ

¹⁵ Норматов У. Умидбахш тамойиллар //«Шарқ юлдузи». 1993. 10-12 соннаги.

этишга, инсонни ижтимоий тип сифатида эмас, балки ўзига хос сирли-синоатли мавжудот сифатида талкин этишга эътиборнинг кучайга лигини, экзистенциализм фалсафасига таяниб ёзилган асарлар, жумладан, «абсурд асар, абсурд қаҳрамонлар ҳам кўпайиб қол» ганини таъкидлайди: «80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларидағи вазият бизда абсурд адабиётнинг, абсурд инсон образининг туғилиши учун замин тайёрлади» Мунисқид ушбу мулоҳазалари асосида Э. Воҳидовнинг «Ватан умиди», А. Ориповнинг «Фожеа», М. Мухаммад Дустнинг «Лолазор», У.Хошимиовнинг «Тушда кечган умрлар», Ш. Холмирзаевнинг «Олабўжи», О.М.уҳторнинг «Минг бир киёфа» асарларида, Н.Эшонқул ҳикояларида муаллифлар қаҳрамонларнинг умри, фаолияти, амал қилган ақидалари, яшаган мухити бемаънилигига алоҳида ургу беришганини айтиб, бу асарларни «абсурдни эслатувчи асарлар», деб атайди.¹⁶

Албатта, инсоният тараққиётига, инсонпарварлик ақидалариға, умуминсоний қадриятларга зид бўлган шаролар гояси мислсиз фожиаларни келтириб чикарди, ҳалкларни эътиқодидан айирди, ғайригуманистик тартиботларни жорий этди. Айни шу шароит, вазият У.Норматов мақоласида тилга олган асарларда кучли танқицли руҳда фош этилган. Ижодкорлар собик шўро мағкураси билан бирга унинг ёлғонга курилган сиёсатини инкор этадилар, бу сиёсатнинг инсонлар тақдиридаги мудхиш оқибатларини реалистик, мажозий, шартли с браз ва тимсолларда, турли услубларда тасвирлайдилар. Бу тасвирларнинг абсурд асарлардаги ҳолат, вазият, қаҳрамон тасвирларига қанчалик мувофиқлиги айрим мулоҳазаларга туртки беради. Маълумки, абсурд алабиётнинг етакчи принципларидан бири ундаги шароит, вазиятнинг муайян тарихий даврга мутлақо алоқасизлиги билан изоҳланади. Абсурд асарда айни ҳолат, вазият мавжуд, бироқ бу қайсиdir тарихий шароитнинг сабаб ва оқибатлари эмас.

Экзистенция («existential»)-мавжудлик абсурд асар замирида ҳақиқат маъносида келади. Инсоннинг мавжудлиги-экзисгенцияси, абсурд асарда, унга

¹⁶ Ўша манба, 182-бет

кайсиdir йўсинда таъсир ўтказиши мумкин бўлган ташқи омилларни, дейлик ғоялар, панду насиҳатларни, йўл-йўрикларни тан олмайди. Яъни абсурд асар қаҳрамони буларинг ҳаммасидан холи, у тамоман «озод». Абсурд қаҳрамоннинг фожиаси ўзида ва буни унинг саъй-харакати, фикр-ўйи, ўзининггина экзистенцияси-мавжудлиги белгилайди. Бундай қаҳрамон учун хаётда маъни йуқ, яшашнинг ўзи арзимас бир машғулотдир. Айни пайтда эса (А.Камюнинг «Бего на» романи бош қаҳрамонини эслайлик), у нимагадир умид боғламайди ва умидсизликка берилмайди, у шунчаки мавжуд, холос.

Бир сўз билан айтганда, абсурд асар матнидан курилишигача, вазият, холат ифодасидан яку нигача маънисизликка бўйсундирилган бўлади. Бундай асарларда реал ҳаётдән айрим деталлар, иборалар ишлатилса-да, асосан, реалистик тасвир услубидан тамоман фарқли тасвир устунлик қиласи.

Абсурд адабиёти 1 тамуналарига хос ушбу умумий жихатларни назарда тутсак, У.Норматовнинг мақоласида ўзбек адабиётида яратилган бир қатор асарларни абсурд адабиётига мансуб дейиши эътиroz туғдиради.

Тугри, мунаққид собиқ шўро воқелигини фош этган асарлардаги фожиавий саҳналар тасвири, фожиали қаҳрамонлар тушган ҳолатлар тасвирини абсурд воқеликнинг бадиий талқинлари сифатида қабул қилганини тушуниш мумкин. Бу асарлафда чиндан ҳам «ҳалокатга маҳкум тоталитар тузум ва яккаҳоким мафкуранинг даҳшатли мажозий манзаралари чизилади», хусусан, Н.Эшонқулнинг «Тобут» хикоясида «даҳшатли мажозий ифода асли тархи нобоп, ҳалокатга маҳкум жамиятнинг тимсоли даражасига кўтарилади». Бироқ фожиали шароит, вазият тасвири, фоже қаҳрамон образи ҳали абсурд асар ва абсурд қаҳрамон моҳиятини ўзида акс эттирмайди. «Фожиа» категорияси «абсурд» тушунчасидан тамоман фарқли экани ўз-узидан аён.

У.Норматов «Ўтмишдан эртаклар» ва «абсурд»¹⁷ мақоласида А.Қаххорнинг «Сароб» романи, асар бош қаҳрамони Саидий образи экзистенциализм фалсафасига асосланган әдабий принциплар асосида

¹⁷ Норматов У. Ўтмишдан эртаклар ва абсурд //«Ўзбекистон адабиётчи ва санъати».

яратилган, деган фикрни илгари суради, «Саидий рухиятида маънавият инқирози тасвирида экзистенциализм фалсафасига асосланган адабий принциплар мавжудлиги»ни таъкидлайди.

Шунингдек, у «Ўтмишдан эртаклар»даги бадиий талкинларни очор вазият, жаҳолат ва адолатсиз турмуш манзараларини, турли ҳолалдаги қаҳрамонлар саъй-харакатларини абсурд мухит, абсурд мухитга муносисб исён ва маънисиз ҳатти-харакатларга йўяди. Пировард натижада, мунаккид ўзини ўзи инкор этадиган хулосаларга келади. Жумладан, «Қаххор асарла ридаги абсурд, шунингдек, экзистенциализм аломатлари Оврупо модеј ёнистик адабиётидан фарқли ўлароқ, реализм анъаналари заминида шакланган, мустабид мағкура, синфиийлик тушунчалари губорларидан бутунлай холи бўлмаган ходисадир», деб ёзди. Модомики, А.Қаххорнинг мақола да тилга олинган асарлари реализм анъаналари заминида юзага келган, ҳаѓто улар мустабид мағкура, синфиийлик тушунчаларидан холи эмас экан, бу асарлардаги ўтмишнинг қоронғу манзаралари чизилган ўринларини далил сифатида келтириб, уларни абсурд адабиётга боғлаш, бизнингча, тўғри эмас. Шу маънода абсурдни бир томонлама, яъни фақат воқеликка, аникрофи, мустамлакачи шўро даври воқелигига боғлаб талкин этиш ҳам нотўғри. Аёнки, абсурд, энг аввало, инсон субъекти билан, унинг дунёкараши, фикрлаш тарзи, мавжудлиги билан боғлик ходисадир.

Умарали Норматовнинг юкорида қайд этилган маколалари адабий жараёнда кизғин мунозарага сабаб бўлди. Чунончи, Баходир Саримсоқов «Абсурд маънисизлиқдир»¹⁸ маколасида «абсурд» тушунчасининг маъносидан («маънисизлик») келиб чиқиб, У.Норматовнинг А.Қаххор «халқ ҳаётидаги айни шу маънисиз-абсурд ҳаётни кашф этиб» бергани ҳақидаги фикрни рад этади: «Биз ўтмишимиzioni абсурд дея олмаймиз. Айни шу оғир ҳаёт бағрида ажоддларимиз яшади, ёруғ келажак учун интилди, курашди, демак, яхшими-ёмонми ўтмишимиизда маъно бор».

¹⁸ Саримсоқов Б. Абсурд маънисизлиқдир //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 28 июн. 27-сон.

Шу ўринда бирор халқынг ўтмиши ёки муайян тарихий давр том маънодаги абсурд асар учун объект булолмаслигини, абсурд адабиёти муайян замон ва макон билан боғланмаслиги-айни шу принциплари билан абсурд адабиёти реалистик адабиётдан кескин фарқланишини инобатга олсак, ҳар иккала мұнаккиднинг таъқид-у талқинларига эътиroz тугилади.

Б.Саримсоқов абсурд тушуңчи «Каххор» изходига мутлақо ёт эканини түгри таъкидлаган ҳолда, маколасыда «абсурднавислик», «маънисиз адабиёт», «субутсиз экзистенциализм» каби ибораларни ишлатади. Бир ўринда олим шундай ёзади: «А. Қаххорни соцреализмдан айириб олиш учун уни бир боткоқдан оли!», иккінчисига ташлаш шартми?!».

Олимниң юкорида келтирилган иборалари ва кейинги үхшатиши унинг абсурд адабиётига, экзистенциализмга қарашини аник акс эттириб турибди. Албатта, бу қарашда ёт, душман мағкурага қарашта үхшаш муносабат мавжуд. Б.Саримсоқов ана шу муносабатнинг эхтиросли баёнига берилиб, абсурд сұлсафаси, абсурд адабиётини соцреализм каби бир боткоқ дейди. Албатта, бу бир муносабат. Бирок муносабат, холос. Абсурд адабиётнинг туб мөхияти ҳақида таҳлилий баҳо ёки таъриф әмас. Б.Саримсоқов абсурд адабиёт жағон бадий тафаккурида мавжуд ҳодиса эканини инкор этмайды: «Абсурд фалсафанинг йырык намояндадаридан бири А.Камю «Бегона», «Сизиф ҳақида миф» каби асарларида абсурд адабиётнинг ёрқин намуналарини яратди...», деб ёзади. Бирок мұнаккид «экзистенциализм»га нисбатан «субутсиз» сифатловчисини тұла англаған ҳолда ишлатади ва «бу масаләда баҳслашишга ҳамиша тайёрман» дегандек, абсурд адабиётнинг ёрқин намуналари ҳақида ҳам «алохидан баҳс юритиш мүмкін» лигини айтиш билан чекланади. Аксинча, муаллиф мавзуга алоқаси бўлмаган масалалар, абсурд түйғунынг зарари, ундан асранишга тааллукли омил ҳақида фикр юритади.

Албатта, бундай «колдиндан тай ёр позициядан» туриб абсурд адабиётига холис ёндашиб бўлмайди. Зоро, эхтиросли қараш абсурд адабиётни тушуниш ва талқин этишга халал беради. Б.Саримсоқов аввал-бошданоқ маколасига

«Абсурд маънисизлиқдир», дея сарлавҳа кўяди, яъни бу «маънисизлик маънисизлиқдир» дегани. Олим абсурд адабиётини, бошқача айтганда, инсоннинг ҳаётда мавжудлиги, яшашнинг маънисизлиги ҳақиқадаги адабиётни маънисизлик адабиёти тарзида талқин этади.

Албатта, модернизм адабиётини, абсурд санъатини, бошка барча оқимлар каби қабул қилиш ёки қилмаслик ҳар бир шахснинг инон-ихтиёрига боғлиқ. Бироқ бевосита мутахассис сифатида нафакат биро р-бир оқим, ҳатто оддий бир асар атрофида баҳс кетганда ҳам олдиндан тайёр қолиплар кўмагида хуносага келиш кутилган натижани бермайди.

Айни пайтда, бу икки мунаққид эгаллаган икки хил позиция модернизм адабиёти таҳлили ва талқинига ўзбек танқидчилигидаги икки хил ёндашувни ўзида акс эттиради. Бу ёндашувларнинг бирида модернизмга, хусусан, абсурд адабиётига беҳад ҳавас ва ҳайрат акс этса, иккинчи ёндашувда, умуман, абсурд адабиётини экзистенциализм фалсафаси билан бирга кўшиб рад этишга жазм аниқ сезилади.

Истиқлол даври танқидчилигимизда холислик ға вазминлик билан, илмий таҳлилга асосланган, айнан модернизм адабиёти, хусусан, абсурд адабиёти тадқиқига доир салмоқли ишлар ҳам амал аширилмоқда. Бунга бир мисол тарикасида ёш адабиётшунос Узок Жўрракуловнинг бадиият ва назария масалаларига бағишлиланган «Худудси з жилва» тадқиқотини келтириш мумкин.

Абсурд фалсафаси ва адабиётини муаллиф «инсон дунёсига хос худудсиз жилванинг бир шуъласи»¹⁹, дея образли таърифлайди. Жилванинг шуъласи ва унинг худудсизлиги инсон дунёсига накадар хослигини У.Жўрракулов киска,ammo теран мантикка асосланган мулоҳазаларда очиб беради. Рисолада биз абсурд ниманинг оқибати экани, уни пайдо қиласиган омиллар, абсурднинг моҳияти, бардавомлиги, бошқача айтганда, инсон ботинидаги «умри», Европа фалсафий бадиий тафаккурида универсал бадиий ҳодисага айланган абсурд адабиёти асосида ётган принциплар абсурд

¹⁹ Жўрракул У. Худудсиз жилва.-Т.: Фан нашриёти. 2006, 8-бет.

асарларнинг қайси хусусиятларида намоён бўлиши, - мазкур тушунча билан боғлиқ умумий маълумотларнинг аниқ, илмий теран талқинини кузатамиз. Абсурд адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳакида ёзар экан, мунаққид бу адабиётнинг машҳур намояндадари А.Камю, С.Беккет асарлари таҳлилидан келиб чиқиб фикр юритади ва уларнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларини кўйидагича умумлаштиради: «Маълум бўладики, абсурд «мазмун» учун абсурд шакл талаб и мавжуд экан. Демак, мавхум хронотоп, мавхум сюжет, мавхум харакат, мавхум нутқ (услуб), киёфасиз персонаж ва ечимсиз «ечим» абсурд асарнинг муҳим шартларидандир».²⁰

Дарҳақиқат, «модернизм», «постмодернизм», «абсурд», «экзистенциализм» каби тушунчалар ҳакида жаҳон адабиётшунослиги миқёсида фикр юритиш, ўз қарашларини, илмий хулосаларини ғарблик етук мутахассислар эришгани натижа-андозалар билан асослаш ва шу аснода ўзбек адабиётида бўй кўрса гаётган янги услублар ҳакида фикр юритиш бугунги ўзбек адабий танқиди методологиясининг муҳим хусусиятларидан бирига айланаб бормоқда.

Атоқли ёзувчи Пи римқул Қодиров «Маънавият, модернизм ва абсурд»²¹ номли мақоласида Жеймс Жойс асарларини тушкинлик ва нигилизмда айблар экан, унга, умуман модернизм ва абсурдга постмодернизмни қарши қўяди: «...тушкунликка тушгани ва нигилизмга берилган анъянавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган бағрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайриҳо булишимиз керак, деб ўйлайман». Ушбу фикрнинг исбоги тарзида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романини мисол келтириб, мақола муаллифи юритган мулоҳазалардан «бағрикенг, маънавияти бор постмодернизм» ҳакида мантиқан асосланган бирор-бир қузатишни илғаш кўйин. Агар П. Қодиров X. Дўстмуҳаммад романини постмодерн адабиётнинг намунаси деб қараётган бўлса, у холда мазкур асар қайси жиҳатларига жура постмодерн оқимига мансублигини

²⁰ Ушпа асар, 8-бет.

²¹ Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд //«Ўзбекистон адабиети ва санъати». 2004. 26 марта.

айтиши лозим эди. Колаверса, модернизм тушкун, нигилистик бўлган холда, унинг бир оқими-постмодерн ёруғ ва оптимистик бўлишини қандай изоҳлаш мумкин?

Мақола муаллифининг абсурд борасидаги қарашлари ҳам жуда кўп саволларни туғдиради. «Афсуски,-деб ёзди у,-Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотуғри талқин этувчилик бор. Улар ҳаётда абсурд бўлгани каби, адабиётда ҳам абсурд асар, абсурд ижод булиши мумкин, деб хисоблайдилар». Эҳтимол, мақола муаллифи абсурд адабиёти, абсурд театри аллақачон мавжудлигидан беҳабардир. Акс холда, реалист ёзувчи сифатида, модомики, ҳаётда абсурд бор экан, унинг адабиётга кўчишини ҳам эътироф этарди.

П. Қодиров мақоласидаги баҳсли ўринлар танқидчилик эътиборидан четда қолмади. Профессор Қозоқбой Йулдошевнинг «Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар»²² мақоласида ўзбек модерн адабиётининг етакчи хусусиятлари кўрсатилган.

Қозоқбой Йулдошев принципиал мезонлардан келиб чиқиб, П. Қодировнинг юқорида тилга олинган мақоласи таҳлилига киришади ва бу мақолани янги фалсафий-эстетик йўналишни эскича қолиплар асосида баҳолашга уриниш, деб таърифдайди. П. Қодировнинг Ж. Жойснинг «Улисс» романни билан ёш ёзувчи Т. Рустамовнинг «Капалаклар ўйини» романини қиёслаб, ёш адабнинг Жойс таъсирида антигуманизмга эргашгани ҳакидаги қарашларига танқидий муносабатини очик-ойдин, ишонарли тарзда баён этади. Олим П. Қодиров қарашларини таҳлил килар экан, унинг модернизм билан постмодернизмни бир-бирига қарама-қарши қўйиши мантиқа зид эканлигини таъкидлайди. Муаллиф фикрича, постмодернизм модернизмдан ўсиб чиқкан: «Ширин мевасини еган одам оғочини кесиб ташламайди».²³ Шу боис, П. Қодиров мақоласида абсурдчи А. Камюни модернчи Ж. Жойсга, «постмодернчи» Х. Дустмуҳаммаднинг асарини модерн йўналишида ёзилган

²² Йулдошев К. Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар //«Филология масалалари», илмий-методик журнал, 2004. 2-3 сонлар

²³ Уша манба 7-бет

бошқа ўзбек ижодкорлари асарларига қарши қўйиб таълкин қилинишидан таажжубланади.

Мақолада К.Йўлдошев абсурд адабиётга ҳам алоҳидага тұхталиб, унинг характеристики хусусиятларини тавсифлаб, жумладан, қисматнің тан оладиган мусулмон ахлида абсурд ҳолат, туйгу бүлмаслигини айғади. Муаллиф фикрича. «Одам каноатга келса, ўз қисматини ўзи тайин этолмаслигини, чиранишлари бехудалигини тан олса, абсурд тугайди. Чиндан-да, абсурд маъниси злик, лекин тузумнинг, ҳәётий тартибларнинг маънисизлиги эмас, балки одам умри, қисмати, пешонаси, уринишларининг мутлақ тақдир олдидаги маънисизлигидир. Абсурд адабиёт айримлар үйлаганидек, адабиётни нг маънисизлиги эмас, балки маънисизликнинг адабиётидир».²⁴

Айнан пайтда К.Йўлдошев мақоласида ҳам баҳсталаб ўринлар, мантиқан зид фикрлар кузатилади. Бундай ҳолни биз мунаққиднинг адабиётнинг оммавий бүлмаслиги сабабини унинг хос одамларга мұлжаллаб ёзилиши билан изоҳлаганида, модерн ва абсурд адабиёттига берган таъриф ва шархларида кўрамиз. Мунаққид биринчи фикрига асос қилиб одамларнинг буғунги кунда шахслаша боыллаганини, шу боис, уларда ўз шахсиятига хос алоҳида дид, кизиқиши ва хиссиёт системаси борлигини келтиради: «Алоҳида шахслар гомонидан, алоҳида шахсларга мұлжаллаб, алоҳида йўсинда битилган асарларнинг оммада бирдей кизиқиши уйғотиши мумкин эмас», деб ёзади олим. Бундай нуқтаи-назарә адабиётни иккига-алоҳида шахслар адабиёти ва оммага мұлжалланган адабиётта ажратишга олиб келади. Бу эса, бадиийлик талабларига зид, чунки бадиий асар қандай йўсинда ёзилмасин, кайси оқимга мансуб бўлмасин, барибир бадиийликнинг умумий конуниятларидан ташкарида яратилмайди. Алоҳида шахслар учун алоҳида асарлар ёзиш ва унинг алоҳида бадиийлик мезонларини яратиш-бехуда характеристикадир. Иккинчидан, мунаққид бу ўринда ижод психологияси, бадиий асарнинг яратилиш жараённи ҳакида нотуғри тасаввур берадеетир. Ижод психологиясидан маълумки, хеч бир ижодкор ижод жараённида ўз асарини муайян савиядаги

²⁴ Уша манба. 9-бет

китобхонни назарда тутиб, айниқса, унга мұлжаллаб яратмайды. Бадий асар-илхом ва ижод маҳсули. Агар у алоҳида шахсга ёки тоғифага мұлжалланар экан, унда ижод жараённан ақл, бошқарув устунлик қиласы да бундай асар ҳеч қақон чинакам бадийят намунасига айланмайди.

Бир үринда Қ. Йұлдошев шундай ёзади: «Шучы татқидлаб айтиш керакки, абсурдни модернизмга карши қўйиб бўлмайди. Модернизм оғоч бўлса, абсурд-унинг меваси. Мевани дарахтга карши қўйиш керак эмас». Қизиги шундаки, мунаққид айни шу мақоласида ўзбек модерн адабиёти мавжудлиги, у ўзбекона модерн эканлигини таъкидлаб туриб, ўзбек абсурд адабиёти йўқ нарса, дейди: «Модернизмнинг ўзбекона қўриниши бўлиши мумкин. Лекин абсурдинг ўзбекчаси бўлмайди». Модернизмни таъбир жоиз бўлса, дарахт десак, абсурд унинг шохидир. Қандоқ қилиб ўзбек адабиётида улардан биттаси бор-у, иккинчиси йўқ, дейиш мумкин. Ағасуски, маколадаги бу каби фикрлар мантиқан асосланмай айтилгани боис: изоҳталаб булиб қолган.

Модернизм адабиётига психоанализнинг таъсири ва айни пайтда, психоаналитикларнинг нафақат модернистик асарлар, бағки умуман бадий асарларни ўз тадқикотларида муайян илмий хулосаларини далиллаш учун аник аргументлар сифатида келтирганлари ушбу соҳаларнинг ўзаро боғлиқлигидан ва бири иккинчисига узвий алоқадорлии идан далолат беради. Бу жиҳатлар Узок Жўрақуловнинг «Миф ва ижодий жараён», «Психоанализ ва бадий ижод»²⁵ маколаларида тилга олинган.

Таъкидлаш жоизки, психоанализ ва бадий ижод жараён билан боғлиқ масалалар ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигидан нисбатан янги тадқикот соҳасига мансуб. Шунга карамай, У.Жўрақулов мазкур мавзуларни моҳиятига бориб, ҳар бир тушунча, илмий истилоҳларни ўз ўрнида ва ўз маъносида кўллаб фикр юритади.

Модернизм оқимларининг пайдо булиши сабабиги изоҳларкан, у «абсурд ва экзистенциализм фалсафасининг газак олиши 1990 жаҳон уруши

²⁵ Жўрақулов У. «Худудсиз жилва», илмий-адабий маколалар -Т.: «Фан» нашриёти, 2006.

билин боғлиқ», деб ҳисоблайди. Шуни айтиш жоизки, тадқиқотчи айтган «икки жаҳон уруши» модернизм адабиётини юзага келтирган ташки омиллардан бири, холос. Бу адабиёттинг пайдо бўлишига гарб фалсафасида, санъатидан, адабиётида, бадиий тафаккурда тубдан янгиланишга бўлган зарурат ҳамда бадиий-эстетик эҳтиёжлар ҳам омил бўлганини назардан кочирмасл ик керак.

«Хаос ва космос» тушунчалари шарҳи орқали модернизм оқимига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритаркан, У.Журакулов шундай ёзади: «Юқорида модернизм адабиётини сўз буронига мутлок эрк беришга уринувчи оқим, дея таърифладик. Энди ушбу таърифни янада ривожлантириб, модернизм хаотик сўз оламини айнан акс эттиришга жаҳд қилган оқим, дейишдан кўркмаймиз». Назаримизда, муаллифнинг ўзига ўзи «кўркмаймиз» дейишида кўпроқ иккиланиш борлигини илғаш қийин эмас. Зоро, У.Журакуловнинг модернизмни «хаос хукмидаги ижод жараёнининг айнан ўзи», дея баҳолаши бирёклама хуносадир. Айни масалада эса, академик Д.В.Затонскийнинг фикри шундай: «Айримлар ўзларича Оламни ҳали Апокалипсислар охирига стмаган, Космос сифатига кириб улгурмаган, яъни ҳали қандайдир ўзгача тартиблар бўйича мавқуд бўлиб турган макон деб, бошқалар эса ҳеч қандай коидалар амал қилмайдиган Хаос куринишида тасаввур этишга мойил. Модернизмнинг, гоҳида, ўзининг Жаннат ҳақидаги тасаввурини беришга уринганида, «космик» бўлиб куринишини, гоҳида ўзи яратган Утопияси барбод була бошлаганда эса «хаотик» бўлишини таъкидларкан, «Постмодернистик ду нёкараш бир пайтнинг ўзида ҳам «космик», ҳам «хаотик». Жеймс Жойс бу борада ҳатто «хаокосмос» деган галати сўз ўйлаб топган. Бу сўз слам ку рилишини қандайдир абсурд сифатида ифодалайди»²⁶.

Бизнинг назаримизда ҳам, модернистик асарларни, бундай асарлар матнини, У.Журакулсев тўгри таъкидлагандек, улар «бетартиб ҳаракат ва сўз тизимларида намоён бўладими» ёки «зоҳирий тартиб, шакл ва мазмундорликда намоён этилган» бўладими, бундан катъий назар, мутлақо

²⁶ Затонский Д.В. «Модернизм и постмодернизм», Из-во Фолно Аст 2000. С. 253.

хаотик талқинга мансуб, «ботинида хаотик мазмун я шириңган космик шакл күрениши» дангина иборат, деб бўлмайди.

У.Журакулов «Психоанализ ва бадиий ижод» мақоласида психоанализнинг шаклланиш принциплари, моҳияти ва методологик ўзига хосликлари ҳакида муайян тасаввур беради, психоанализ ва адабиёт ўртасидаги боғлиқ жиҳатларга тўхталиб, мазкур соҳаларнинг ҳар иккаласи учун «ягона талқин объекти-бу инсон» эканинг қайд этади. Мақолада психоанализ назарий адабиётшуносликнинг бир таркибий қисми экани, умуман, адабиёт психоанализга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект вазифасини бажариши З.Фрейднинг «Кундалис ҳаёт психопатологияси», «Достоевский ва падаркушлик», «Чечанлик ва унинг онгизлил муносабати» тадқикотлари таҳлили ва талқини орқали батаф сил далиллаб берилади.

Дарҳакиат, психоанализ, умуман эса, Фрейд назариясининг модернизм адабиётига таъсири масаласида жуда кўп тадқикотлар яратилгани маълум. «Модернизм қомуси» дея таърифланган Ж.Жойснинг «Улисс» асарида тадқикотчилар ёзувчининг Фрейд «изидан б ориб» қаҳрамонлари онг остини таҳлил этганини, фрейдча рецептлар орқали уларнинг фобия ва комплексларини очиб курсатганини айтишган. Ж.Жойснинг ўзи эса бундай талқинларни тан олмаган, психоанализ методларини инкор этган. Шунга қарамай, «унинг прозасида, шубҳасиз, психоаналитик йўналиш билан боғликлек кузатилади,-деб ёзади С.С.Хоружий.-Асосий боғликлек оддий: Жойс ҳам, психоаналитиклар ҳам оиг фаолиятига, олдинги давр адабиётидагидан кўра, синчковрок, микроскоп аниқлигига кириб боришга уринишган; бу вазифани адо этишида Жойс Фрейд ёки Юнг изидан бормайди, балки мустақил ёндашади»²⁷.

Психоанализ санъат ва адабиёт билан узвий алоқадаги илмий соҳа сифатида XX асрда ўзининг тұла шаклланиш босқичига эришди, У.Журакулов тұғыри таъкидланаидек, «адабиётшуносликнинг бир тадқиқ

²⁷ Хоружий С.С. «Улисс» в русском зеркале. Жойс Ж. «Улисс» романы 111-томида. //Москва, “Знаменитая книга”. 1994. С 409.

усули ӯларок, унинг таркибий қисмига айланади». Бунинг ўзбек адабиётшунослигидаги илк тасдиғи айни У.Журакуловнинг биз юқорида тилга олган мақолаларидир. Гарч и уларда мазкур тадқиқот усулининг пайдо булишига турткى берган назарий маъбалар, уларнинг моҳияти, самаралари ҳакида умумий тарзда маълумоғ берилган, бу усулда яратилган ўзбек адабиёти намуналари тадқиқ этилмаган бўлса-да, дастлабки уриниш сифатида эътиборга лойик.

Айни шундай харакатлар бугунги кунда ўзбек танқидчилигининг методологияси бойиб, ранг-бәрәнлик касб этаётганидан, тубдан янгиланаётганидан далолат беради.

2009 йил

АДАБИЙ ТАНҚИДДА МОДЕРН АСАР ТАЛҚИНИ

XX асрнинг бошларида ёк жаҳон адабиётида рўй бера бошлаган туб ўзгаришлар, хусусан, модернизм адабиёти нинг турли-туман оқимларининг юзага келиши бадиий асар таҳлили ва талқи: тига ёндашишнинг ноанъанавий, янги усулларига эҳтиёж туғдирди. Асарда тасвиirlанган воқеаларнинг қай дафражада ҳаётйлиги, қаҳрамонлар характери, улар тушган ҳолат ва визиятлар нечоғли табиийлигини таҳлил қилишдек анъанавий ёндашувлардан ёнир қадар ортга чекинилди. «Афтидан, XX асрда Фарбда адабий танқид адабиётнинг адабийлиги сирларини очишдан бошкен нарсага бу қадар катта ҳоҳиш-истак билан киришган эмас. Бунда адабий танқид ўтган асрлардаги танқидчилиқдан ўзининг афзаллигини кўради»²⁸, дей ёзади бу ҳақда рус адабиётшуноси М.Эпштейн. Бу «янги танқид» назаридаги ўтган асрлар адабий танқидчилиги тарих, психология, сиёсат ва ҳоказолар билан шугулланган. Хуёсусан, маърифатпарварлик даври танқиди-жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини акс эттирган бўлса, романтик танқид ижодкор шахсининг

²⁸ Эпштейн М. Парадоксы новизмы.-М.: «Советский писатель», 1988. С.83.

реаллигини, реализм даври танқиди эса, бадий асарда тасвирланган тарихий давр, характерлар ва воеа-ҳодисаларнинг ҳайтий реаликка қанчалик мувофиқлигини кузатган.

«Янги танқид» намояндалари эса бадий асар таҳлил ида матннинг ўзи билан иш кўриш оқибатида адабиётдан матнни ажратиб сўлди, яъни адабий танқиднинг таҳлил доираси, фаолият кўламини торайти рди. Айни пайтда, бадий асар таҳлилида матннинг ўзи билан қаноатланиш натижасида бадий маҳорат, поэтика масалаларида тадқикотнинг янги, теран таҳлил усусларини ҳам тақдим этди.

Адабий танқиднинг модернизм адабиётига муносабатида поэтика етакчи масалага айланди. Бунинг энг мухим сабабларидан бири модернистик асар матни билан боғлик. Модернистик асарнинг янгилиги, аввало, унинг матнида намоён бўлади.

Италиялик атоқли адиб, маданият тарихи, семиотика бўйича йирик олим Умберто Эко «Жойс поэтикалари»²⁹ номли йирик тадқиқотида модернизм адабиётининг «отаси» - Ж.Жойс поэтикасини таҳлил киларкан, бу масалага бир неча нуктадан ёндашади. Жумладан, олим адибнинг таржимаи холи, ёшлигига олган таълими, атроф-муҳитнинг таъсири; олган диний таълимининг моҳияти, ундан Ж.Жойснинг юз ўтириш сабаблари, илк асари «Навқирон санъаткор сийрати»да бу ҳолат ва масалаларнинг қаҳрамон позициясидан туриб муҳокама килиниши-барча-барчасини эътиборда тутади. Китобнинг «Дастлабки Жойс» деб номланган бобида биз ёзувчининг бадий-эстетик концепцияси қай тарзда шаклланганини тўла-туқис кузатамиз. Кейинги бобларда Ж.Жойснинг «Улисс» ва «Феннеган маъракалари» романлари поэтикаси, ёзувчининг тиљи «кандай бузгани» ва «оламнинг янгиша шаклини» қай тариқа барпо этгани, яъни ўзигача бўлган поэтик анъаналарни барбод этиб, янгиша «хаос имкониятлари»ни кашф этгани курсатиб берилади.

²⁹ У.Эко. Пoэтики Джойса. Санкт-Петербург, symposium. 2006.

Жаҳон адабиёт илмида амалга оширилган тадқиқотлар ва түпланган бой тизжрибалиар нуқтаи назардан қаралганда, ўзбек адабий танқидчилигида мөдерн исарларни илмий тахлил ва тадқиқ этиш жараёни ҳали ўзининг шаклланиш боскичида, дейиш мумкин. Бироқ шунга қараемай, адабий караёнда кечайтган қизғин мунозаралар, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ўзбек танқидчилиги ўз изланишлари доирасида жуда тез шаклланиб, ўзининг методологик тамойилларини янгилаб, адабиётдаги янгича шакт ва услубларни замонавий танқид принциплари асосида тахлил этаёттир, дейишга асос беради.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек мөдерн адабиёти ўтган асрнинг бошларида ёк пайдо бўла бошлагани кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотларда хар томонлама далилланаёттир. Бу ўринда таниқли адабиётшунос Умарали Норматовнинг куйидаги эътирофига эътиборни карагамиз: «Социалистик реализм совет адабиётининг расмий методи деб эълон этилган, мөдернизмнинг хар қандай кўринишлари реакцион оқим сифатида кескин рад этилган замонларда ҳам ё ихтиёрий, ёки беихтиёр ижодкор-онг ости шеваси тарзида мөдернистик тамойиллар турли кўринишда давом этди»³⁰. Ҳамидулла Болтабоев эса «Фитрат ва жадидчилик» номли китобида шундай ёзади: «Шеърият бир асрлик тажрибаси давомида «мөдерн» деб аталган ҳодисага хар қадамда дуч келди. Факат истеъододли шоирлар тажрибаси туфайлигина дастлаб «мөдерн» тарзида ўринлашган шеърий мушохада ва поэтик кўчимлар, ургуланган сўз ва метафорик тимсоллар йиллар ва ўн йиллар давомида устуворлик қасб этиб, ижодий тажриба тарихига айланба борди»³¹.

Мазкур эътирофлар истиқлол ийларида барадла айтилаётгани ўзбек танқидчилигида янги назарий тамойилларни қарор топтиришга интилишлар қизғин паллага кирганидан далолат беради. Мөдернизм йўналишига мансуб бадиий ижод намуналарига муносабатда, ўтган асрнинг охирги ўн йиллигига, танқидчилликда, асосан, шоир ва ёзувчиларнинг маҳорати масаласи етакчи

³⁰ Норматов У. Болтабоев X. «Янги назарий тажрийиллар», «Жаҳон адабиёти» журнали, 2008 йил, март ойи сони, 155 бет.

³¹ Болтабоев X. «Фитрат ва жадидчилик», Ўзбекистон миллый кутубхонаси нашриёти, Т.: 2007. 95-96 бетлар.

мавзу бўлиб майдонга чиқди. Зеро, айнан модернизм адабиётига хос рамзийлик, мажозийлик, қолиплардан қочиш, шеърни янги образ ва тасвир усуллари билан бойитиш бу даврга келиб ўзбек адабиётида ижодкор маҳоратининг етакчи мезонлари санала бошланди.

Истиклол даври танқидчилигига бу жараённинг ilk акс-садоларини мунаққидлар Раҳимжон Раҳматнинг «Жаннат соғинчи»³² ва Ботирхон Ақрамнинг «Рухият мусаввири»³³ мақолаларида қўзатамиз. Бир қарашда ҳар иккала мақола ҳам атоқли шоир Рауф Парфининг маҳоратини очиб беришга бағишилангандек туюлади. Бироқ жиддий эттибор қаратилганда, бу мақолаларнинг мавзу кўлами кенглиги-улар поэтик маҳорат, янги ўзбек шеъриятида янгиланиш жараёнлари ҳақида экани аён бўлади. Хусусан, Р. Раҳмат мақоласининг бошида ёк мунаққиднинг шеърга муносабати одатдагидан бошқачалигини уқамиз: «Ижтимоий ҳақиқатни тиклаш учун ўрга кўчада жizzакилик қилиш ярамайди шеъриятта», «шеъриятда инсон юрагининг сир-асорори акс этади», деб ёзади. Дарҳақиқат, мақоладаги шеърга ноанъянавий ёндашув, шеърни-санъат, шоирни-санъаткор, деб тушуниш ва шеърни ана шу мезонлар асосида баҳолаш, талқин этиш шеъриятни янгича тушунишга интилиш, уни янги услубларда кашф этишга уриниш янгиланаётган илмий тафаккурдан далолатдир.

Мунаққид шоир поэтик санъатини «оҳанг, мазмун ва манзаранинг мукаммал уйғунлиги»да кўради. Хусусан, шеърлардаги оҳанг ҳақида сиз юритаркан, оҳангдан маъно уқиши зарурлигини, оҳанг сўзлар жарангиги эмаслиги, балки шеър оҳангни дейилганда айнан ички ботиний оҳангни тушуниш лозимлигини таъкидлайди. Бу каби уқтирув ва талаблар ўзбек шеъриятида юз кўрсата бошлаган модерн адабиётига хос хусусиятларни англаш ва тушуниш учун зарур эди.

Ботирхон Ақрамов «Рухият мусаввири» мақоласида Рауф Парфининг санъаткор шоир сифатидаги ижодий стихиясини унинг шеърлаҳидаги

³² Раҳмат Р. «Жаннат соғинчи» //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1993. 30 июл, 31 сон.

³³ Ақрамов Б. «Рухият мусаввири» //«Шарқ юлдузи», 1994 йил, 1-2 сонлар.

«фавқулодда символика, хайратбахш метофоризмлар (бу-шеърий умумлаштириш учун характерли усул)»да кўради, шоирнинг «васфгўйлик мухитида ҳам ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ҳайикмай», баъзан умидсиз-мунгли оҳангда бўлса-да «кисёнкор рух»да қалам тебратганини таъкидлайди. «Алалхусус, шоир ва шеърият учун ҳуррият, ватан, миллат гоялари тақазо этган курашчан ижтимоий дард асосий мақсад, асл матлаб эмас», деб ёзади Б.Акрамов. Айни эътирофда шўро даври танқидчилигига хос бўлган етакчи принцип - «ижтимоий дард»нинг рад этилишини кўрамиз.

Кўринадики, истиқлол даврининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек танқидчилиги бадиий адабиётнинг шўро даврида расм бўлган етакчи методологик тамойили-«ижтимоий мазмун»ига ургу беришдан воз кечган, бадиий асарни, биринчи галда, санъат асари сифатида тадқиқ ва таҳлил килишга киришган.

Поэтик маҳорат масалалари филология фанлари доктори Нуъмон Раҳимжоновнинг «Мустақиллик даври ўзбек шеърияти» номли тадқиқотидаги бир катор мақолаларда ҳам таҳлил этилган. Китобдаги «Иймон асири (Рауф Парфи шеърияти ва моҳиятига бир назар)», «Бадиий дид ва эстетик савия» мақолаларида Рауф Парфи шеъриятининг узига хос поэтик қирраларини таҳлил қиласкан, мунаққид истиқлол даври ўзбек шеъриятининг янгиланиш тамойилларига янгича таҳлилий мезонлар билан ёндашади: «Рауф Парфи XX аср ўзбек поэзиясида фикр билан кечинманинг синтезини бадиий санъат даражасига кутарган соғ туйгунинг табиий оқимини, қабариқ мажозий ифодасини омухталаштирган бетакрор услугуб яратди. Бу–XX аср ўрталаридан эътиборан XXI аср ўзбек шеърияти тараққиётида алоҳида йўналиш касб этди. Мустақил бадиий идрок ва ифода маданияти сифатида шаклланди»³⁴. Н. Раҳимжонов шоир эстетик тамойилларини белгиларсан, унинг шеъриятидаги ростгўйлик моҳияти турли ҳил рамзий образлар, поэтик тимсоллар, метафорич бирикмалар орқали ифодалаганлигини, бадиий сўзнинг маърифий-естетик қиммати руҳни покловчи ижтимоий-фалсафий категориялар

³⁴ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти Т.: «Фан». 2007 96-бет.

даражасигача кўтарганинги «Дилимда бир сўз бор эди» сатри билан бошланувчи шеъри таҳлили орқали асослаб беради.

Адабий танқид фаолиятининг поэтик маҳорат масаласига багишланган бу каби изланишларида, хусусан, ўзбек модерн шеърияти масалалари кизгин муҳокама этилган баҳс-мунозараларда, давра сухбатларида янгиланаётган бадиий тафаккурнинг етакчи хусусиятларини намоёни этиш асосий тамойилга айлана борганини кузатиш мумкин. Жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган «Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар»³⁵ сарлавҳали давра сухбати фикримизга далил була олади. Давра сухбатида иштирок этишган адабиётшунос лар И. Ҳақкул, И. Курбонбоев, Ш. Субҳонов, шоирлар Б. Рузимухаммад, Р.Мусурмон, С.Оллаёр янгиланаётган ўзбек шеъриятининг ютуқ ва камчиликлари ҳакида ўзларининг аник нуқтаи назарларини билдиришди. Хусусан, И.Ҳақкул адабиётдаги, жумладан, шеъриятдаги янгиланиш «кучли шахс» билан, яъни «рухий имкониятлари жуда кенг» бўлган ижодкор шахси билан боғлиқ, деб қарайди ва «шеъриятда асосий нарса руҳий англаш» эканлигини алоҳида таъкидлайди. Мунаккид кучли ижодкор шахсиятига ургу бераркан, ҳақиқий истеъдодларгина бадиий юксак асарлар яратиши, пировард натижада адабиётни янгилаши мумкин, деб хисоблайди.

Дарҳақиқат, XX аср француз поэзияси таҳлили ва талқинига багишланган фундаментал тадқиқотида рус олимаси Т. В. Балашова шундай ёзади: «Санъатнинг асосий тенденциялари алоҳида мактаблар билан эмас, балки йирик ижодкор индивидуаллар томонидан белгиланади. Шу боис, Поль Валери (1871-1945), Пол Клодель (1868-1954), Шарль Пеги (1873-1914) сингари сўз усталарининг ижодисиз XX аср поэзиясининг турли-туман овозини эшлиб бўлмайди³⁶.

Давра сухбатида кейинги йилларда ёшлар шеъриятида фалсафий-интелектуал оҳанг (И.Курбонбоев), инсонга нафақат ижтимоий мавжудот,

³⁵ Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар // Ўзбекистон адабиети ва санъати. 2001. 21 сентябр. 39 сон.

³⁶ Балашова Т.В. «Французская поэзия XX века». –М.: «Наука». 1982. С.17-18

балки илохий хилкат сифатида ёндашиш күчайганлиги, Гарб ва Шарқ шеъриятининг бадиий воситаларини ўзида акс эттираётгани, уларни миллий маданиятимизга уйгуналаشتираётгани (Ш.Субхонов) таъкидланди. Шунингдек, ёш лар шеъриятида буй кўрсатаётган шаклий изланишлар, адабий таъсир, тақлид. модерн шеъриятидаги ўзига хослик масалалари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. «Айб шаклда эмас, маҳоратсизликда. Рамзни билмаган, рангларни, сўзнинг бўёқларини фарқлай олмайдиган ижодкор ҳеч қа чон янги шеър ёза олмайди» (Р.Мусурмон).

Модерн йўналишидаги бадиий асарлар таҳлили ва талкинига дадил киришган танки, ҷиллар мазкур асарларнинг поэтикаси, мазмун-мундарижаси таҳлилига бағишланган кўплаб мақолалари, илмий тадқиқотларида бадиий сўзнинг тажрибаларда синаб кўрилмаган имкониятлари очилаётганини далиллаб кўрсатиб бердилар. Жумладан, тадқиқотчи Н.Маматкулованинг «Замонавий шеъриятда лирик фожелик»³⁷ сарлавҳали мақоласида модернчи шоирлар Фахриёр ва Икром Отамуроднинг «Мучал ёши», «Ёбондаги ёлғиз дарахт» достонларида лирик қаҳрамонларнинг қалб эврилишлари, руҳиятларидаги туғёнлар тасвирини шеъриятимизда янги ходиса сифатида талкин этади. «Шеър дардан тугилади», деган азалий қарашга таянган мунаққид «Мучал ёши» достони қаҳрамонини қийнаган дард-йўлсизлик азобидан туғилган «исмиз савол»лар шахс фожеасини ифодалашни, ушбу фожеа эса унинг маънавияти ва руҳиятига боғликлигини таъкидлайди. Бўутунги шеъриятдаги лирик фожеликнинг ҳаётый, ростгўй талқинини танқидчи қўйидагича изоҳла йди: «Шоир ўз «сени» ва «колис келажак» манзилда адашиб юрган «у» ўртасидаги ҳақиқатни англаш учун йўл ахтаради. Бироқ улар иккиси ҳам «тахқирланган», бири «йўлсизлик» азобига маҳкум булса, иккинчиси эса йўли кўплигидан жони азобра. «Инсон шахси» фонида берилган ушбу тымсол да врнинг умумий фожелигига ишорадир»³⁸.

³⁷ Маматкулова Н. Замонавий шеъриятда лирик фожелик //«Шарқ юлдузи». 2003. 3 сон.

³⁸ Уша манба, 153-бет.

Н.Маматқурова ушбу достонларнинг бадиияти ҳам уларнинг модерн йўналишига мансублигини курсатишини таъкидлаб, уларда каҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари тасвири етакчилик қилишини фикрига далил сифатида келтиради. Экзистенциализм оқимиға хос бўлган, инсоннинг жамиятдан, атроф-муҳитдан бегоналашуви тенденцияси ҳар иккала достонда-биридан шоир руҳиятидаги ёлгизлик талқинида, иккинчисида ёбондаги ёлғиз дарахтимсолида акс этганини тұғри шархлади.

Куринадики, мунаққид шеъриятдаги янгича оҳанг, янгича поэтик талқинларга аллақандай олдиндан тайин этилган тамойиллар билан ёндашаётгани йўқ. Балки муносиб тарзда, маҳорат билан акс эттирилган реал вокелик-ҳаётй дард-изтиробнинг бадиий ифодасидан келиб чиқиб ҳукм юритади. Айни шу жихат тубдан янгиланаётган бугунги адабий танқиднинг етакчи тамойилини курсатади.

Ўзбек адабий танқидчилиги фаолиятида модерн йўналишидаги бадиий асарларга муносабатда яқдиллик йўқ ва бу табиийдир. Зоро, ҳар қандай адабий янгилик, бадиий тажрибалар қисқа муддатда бирдек бадиий мукаммаллик касб этиши мумкин эмас. Шу маънода, адабиётшунос Эргани очиловнинг «Сиз шеър айтасизму ё одам қўркитасиз?...»³⁹ сарлавҳали мақоласи ва унга билдирилган муносабатлар ганқидичиликда кечётган изчи. Янгиланишлар жараёнининг характерли жиҳатларини намоён этди. Мазкур мақолада модерн йўналишида ижод қиласиган бир гурӯҳ ёш шоирлар шеърларида сўз танлаш масаласи ҳақида фикр юритилади. Жумладан, танқидчи ёшлар шеъриятда «ўз конини ичиб, суюкларини майдалаётган», «уз ёгида ўзини қовуриб тановул қиласётган», «барча қовурға ва умуртқаларини синдириб, ошиқ-мошиғи билан бўйнига осиб олган» лирик каҳрамон ҳолатларини акс эттирувчи ташбехлар, гайриодатий ибора ва образли ўхшатмалардан мисол келтирилиб, шеъриятда бадиий сўз, образли ифода поэтик нағислик, гўзаллик рамзига айланиши зарурлигини таъкидлайди. Шеърда кўлланилган образли ифода ёрқин бўлишидан ташқари, тоэтик

³⁹ Очилов Э. «Сиз шеър айтасизму ё одам қўркитасиз» //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 2004. 17 сентябр

балки илохий хилкат сифатида ёндашиш кучайганлиги, Ғарб ва Шарқ шеъриятининг бадиий воситаларини ўзида акс эттираётгани, уларни миллий маданиятимизга уйгуналаштираётгани (Ш.Субхонов) таъкидланди. Шунингдек, ёш лар шеъриятида бўй курсатаётган шаклий изланишлар, адабий таъсир, тақлид, модерн шеъриятидаги ўзига хослик масалалари ҳакида муҳим фикр-мулоҳазалар ўргага ташланди. «Айб шаклда эмас, маҳоратсизлика. Рамзни билмаган, рангларни, сўзнинг бўёқларини фарқлай олмайдиган ижодкор ҳеч қа ўн янги шеър ёза олмайди» (Р.Мусурмон).

Модерн йўналишидаги бадиий асарлар таҳлили ва талқинига дадил киришган танқи, ҷилилар мазкур асарларнинг поэтикаси, мазмун-мундарижаси таҳлилига бағишланган кўплаб мақолалари, илмий тадқиқотларида бадиий сўзнинг тажрибаларда синаб кўрилмаган имкониятлари очилаётганини далиллаб кўрсатиб бердилар. Жумладан, тадқиқотчи Н.Маматқулованинг «Замонавий шеъриятда лирик фожелик»³⁷ сарлавҳали мақоласида модернчи шоирлар Фахриёр ва Икром Оғамуроднинг «Мучал ёши», «Ёбондаги ёлиз дарахт» достонларида лирик қаҳрамонларнинг қалб эврилишлари, руҳиятларидаги туғёнлар тасвирини шеъриятимизда янги ходиса сифатида талкин этади. «Шеър дардан тугилади», деган азалий карашга таянган мунаккид «Мучал ёши» достони қаҳрамонини қийнаган дард-йўлсизлик азобидан туғилган «исмиз савол»лар шахс фожеасини ифодалашни, ушбу фожеа эса унинг маънавияти ва руҳиятига боғлиқлигини таъкидлайди. Ёнунги шеъриятда лирик фожеликнинг ҳаётӣ, ростгуй талқинини танқидчи қуидагича изоҳда йди: «Шоир уз «сени» ва «олис келажак» манзилда адашиб юрган «у» ўртасидаги ҳақиқатни англаш учун йўл ахтаради. Бироқ улар иккиси ҳам «таҳқирланган», бири «йўлсизлик» азобига маҳкум бўлса, иккинчиси эса йули қўплигидан жони азобда. «Инсон шахси» фонида бўрилган ушбу тимсол да врнинг умумий фожелигига ишорадир»³⁸.

³⁷ Маматқурова Н. Замонавий шеъриятда лирик фожелик //«Шарқ юлдузи». 2003. 3 сон.

³⁸ Уша манба, 153-бет.

Н.Маматқұлова ушбу достонларнинг бадиияти ҳам уларнинг модерн йұналишига мансублигини күрсатишини тақидалаб, уларда қаҳрамонларнинг рухий холатлари тасвири етакчилик қилишини фикрига далил сифатида келтиради. Экзистенциализм оқимига хос бұлған, инсоннинг жамиятдан, атроф-мухитдан бегоналашуви тенденцияси ҳар иккала достонда-биридің шоир руҳиятидаги ёлғизлик талқинида, иккінчисіда ёбондаги ёлғиз дарахтимсолида акс этганини тұғри шархлады.

Күринадики, мунаққид шеъриятдаги янгича оқаңғ, янгича поэтик талқинларга аллақандай олдиндан тайин этилган тамойиллар билан ёндашаётгани йүк. Балки муносиб тарзда, маҳорат билан акс эттирилган реал воқелик-хаёттің дард-изтиробнинг бадиий ифодасидан келиб чиқиб ҳукм юритади. Айни шу жихат тубдан янгиланаётгап бугунги адабий танқиднинг етакчи тамойилини күрсатади.

Ўзбек адабий танқидчилігі фаолиятида модерн йұналишидаги бадиий асарларга муносабатда яқдиллик йўқ ва бу табиийдир. Зоро, ҳар қандай адабий янгилик, бадиий тажрибалар қиска муддатта бирдек бадиий мукаммаллик касб этиши мумкин эмас. Шу маънода, адабиётшунос Эргани Очиловнинг «Сиз шеър айтасизму ё одам кўрқитасиз?...»³⁹ сарлавҳали мақоласи ва унга билдирилган муносабатлар танқидчиликда кечәтгап изчи. Янгиланишлар жараёнининг характерли жиҳатларини намоён этди. Мазкур мақолада модерн йұналишида ижод қиласынан бир гурӯҳ ёш шоирлар шеърларидан сұз танлаш масаласи ҳақида фикр юритилади. Жумладан, танқидчи ёшлар шеъриятда «ўз қонини ичиб, сұякларини майдалаётган», «ўз ёғида ўзини қовуриб тановул қиласынан», «барча қовурға ва умуртқаларини синдириб, ошиқ-мошиғи билан бүйніга осиб олган» лирик қаҳрамон холатларини акс эттирувчи ташбехлар, ғайриодатий ибора ва образлы ұхшатмалардан мисол келтирилиб, шеъриятда бадиий сұз, образли ифода поэтик нағислик, гүзалик рамзига айланиши зарурлигини тақидалайды. Шеърда күлланилган образли ифода ёрқын бўлишидан ташкари, тоэтик

³⁹Очилов Э. «Сиз шеър айтасизму ё одам кўрқитасиз» //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 2004. 17 сентябрь

миллий шеъриятимиз киёфасини ўзгартиргани, бу ўзгаришнинг ўзига хос хусусиятлари, модерн шеъриятнинг бадииятини таъмин этган омилларга асосий эътиборни қаратади. Тадқиқотчи модернизмнинг реализмдан фаркли жиҳатини тўғри белгилайди ва уни куйидагича содда, бироқ аниқ ифодалайти: «Модернизм ижодкордан ҳётни аслидай эмас, курганидай, хис килганида й, тасавъур этганидай қабул қилишни талаб этади. Шу боис ҳам, мутлак дунё ўзи ўткинчи бўлган инсон туйгуларидан келиб чиқсан ҳолда нисбий тағзода тасвиранади»⁴².

Бу каби тадқиқотлар бугунги ўзбек танқидчилигида тубдан янгиланиб, шаклланиб келаётган тамойилларни ўзида акс эттирган: биринчидан, бугунги танқидчилик анъанавий, олдиндан белгиланган гоявий, бадиий-эстетик қўалиллардаги йўл-йўрик, курсатмалардан мутлако ҳоли ҳолда адабиётдаги ўзгариш ва янгиланишларга ҳолис ёндашиш, уларни объектив баҳолаш ва талкин этиш кўнилмас ига эга бўлиб бормоқда; иккинчидан, модерн адабиётга муносабатда бу йўналашдаги жаҳон адабий-эстетик тафаккуридан яхши ҳабардор; учинчидан, мес дерн адабиёти намуналаридаги миллий хусусиятлар, ўзбек модерн адабиёти тарихи ва бугунги изланишларнинг натижаларини тўғри талкин этиш ва баҳолашга кодир. Танқидчилиқда тобора такомиллашиб бораётган мазкур тамойиллар ўзбек адабиётидаги ютуқларни жаҳон адабиёти контекстидаги таҳлил этишидек мураккаб ва масъулиятли вазифани майдонга слив чиқаётганидан, танқидчилигимизнинг фаолият кўлами кенгайиб ўюраётганидан далолатди.

2009 йил

БАДИЙ ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Адабий жараёндаги ҳар қандай янгиланиш, бадий кашфиётлар, янгича бадий-эстетик воеа-ходисалар илмий тафаккурда у ёки бу тарзда акс-садо беради, үз ифодасини топади. Бадий тафаккурдаги эврилишу янги ланишлар адабиёт илми олдига янги-янги илмий гояларнинг қўйилишига. Янги-янги истилоҳлар ва тушунчаларнинг истесъомлга киритилишига олиб келди ва бу табиий жараён.

Шу боис, истиклол даври танқидчилигига «онг оқимн», «модернизм», «постмодернизм», «абсурдизм», «фрейдизм», «экзистенциализм» сингари истилоҳларнинг фаол қўлланила бошлиши танқид илми методологик гамойилларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Мазкур атамаларнинг тушунча сифатида адабий танқиддан муқим ўрин эгаллаши, актив қўлланиши, тахлил ва талкин жараёнида фаол ишлатилиши, танқиднинг фалсафий методологиясини яратишга замин тайёрлайтилигидан далолат беради. Бу жиҳатдан адабий танқиддаги «модернизм» тушунчаси талкини характерлидир.

«Модернизм» тушунчаси замонавий ўзбек адабий танқидчилигига қуллана бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аслида, бу тушунча бир асрдан ортик вақт мобайнида жаҳон адабиётшунослигига фаол ишлатилиб келинаётир ҳамда унинг турли-туман талқинлари, шарҳ ва изоҳлари мавжуд. Бирок мустақилликкача бўлган ўзбек танқидчилигига «модернизм» тушунчасига муносабат билдириб ёзилган мақолани ёки бу оқимнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган илмий ишларни учратмаймиз. Албатта, бу холатнинг туб сабаблари бор. Истиклолгача бўлган ўзбек танқидчилигига «руҳсат этилмаган мавзуулар»га ёндашиб ҳолати деярли кузатилмайди. Шуро даври рус адабиётшунослигига эса, дастлаб кескин танқидий ёндашув билан тилга олинган «модернизм» атамасини кейинчалик бир қадај ҳолис эътироф этишга, шарҳлашга мойиллик пайдо бўлди. «Модернизм» дастлаб «чириб бораётган «империализм»нинг тушкун, инкиrozга юз тутган» ҳаёт тарзини оқлаш мақсадида олдинга сурилган, буржуа адабиёти ва санъатида туб

янгыланиш юз берасетганини даъво қилиб чиқаётгандарнинг иддаоси сифатида талкин эттилди. Кейинчалик, 70-80-йилларда «модернизм»га муносабат, гарчи танкидий рух, «партиявий принциплар» сақланган бўлса-да, бир мунча ижобий томонга ўзгарганини кузатиш мумкин. Хусусан, таникли олим й. Затонский⁴³ «Бизнинг давримизда» номли китобида шундай ёзган эди:

«Ха, модернизм буржуача, бироқ бу, албатта, мутлоқа бошқа, энг янги капитализмни химоя қилувчи адабиёғдан қура хийла кенг ва нисбатан чегараланган мазмундаги буржуача модернизм. Модернизм шу маънода буржуачаки, у буржуазия билан тарихий тақдирини баҳам қурари ва унинг маънавий инқиғози ҳамда таназзулининг тимсолий-тушкин шаклдаги ифодаси ҳисобланади. Ва шу нуктаи назардан модернча йўлсизлик, модернча қўркув, ҳатто бадиий проекцияларнинг бузиб қўрсатилиши, айтиш жоизки, табиий, субъектив, ҳаққонийдир... шу билан, афтидан, йирик модернчи созувчилар асарлари, шубҳасиз, санъат, ҳатто юксак санъат намуналари экани англашилади»⁴³.

Назаримизда, шуро даврида «модернизм»га бўлган муносабатнинг, гарчи умумий тарзда бўлса-да, аниқ таърифини «Улисс» романини рус тилига таржима килган мутаржималардан бири С.С.Хоружийнинг куйидаги эътирофида курамиз: «Жойснинг СССРдаги тарихи (ижодий тарихи-К.К.) ўта хилма-хил уч даврга бўлинади: Йигирманчи йиллар-тортишув даври; бу даврда китобхонларга айрим бир дастлабки хабарлар берилади; ўттизинчи йиллар- мафкуравий давр; бу даврда Жойс пролетар судига тортилади ва унга жиноий ҳукм эълон қилинади; олтмишлини йиллардан токи тоталитаризм кулагунча бўлган давр-бюрократик давр; бу даврда Жойс «совет маданияти» департаментида лозим кўрилган даражада ҳисобда турди ва кимга лозим кўрилган бўлса, у ҳакида ўша ёзди, албатта, нима ёзиш кераклиги лозим кўрилган бўлса»⁴⁴.

⁴³ Затонский Д. В. «В наше время». - М: «Сов. писатель». 1979, С. 47-48.

⁴⁴ Хоружий С.С. «Улисс» в русском зеркалье («Улисс» рус кызгусида): - Джемс Джойс. З-том. М: «Знаменитая Книга» 1994, С.567.

Машхур таржимон ва жойиштуғоснинг ушбу эътирофи нафақат Ж.Жойсга, балки умуман модернизм адабиётига собиқ шўро тузуми мафкурасининг ўта расмий ва кескин таъқиққа асосланган салбий муносабатини ифодалайди. Ушбу нуқтаи назар ҳам шўро даврида «модернизм» масаласи қай даражада танқидчилар учун қалтис мавзуга айлантирилганини тасдиклайди.

Истикололгача бўлган ўзбек адабий танқидчилиги учун бу мавзу, ёзилмаган қонун-қоидаларга кўра, бетона, аникроғи, таъқиқланган мавзу эди. Дарҳакиқат, айни шу инерциянинг бугун ҳам адабий жараёнда баъзан буй курсатиб тургани сир эмас. Филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоевнинг адабиётшунос олим Умарали Норматов билан сухбатида таъқидлаган ушбу фикрлари буни тасдиклайди: «Модерн» истилохи, мана, 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага кундай аён. Бу холатни куриб туриб билмаслик нафақат адабиёт назариясини, балки янги ва гузал асарлар яратилишидек адабий жараён амалийтининг ҳам торайишига олиб келиши мумкин. Ўзининг ажойиб асарлари билан соцреализм инверциясини рад этган устоз адибларнинг модерн адабиётни хушламаслиги ҳақидаги ёзувларини ижоддаги самимият белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди»⁴⁵.

Шубҳасиз, истиколол берган имконият ўзбек танқидчилигининг йўлини очиб кўйди, эндиликда жаҳон адабий жараёнига уйғунлашув эмин-эркин амалга оша бошлади. Модернизм адабиётини, кенг мъянода, XIX аср охири ва XX аср давомида жаҳон адабиёти саҳнасида кечган бадиий жараёнларни тушуниш ва тушунтиришга уриниш ўзбек адабий танқидчилигининг долзарб мавзуларидан бирига айланди. Чунончи, таникли адабиётшунос олим Умарали Норматов истикололнинг ilk йилларида эълон қилган «Умидбахш тамойиллар»⁴⁶ маколасида ўзбек адабиётига инсонни табиий, сирли-сехрли мавжудот тарзида курсатувчи асарлар яратилаётганини, «инсон-ижтимоий

⁴⁵ Норматов У. Болтабоев Х. «Янги назарий тамойиллар», «Жаҳон адабиёти» 2008. 3 сон. 154-бет.

⁴⁶ Норматов У. «Умидбахш тамойиллар», «Шарқ юлдузи» Т: 1993. 10-11 сонлар

муносабатлар мажмуй», деган марксча соҳта гоянинг, адабиётни умумпролетар машинаси нинг бир винтчаси сифатида талқин этган ленинча мағкуранинг асосий тамойиллари уз таъсирини буткул йўкотганини таъкидлаб, ўзбек танқидчилиги янги ўзгаришлар, янгиланишлар палласига кириб келаётгани, хусусан, «экзистенциализм», «абсурд» сингари модернизм адабиёти оқимларига холмс муносабат ўзбек танқидчилигидаги изланишлар умумжаҳон адабий жараён билан уйгуналашаётганидан далолат беришини айтади.

Истиклол даври танқидчилигининг такомил тадрижини кузатганда, дастлаб умумий талқинларга асосланилган мақолалардан ташқари, модернизм адабиётининг оқимлари, адабий-бадиий усуслари, восита ва услублари билан боғлик айрим тушунчаларига изоҳ, шарҳ беришга интилишлар ҳам кузатилади. Хусусан, тадқиқотчи Тилаволди Жўраевнинг «Онг оқими ва тасвирийлик» мавзуидаги таъқиотида модернизмнинг туб адабий усули-«онг оқими»нинг мазмун-моҳият и таҳлилига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи ўзбек ёзувчиларнинг асарларини «онг оқими» услубига мансуб намуналар сифатида олиб қарайди ва уларни ирланд адиби Ж. Жойснинг романлари билан киёсан тадқиқ этади. Айтиш жоизки, мазкур иш ўзбек танқидчилигига қиёсий адабиётшуносликнин яхши намуналариданdir.

Тадқиқотда Т.Жўраев муайян илмий хulosаларга келганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, у ички монологнинг тарихийлик, мантикий изчиллик, адекватлик, сўзда жонли ҳаёт эффектини яратиш каби принципларини таъкидлайди⁴⁷. Бирор қиёсий таълилга асосланган мазкур тадқиқотда, «онг оқими» услубига кенг тұхталғанитга қарамай, тадқиқчининг модернизм адабиётига хос бўлган асосий тасвир принциплари, хусусан, жонли ҳаёт оффективини яратиш принципиага доир кузатишлари кўпроқ ўзбек ёзувчилари асарлари таҳлили билан чекланыб қолган. «Онг оқими» усулидан кўзда тутилган асосий мақсад-жонли ҳаёт оффективини яратиш модернизм адабиётида, жумладан, Ж. Жойс асарларида қай тариқа юзага келгани, бу

⁴⁷ Жўраев Т.С. «Онг оқими ва тасвирийлик». фил. фан. кўм... дисс. автореферати, Т.: 1994. 17-19-бетлар.

усулнинг имкониятлари, берадиган бадий самараси, янгилиги нимадан иборатлиги очиб берилмаган.

Бугунга келиб модернизм адабиёти намуналари, хусусан, Ж.Жойс асарлари она тилимизга таржима килиниб, ўзбек китобхонига етказилаётган бир пайтда «онг оқими» сингари атамаларни имкон қадар теранроқ шарҳлаб бериш лозим. Чунки «Улисс» каби ўта мураккаб, санъаткорлик билан яратилган асарлар ўқувчилардан XX аср фарб адабиётида пайдо бўлган ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича изланишлар, адабий тажрибалар моҳиятидан пухта хабардор бўлишни тақазо этадики, бу ўзбек танқидчилиги олдида турган долзарб вазифалар сирасидандир.

Чунончи, Жеймс Жойс «Навқирон санъаткорнинг сийраги»⁴⁸ романида қаҳрамони Стивен Дедалус ҳакида ҳикоя килмайди, балки уни курсатади, қаҳрамоннинг ҳолатини, яъни у келган муайян тайёр ҳолатни эмас, балки шу ҳолатга келиш жараёнини тасвирлайди. Бунда ёзувчи учун айнан «онг оқими» услуги жуда кўл келган. Биз қаҳрамон билан рўй берәётган руҳий ҳолатларда бевосита иштирок этамиз, унинг ўзига, оиласига, яқинларига, ватанига, динига, қолаверса, бутун борликка муносабати, булар ҳакидаги ҳукм-хулосалари қай тарика юзага келганини кўриб турамиз. Буни, яъни тирик, жонли ҳаёт эфектини яратишда Ж. Жойс қаҳрамони ўй-хаёлида, руҳида, хотирасида кечган энг нозик, майда тафсилотларни изчил ифодалаш орқали эришади. Айни шу нозик, майда тафсилотлар қаҳрамоннинг онг оқимидан жуда моҳирлик билан «териб олиниб», улкан маҳорат билан баён этилади.

Т. Жўраев талқин этганидек, «онг оқими» «ички монолог» билан айнан бир нарса эмас. Классик реализмдаги «ички монолог»дан фарқлы ўлароқ, «онг оқими» модернизм адабиёт намояндлари, хусусан, Ж. Жойснинг бадий кашфиёти, дейиш мумкин. Бу усульнинг «Онг оқими вазифиийлик» номли тадқиқотда ўзбек ёзувчилари асарларида қай даражада, қандай савияда қўлланилгани бевосита Ж.Жойс асарларидаги самаралар га

⁴⁸ Жойс Ж. «Навқирон санъаткорнинг сийрати» //Жаҳон адабиёти. 2007 3-4-сонлар. Отабой Ахмад. таржимаси.

изчил киёсланмагани, хусусан, «Улисс» асари таҳлилидан келиб чиқиб солиштирилмагани боис, «онг оқими»нинг ўзбек насиридаги натижалари бир кадар ойдинлашмай қолган.

Шубҳасиз, тадқиқотда тилга олинган ўзбек ёзувчиларининг истеъдодини Ж.Жойс салоҳияти билан тенглаштириб бўлмайди. Шу маънода, тадқиқотда таҳлилга тортилган асарларда модернизм адабиёти эришган улкан ютуқлардан таъсирланишнинг самаралари билан бирга камчиликлари ҳам курсатилганда мақсадга мувоғик бўлар эди.

Танқидчи Аҳмад Отабойнинг «Онг оқими»⁴⁹ сарлавҳали мақоласида айни классик реализмдаги «ички монолог» «онг оқими» эмаслигини, кейинги тушунча ҳам шаклан, ҳам мазмунан модернизм адабиётида кашф этилган янги услугб эканини, хусусан, «ички монолог» имкониятларидан (яъни реалистик прозада муваффақиятли кўлланилган воситалардан-К.К.) қониқмаслик оқибатида ва фалсафа ҳамда психоаналитикадаги кашфиётлар таъсирида юзага келганини таъкидлайди.

А.Отабой модернизм адабиётида «онг оқими»нинг ўзига хос хусусиятларидан бири қаҳрамон ҳолатининг, унинг «...фикр қилишнинг муайян мақсадга, ғояга, дунёқарашга йўналтирилмаганингид», деб хисоблайди. Бу фикр эътиroz туғдиради: ҳуш, модомики, «онг оқими» воситасида тасвирланган ҳолат, ички нутқ бирор-бир мақсадга, ғояга, дунёқарашга йўналтирилмаган бўлса, унда бу услубни кашф этишга нима хожат бор эди? Эҳтимол, «онг оқими»нинг бирор мақсад ва ғояга йўналтирилмаганинг ўзида муайян мақсад, ғоя яширингандир?

Маълумки, жаҳон адабиётшунослигига бу каби модернча услуб, воситаларга қониқарли даражада шарҳ ва изоҳлар берилган. «Онг оқими»га оид тадқиқотларда модернизмга хос бу адабий усулининг аҳамияти одам зотига хос иллатларни унинг онг остида кечадиган жараёнларни ишонарли тарзда ифодалаш, муаллифнинг «иштирокисиз», ташки таъсирлардан холи гарзда тасвирлашда экани айтилиб, мохиятан эса, инсоний хис-туйгуларни

⁴⁹ Отабой А. Онг оқими, Узбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 24 январ. 4-сон.

инстинктларнинг натижаси, оқибати сифатида кўрсатишдан иборатлиги таъкидланади.

Демак, бундай қарашилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, «онг оқими» тушунчаси, шубҳасиз, гоясизлик, мақсадсизликка дохил бўла туриб, муайян гояни, мақсадни, муаллифнинг оламга, одамга, унинг моҳиятига пессимитик муносабатини ифодалайди. Ўзбек танқидчилигига ушбу ва умуман, модернизм адабиётига доир атамалар, тушунчалар ҳали теран тадқик этилмагани боис, А. Оғабой маколасидаги сингари тўла-тўкис шарҳланмаган талкинлар учрайди.

Ўзбек адабий танқидчилигига «модернизм» тушунчасини англаш ва имкон қадар шарҳлашга уриниш ҳаракатларини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси сахифаларида кузатиш мумкин. Чунончи, мазкур ҳафталикнинг «Муҳокама учун мавзу» рукнида эълон қилинган «Модернизмни қандай тушунамиз»⁵⁰ сарлавҳали макола адабий жамоатчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу маколага муносабат билдириб ёзилган «акс-садо»ларда модернизмнинг гоявий-эстетик тамойилларини талқин қилишга, бу йўналишда ўзбек адабиётидаги илк изланишларни тилга олишга ҳаракатлар бўлди. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ӯлароқ, кейинги йиллар танқидчилигига «ўзбек модернизми» илдизларига эътибор қаратади. Бу шундай ёзади: «Шуро адабий сиёсати модернизмни хушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида 20-йилларда ёк бу тамойил бўй кўрсата бошлади... Чуқур миллий илдизга-тасаввуф фалсафасига бориб тақаладиган «рамзчилик» замонавий символизм тажрибалари билан туташган ҳолда эрк-озодлик туйғу-гояяларини ифодаловчи жиддий адабий тамойилга айланди, Чулпон, Фитрат, Элбек, Боту, Ойбек шеърияти бунинг ёркин далили. Илм-фанда, масалан, Фитрат,

⁵⁰ Модернизмни қандай тушунамиз // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 6 октябр.

Абдурахмон Саъдий асарларида модернистик истилоҳлар ва уларнинг шарх-талқинлари майдонга келди».⁵¹

Ушбу иқтибосдан аён булиб турибдики, «модернизмни қандай тушуниш» масаласи ўтган асрнинг 90-йилларидағина эмас, аслида ўша асрнинг бошларида ёзбек адабиётининг долзарб масалаларидан бўлган. Бироқ комфирка ўз ҳукмонлигини тұла ўрнатиб, ўттизинчи йиллардаги оммавий қатагонларни амалга оширгач, аср бошидаги ilk изланишлар тамоман тұхтаб қолди, жадид адабиёти ҳам қатагонга учради ва жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялардан бири модернизм билан нафакат шуғулланиш, балки бу оқимга оид асарларни топиб ўқиш имконияти ҳам чекланди. Умуман, «модернизм» атамасига оид бу каби талқинлар ўз вақтида модернизм адабиёти ва санъатини тушунишга, унинг «замонавий», «янги» адабиётдан, санъатдан фарқли жиҳатларини англаб етишга имконият яратган оли. 90-йиллар охири-XXI асрнинг ilk йилларида ўзбек адабий танқидчилигига ушбу атама борасида гарчи алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса-да, умуман, модернизм адабиёти, унинг ғоявий-эстетик хусусиятлари, ўзбек адабиётидаги айрим намуналари атрофида бир қадар фаол фикр алмашувлар, баъзан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан айтиш лозимки, «модернизм» тушунчасининг бу тарзда танқидчилик күп тартибида қўйилишига, биринчидан, жаҳон адабий жараёнига кизиқишдан бўлса, иккинчидан ва асосий сабаб адабиётимизда турли жанрларда янгича йўналиш ва услубларда яратилаётган асарлар таҳлили ва галкани зарурати эди. Замонавий ўзбек насли, хусусан, ёшлар прозаси муаммоларига багишлиган дастлабки мунозарага атоқли адаб Шукур Холмираевнинг «Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зикроқ»⁵² сарлавҳали мисколаси туртқи берди ва адабий танқид олдига бир талай саволларни қўйди: шундай насридаги «галати» тажрибаларнинг илдизлари қаерда; насрдаги шундай иланишларда адабий таъсир, тақлиднинг қанчалик «хизмати» бор; янги

⁵¹ Норматов У. Болтабоев X. Янги назарий тамойиллар. //«Жаҳон адабиёти»; 2008. З. 155-бет

⁵² Холмираев Ш. «Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зикроқ!» //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000, 27 ном.

наср намуналарига кандай мезонлардан келиб чиқиб ёндашмок лозим; модерн услугидаги асарларда усул, тил масалаларига янгича ёндашишнинг йўллари кандай; ушбу йўналишдаги асарлар миллий вокеликка қанчалик мос ёки бу асарлар модернизмга хос универсаллик билан уйғунми ва хоказо.

Ушбу маколадан кейин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бир қанча чиқишлилар бўлди. Жумладан, ёш носирлар иштирокидаги «Ёшлар наслир үз йўлидан боради» сарлавҳаси остида берилган давра сухбатида, Б.Рузимуҳаммаднинг «Ҳаёт тажрибалари ва хаёл чигириклари», С.Мелининг «Асл адабиёт эзгуликка хизмат» ва Ҳ.Карвонлининг «Икки йул синтези», У.Жўракуловнинг «Асл адабиётнинг нашъу-намоси» ҳамда У.Ҳамдамнинг «Турфа ранглар уйғунлиги» мақолаларида «модернизм» атамаси, модерн адабиёти ва унинг ўзбек адабиётида кўринаётган айрим намуналари атрофида мунозарали, турли хил фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Гарчи бу чиқишлиларда «модернизм»нинг пайдо булиши, унинг туб моҳияти, модернизм адабиётининг етакчи фалсафий асослари, гоявий-бадиий концепцияси, услублари ва тасвир воситалари ҳакида теран тахлилга асосланган хulosалар айтилмаган бўлса-да, улардаги адабий жараёндаги янгиланиш, ўзгаришга хайриҳоҳлик ва айни пайтда, танқидий қарашлар, жаҳон адабиёти тажрибаларига ҳавас ва уларни тушунишга уриниш адабий танқидчиликдаги ўзига хос ижобий тенденция сифатида эътиборга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек адабий танқидчилиги учун модернизм адабиёти поэтикаси мутлақо янги, тадқиқотчиларини кутиб турган долзарб мавзудир. Ушбу мавзу тадқиқ қилинмагани, бу борада модерн адабиёти намуналари борасида етарли маълумотларга эга булинмагани боис, юкоридаги муаллифларнинг ўзаро баҳсларида улар мунозарага киришаётган муаммолар моҳияти очилмай қолган. Зоро, модерн адабиётининг ўзига хослиги, асосан, бу йўналишдаги асарлар матни, тили, услуги билан жуда ҳам боғлиқдир. Дарҳақиқат, машхур таржимон ва жойсшунос, модернизм адабиёти билимдонларидан бири С.С.Хоружий ёзганидек «Модернизм... бу

услуга беҳад ишонч, услугга сигиниш, услубнинг мистикаси ва мифологияси».⁵³

«ЎзАС»даги баҳсларда реализм билан модернизмни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ёки уларнинг биридан иккинчисининг афзаллигини исботлашга уринишлар ҳам кузатилади. Айни шу ҳаракатларда адабий танқидда янгича методологик тамойилларнинг шаклланиш жараёни мураккаб кечачётганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат танқидчилигимизда бадиий-эстетик тамойилларнинг янги илмий-назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиши гоят долзарб вазифа булиб турганини кўрсатади. Айни пайтда бундай баҳс-мунозаралар адабий танқид олдига талай илмий муаммоларни ҳал этиши вазифасини кўяди. Чунончи, «модернизм» истилоҳининг мазмунини ёритиш, модернизм ва реализм ўртасида фарқ, чегарани аниқ кўрсатиш, модернизмнинг фалсафий, психологик ва илмий методологик асосларини галқин этиш ана шу вазифалар сирасига киради.

Юкоридаги келтирилган таъриф ва галқинлардан, умуман, «модернизм» тушунчасига ва модернизм адабиёти таҳлилига бағишлиланган тадқиқотлардан шундай тўғри хуносага келиш мумкин: «модернизм жўн ҳодиса эмас» (О.Шарафиддинов). Ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм ҳодисасига ўзбек танқидчилигига тушуниб ёндашиш, тушунишга интилиш аниқ сезилиб туради. Буни биз «ЎзАС» газетаси бошлаб берган баҳсада иштирок этишган адабиётшунос ва ижодкорлар Сувон Мелининг «Асл адабиёт-эзгуликка хизмат», Хусан Карвонлининг «Йкки йўл синтези», Улуғбек Ҳамдамнинг «Турфа ранглар уйгунлиги», Узок Жўракулнинг «Асл адабиётнинг нашъу намоси»⁵⁴ сарлавҳали мақолаларида ҳам кузатишимиш мумкин.

Жумладан, адабиётшунос олим Сувон Мели ўз мақоласида бу ҳодиса XIX аср охири XX аср бошларида гарб дунёсида рўй берган маънавий инқиrozнинг адабиёт ва санъатдаги акс-садоси, дейди. «Модернизм «ўз

⁵³ Хоружий С.С. «Улисс» в русском зеркале. З-том.-М: «Энаменитая книга». 1994. С.405.

⁵⁴ «Узбекистон адабиёти ва санъати». //2000. 27 октябр. 44 сон.

имкониятларини тамом сарф этиб, энди шалвираб қолгани»ни эътироф этаркан, бу факат адабий усул эмас, балки гарб кишиси дунёкараши, онғи ва рухиятидаги маънавий инкироз вируслари шаклида пайдо бўлган ва адабиёт заминида яшай бошлаган «узига хос мафкура ҳам»дир, дейди С.Мели.⁵⁵ Шу боис, унинг таъкидлашича, «модернизм гарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий мухитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкун кайфият бизда илдиз ота олмайди. Шарқона ислом маънавияти, ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди».

Албатта, С.Мелининг ушбу хulosаларида баҳсли нукталар ҳам йўқ эмас. Бироқ масалага илмий ёндашув С.Мели мақоласининг асосий хусусияти эканлигини таъкидлаш лозим. Биз бу ўринда бир мулоҳазани билдириб ўтмоқчимиз: модернизм услубига хос бўлган изланишлар, модерн адабиётидан таъсирланишларнинг самаралари бугунги кунда нафақат ўзбек адабиётида, балки Шарқ халклари адабиётларида ҳам буй кўрсатаётгани сир эмас. «Хозирги адабий давраларда урф бўлган «модерн» сўзининг адабий моҳияти ҳақида сўз юритганда, бизнинг шеъриятга гарбдан юққан «эпидемия» дебгина қараш нафақат мантикий хатога йўл қўйиш, балки ўзбек шеърининг бугунги мушоҳада табиати ва янги шакллар принципидаги изланишларни инкор этиш ҳамдир»⁵⁶, деб ёзади Ҳ.Болтабоев.

Дарвоке, С.Мелининг мақоласидаги айрим фикрлар эътироф уйғотганидан қатъи назар, унда адабий танқид методологиясининг мухим тамойилларидан бири, яъни ҳар қандай баҳс-мунозара, бадиий-эстетик қарашлар, идеаллар ва илмий муаммоларнинг ечими аниқ ва теран илмий концепцияга асосланиши керак, деган ҳақиқат илгари сурилгани характерлидир.

Умуман, мазкур баҳсда қутарилган масалаларнинг илмий аҳамияти шундаки, улар янгиланаётган истиқлол даври адабиётшунослиги ва танқидчилиги методологиясининг мухим назарий муаммолари ечимига йўл

⁵⁵ Караганг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». //2000. 18 август.

⁵⁶ Болтабоев Ҳ. «Модернизм ва янги ўзбек шеърияти». //Жаҳон адабиёти, 2007. феврал сони, 152 бет.

излаш, йұналишларини белгилап имкониятими туғдирди. Буни У. Ҳамдамовнинг мавзу кенг қамраб олинган, илмий теран ва мухими, қимматли фикрлар илгари сурилган «Турфа ранглар уйғунылғи»,⁵⁷ мақоласида кузатамиз. Маколада Сувон Мели фикрларига аниклик киритиб, модернизм инсон ботинини кашф қилас экан, ҳеч қачон эскирмайди, деган холоса айтилади: «Демак, «модернизм эскирди», деганды адабиётшунос С.Мели XX аср мобайнида гарбда жамиятнинг турлича кайфиятларини ифода қилган модернизмнинг қисмларини-экспрессионизм, дадаизм, сюреализм, кубизм, абстракционизм ва ҳоказоларнинг ортиқ етакчи оқимлар эмаслигини назарда тутган десак, ҳар ҳолда ҳақиқатга тұғри келади». Бадий ижодда реализмнинг етакчилик имкониятларини рад этмаган ҳолда, У. Ҳамдам мөхиятида ҳәётийлік ётмаган, ҳәётий мантиққа риоя этилмаган ҳар қандай асар чинакам бадий асар намунаси бүлолмайди, деган тұғри холосага келади.

Мунозара иштирокчилари гарб модернизмiga хос хусусиятларни бус-бутинича бугунги үзбек насрига құллаш жоизми, деган масалани ҳам ұртага ташлашган. Узок Жұракулов бугунги үзбек насріда, умуман олганда эса, үзбек ёзувчиларининг модернистик йұналишдаги асарларida гарб модернизмiga хос түшкүнлик, умидсизлик кайфиятлари йүк, деб ҳисоблайди ва бу фикрини Шодиқул Ҳамронинг «Қора күн», Исажон Султоннинг «Манзил» асарлари таҳлили билан асослайди. Шунингдек, у Ш.Холмирзаевнинг ўшлар насріда «тил чатоқ»лиги масаласида айтган танқидий мұлохазаларига эътиroz билдиради: «Хурматли ёзувчиларимизнинг тиниш белгилари борасидаги фикри ҳам баҳсталаб. Факат рухий ҳолатларни ифода этувчи адабиётнинг мавжудлиги рост бўлса, бу фикр ҳатто үзини оқламайди. Чунки рухий ҳолат моддий дунёда, яъни зохирда эмас, ботинда кечади ва ҳеч ким, ута аниқ фикрлаётганда ҳам бу жараёнда тиниш белгиларга эхтиёж сезмайди».⁵⁸

⁵⁷ Ҳамдамов У. Турфа ранглар уйғунылғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000. 29 сентябр

⁵⁸ Жұракулов У. Асл адабиётнинг наъмунаси //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2000. 27 октябр.

Бу муроҳазалар, шубҳасиз, айрим саволларни туғдиради. Назаримизда, баҳс иштирокчилари мунозара марказида бадиий асар турганлигини ва ҳар қандай асар бадиийлик тамойилларига асосланган ҳолда яратилишини назардан соқит қилгандек. Бадиий ижодда қаҳрамон рухияти ижодкор томонидан поэтик тарзда қайта идрок қилинишини ва бу факат бадиий сўз орқали намоён бўлишини назардан кочириб бўлмайди. Инсон қалбида кечеётган тизгинсиз, узук-юлук, паузасиз, тиниш белгиларисиз кечинмаларни қандай бўлса шундайлигича коғозга тушириш натурализмга олиб келмайдими? Қайта қашф қилинаётган қаҳрамон рухий олами ижодкорнинг эстетик концепциясини акс эттираслиги мумкинми? Ахир, айни шу жиҳатлар ижодкор маҳоратини, бадиий қашфиётини белгилайди-ку!

Атокли олим Озод Шарафиддиновнинг «Модернизм жўн ҳодиса эмас»⁵⁹ сарлавҳали сухбати, айтиш мумкинки модернизм адабиётига багишлиланган мазкур баҳснинг биринчи боскичига ўзига хос якун ясади. Мунаққид мухбирнинг модернизмга оид бир саволига жавоб қайтараркан, узоқ йиллар шўро мафкураси адабиётда кўпранглиликни тан олмай, факат социалистик реализм қолипида асар яратиш талабини қўйиб келгани боис, адабиётимиз турли хил поэтик изланишлардан бебахра қолди. Шу туфайли бугунги кунда кечеётган бундай изланишлар жараёнига бағрикенглик билан қараш керак. Аммо мунаққид фикрича, «...изланишлар бобида эҳтиёт бўлмоқ керак, негаки, янги нарса ҳамма вақт ҳам янгилиги учунгина яхши бўлавермайди, шунингдек, эски нарсани фақат эскилиги учун «пуф сассик»ка чиқариш мумкин эмас».⁶⁰ Олим таъкидлашича, баъзан киноя, баъзан кесатик билан тилга олинайтган реализм ҳали унча эскириб қолгани йўқ. Ҳали ўзбек адабиётида унинг очилмаган имкониятлари кўп.

Суҳбатда олим модернизмга шахсий муносабатини билдирган эди. «Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса,

⁵⁹ Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 7 июн. 23 сон.

⁶⁰ Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 7 июн. 23 сон.

юморга йўғрилган асарларни... енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини ўқишида эса кийналаман. Ҳатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган».

Устоз макомидаги олимнинг мазкур эътирофи ҳам модернизм ҳақиқатдан жўн ходиса эмаслигидан далолатdir.

2009 йил

ТУШУНИШ ТАМОЙИЛИ

Адабий танқид шўро даврида яшаб ижод этган ва бу давр адабиётининг тамал тошини қўйган атоқли намояндалари ҳаёти ва ижодини ҳам янгича тафаккур ва мезонлар билан қайта баҳолай бошлади. Бу жараёнлар гарчи баҳсу мунозараларга бой кечеётган бўлса-да, адабий танқид энг мураккаб масалаларга ҳам пировард натижада халқимизга хос бўлган бағрикенглик, инсонийлик тамойилларига асосланиб, миллий меросимиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишдек улуғ мақсад билан синдашганлигини кўришимиз мумкин. Бу тарздаги қайта баҳолашда «уриб ташлаш», «йўққа чиқариш» каби номақбул усууллар эмас, балки адабий танқид методологиясининг асосини ташкил этувчи, Раҳмон Кўчкоров ҳақли таъкидлаганидек, катта ҳарфлар билан ёзиладиган ТУШУНИШ истаги етакчи тамойилга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнгги давр танқидчилигига Абдулла Қаххор ижодини қайта баҳолаш ҳам асосий мавзулардан биридир. Бу даврда Қаххор ҳақида юзлаб мақолалар, кўплаб рисолалар чоп этилди. Агар адабий танқиднинг Қаххор ижодига муносабатини кузатадиган бўлсак, 80-йиллар охириларидан бошлаб зиддиятли қарашлар вужудга келганини кўриш мумкин. Худди Ойбекнинг «Кутлуг қон» романи сингари Абдулла Қаххорнинг «Сароб», «Синчалак», «Ўгри», «Даҳшат» каби асарлари талқини баҳсли кечди.

«Ёш куч» журналининг анкета саволларига жавоб бераркан, Олим Отахонов Қаххорнинг «Сароб» ва «Синчалак» асарлари ҳақида шундай ёзади: «Абдулла Қаххор ҳар канча истеъдодли бўлмасин замонасоз адиб эди; у аксар

холларда ўткинчи ақидалар, мұваққат мезонлар, юкори доираларнинг курсатмаларида уқтириб үтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилған ёзувчи эди; у жадидлар ҳаракатини ё тушунмаган ёки мутлоқа инкор этганды⁶¹. Муаллиф ушбу мезон асосида «Сароб», «Синчалак» асарларига муносабат билдиради. Ҳар иккала асарда ҳам вокеликка коммунистик мағкура күзйнаги билан қаралған, деган хулоса илгари суриласиди.

Кейинчалик жиддий баҳс-мунозараларга, кескин эътиrozларга сабаб бўлган бу хил қарашларни кўллаб-кувватловчи мақолалар ҳам чоп этилди. Жумладан, А.Жабборовнинг «Ўз даврининг машҳур асари»⁶² номли мақоласида «Синчалак» қиссаси замонасозлик мотивлари билан сугорилган асар эканлиги таъкидланди.

Кейинчалик ҳам Қаххор ижодига муносабатда икки хил йўналиш давом этганингини кузатиш мумкин. С.Мелиев, Ҳ.Каримов каби мунакқидларнинг айрим чиқишиларида ёзувчининг «Сароб», «Синчалак», «Угри», «Дахшат» каби асарларида шуро даврига хизмат килувчи ғоя етакчилик қилиши айтилди. Аксинча, Озод Шарафиддинов, У.Норматов, Санжар Содик, И.Ҳакқулов, Д. Қурунов ва бошқа кўплаб адабиётшунослар кузатишларида Қаххор ижоди янгича нуқтаи назар, янгича методологик тамойиллар асосида баҳолашга ҳаракат қилинди. Шу билан бир қаторда, бу мунакқидларнинг кузатишларида Қаххорни тушунишга, унинг ижодини, етакчи концепциясини англашга интилиш кучайиб бораётганини англаш мумкин.

С.Мелиев ва Ҳ.Каримовнинг танқидий қарашларида Қаххорнинг ўтмиш мавзусида ёзилған асарларида вокелик шуро даври тоталитар тузум ғоялари нуқтаи назаридан ёритилади, шу боис ҳам сохта ғояга асосланганлиги учун юксак бадиийлик намуналари бўлолмайди, деган хулосалар илгари суриласиди.

Мазкур маколаларга жавоб тариқасида битилған Д. Қурунов ва С. Содикларнинг кузатишларида ҳам айни хусусият-бадиий асарни давр билан, давр ғоялари билан боғлиқ ҳолда талқин этишга интилишни кузатамиз. Бу

⁶¹ Отаконов О. «Мутоала», // «Ёш куч», 1989. 9 сон. 14 бет.

⁶² Жабборов А. «Ўз даврининг машҳур асари» //Ёшлик.

хол ўз-ўзидан баҳс-мунозараларда асосий эътибор гоябозлилка, яъни Қаҳхорнинг ўтмиш мавзусидаги асарларида шуроғояларини тарғиб қилинганми ёки аксинча фош қилинганми? деган масала етакчилик қилинганини куришимиз мумкин. Ваҳолангки, С.Мелиев ва Ҳ.Каримов мақолаларида адабиётнинг асосий ядросини ташкил этувчи инсонийлик (уни С.Мелиев мақоласида меҳр, Ҳ.Каримов эса ўзбекона урф-одатлар ва мусулмон оламига хос яшаш принциплари шаклида талқин этади) тамойиллари ҳақида гап кетадики, уни муайян давр гоясига боғламасдан матннинг ўзидан келиб чиқиб талқин этилганда асл моҳият ойдинлашган бўлур эди. Шу боис мазкур танқидий қарашларга ва уларга оппонентларининг жавобларда ҳам давр гояси деган тушунча халақит берганлигини кўрамиз. Бироқ, айни чогда шуни таъкидлаш лозимки, мазкур баҳс-мунозаралар Қаҳхор ижодини англашга, унинг эстетик тамойилларини тушунишга хизмат қиласди. Мазкур баҳслар шу жиҳати билан характерлидир.

Бу жиҳатдан қаҳхоршунос олим Р.Қўчкоровнинг адаб ҳақида туркум мақолалари ва «Мен билан мунозара қилсангиз...» номли рисоласидаги кузатишлар характерлидир.

Р.Қўчкоров саксонинчи йилларнинг охири тўксонинчи йилларнинг бошларида Қаҳхор ижоди ҳақида, айникса, романларига турли даврда танқидчиликнинг муносабати ва ёзувчи томонидан амалга оширилган таҳрирлар ҳақида қизикарли изланишларни амалга ошириди. Шу жиҳатдан унинг «Қўш роман ва айрича қарашлар»⁶³, «Саробнинг пайдо бўлиши»⁶⁴ каби мақолалари характерлидир.

Биринчи мақолада ёзувчининг «Қўшчинор чироқлари» романи билан унинг биринчи варианти бўлган «Қўшчинор» асари қиёсий таҳлил қилинади. Мунаккид танқидчиликда айтилган фикрларни таҳлил қилас, ёзувчи асарда худди М.Шолоховнинг «Очилган қўрик» романига хос бўлган концепцияни илгари сургани, қаҳрамон танлашдаги муштаракликлар, сюжет

⁶³ Кўчкор Р. «Қўш роман ва айрича қарашлар», //Шарқ юлдузи 1988. З-сон.

⁶⁴ Кўчкор Р. «Саробнинг пайдо бўлиши», //Ёшлик. 1991. 9-сон

йұналиши ва композициядаги, конфліктдаги, ва ҳатто қаҳрамонлар нутқидаги үхшашлыклар мавжудлігінің таъқидлар экан, бундан күйидегіча холоса чиқаради: «Чунки, УНДАН БУНИ ТАЛАБ ҚИЛИШДИ!

Буни қандай тушуниш керак?

Шундай тушуниш керакки, биринчидан, роман идеясыға сингмайдыган бошқача табиатли романга мос бўлган колхоз қурилиши, унинг таржимаи ҳоли асарга нима килиб бўлмасин олиб кирилиши шарт килиб қўйилди.

Иккинчидан, бу қурилишда партияning роли, албаттага, кўрсатилиши керак, деган талаб қўйилди. Бундай «ошкоралик»ка ўрганмаган ёзувчи, худди Давидовга үхшаган ишчилар синфининг вакили, Ўзбекистонлик «йигирма беш мингчи»-Сафаровни яратди.

Учинчидан, синфий кураш жараёнини тасвирлаш керак эди. Бунинг учун бўлса, аввало, бу тасвирни туғдирадиган ёзувчи мақсади бўлмоғи керак эди. Қаҳхорда эса бундай мақсад, узоқ йиллар етилган ўй йўқ булиб, уз-узидан унинг намоён булиши ҳам қийин эди. Мана шу вазиятда ёзувчи замонасининг сийқа, схематик сюжетларидан қўра талантли уюштирилган, жаҳон миқёсига чиқиб кетганлиги сабабли конфліктсизлик назарияси рамкаларига буйсунмаган «Очилган қўриқ» йўлини афзал курди.

Ва, ниҳоят, тўртингчидан ёзувчи, ҳатто ўзини мажбурлаб оригинал синфий кураш эпизодларини тасвирлаши мумкин эди. Бироқ, унинг танқиддан хафсаласи пир бўлган, ундан оғзи куйганди. Бу тепса-тебранмас танқид, барибир, «тук топиши» муқаррарларини ўйлаб, унинг энди қўли етмас бўлиб қолган романга тақлид килиб кутилди»⁶⁵.

Мунаққид «Ёшлиқ» журналида чоп этилган «Уч сароб»⁶⁶ номли мақоласида ҳам «Сароб романининг қайта ишланиш жараёнларида адабий танқиднинг нотугри баҳолари сабаб бўлган, деган холосага келган эди. Бу фикрлар қай даражада ҳақиқаттага яқин? Наҳотки Қаҳхордек атоқли ва жасоратли ёзувчи танқидчиларнинг қарашларидан келиб чиқиб асарларини

⁶⁵ Кўчкор Р. «Кўп роман ва айрича қарашлар», //Шарқ юлдузи 1988. 3-сон.

⁶⁶ Кўчкор Р. «Уч сароб»//«Ёшлиқ», 1986. 6 сон.

қайта ишлайверса?... Бу каби саволлар, шубҳасиз, олимни тинч күймаган ва у илмий изланишларини давом эттириб, ушбу саволларнинг жавобини топишга ҳаракат қиласди. Ва ниҳоят изланишлари натижаси ўларок, «Саробнинг пайдо булиши» номли мақола ва кузатишлари асосида чоп этилган «Мен билан мунозара килсангиз...» номли рисола яратилди. Мазкур изланишларда адабий танқид методологиясининг асосини ташкил этувчи битта жиҳат бор. Муаллиф фактларга холис ёндашиб, асосий мақсадини қуидагича ифодалайди: «Тушуниш».

Рахмон Кўчкоров «Сароб» ва «Қўшчинор»нинг қайта ишланган варианtlари ҳакида фикр юритар экан, олдинги қарашлардан воз кечишининг асосий сабабини қуидагича изоҳлади: «Аввало, бу мақолада ҳам «Сароб» романининг ёзилиш сабаблари очилмай қолган, фақат унинг қайта ишланиш жараёнига эътибор берилган эди. Бунда ҳам роман танқидининг кўлами асл моҳиятни кўз олдимииздан тусган, бизни бир ёқлама ёндашув йўлига бошлиган, натижада, хар бир ўзгариш ва таҳрир сабабини нотуғри танқиддан излашга ўтган эканман. Ҳолбуки, мантикли бир савол бизни доимо сергаклантироғи керак эди: агар ўзгаришлар сабаби факат қатагон йилларининг танқиди бўлса, нега А. Қаххор «Сароб»ни ўша йиллариёқ қайта ёзишга мажбур этилмади? Нима учун факат 1957 йилда чиқкан романнинг иккинчи нашрига ўзgartиришлар киритди? Бу пайтда қатагон деярли тугаган эди-ку?»

Рахмон Кўчкоров ушбу саволларга жавоб излар экан, роман яратилган даврдаги сиёсий-ижтимоий воқеликка, ёзувчи архивидан топилган қатор манбаларга, хусусан, П.Алексеенковнинг «Қўкон мухторияти» (рус тилида), шунингдек, ўша даврда амалга оширилган суд жараёнлари, қосимовчилик, бадриддиновчилик каби материаллар билан романни деярли сўзма-сўз, фаслма-фасл қиёслаб таҳлил қилиб, ўхшаш жиҳатларини курсатар экан, қуидагича хulosага келади: «Гап шундаки, асарнинг қайта ёзилишига ўша пайтда билдирилган танқидий фикрлар деярли таъсир этган эмас. Чунки, уларнинг аксарияти ўша даврнинг ўзидаёқ инкор қилинган бўлиб, ёзувчи

томонидан ҳар иккала танқиддан ҳам кўра қудратлироқ бир куч-давлат сиёсати, унинг ҳоким мафкураси тураг эди. 1938 йили омма қўлига етиб борган «Сароб» номли сиёсий, унинг устига бадиий бақувват, психологик нуктаи назардан таъсирилгина роман, Ленин ибораси билан айтганда, «айни вақтида ёзилган асар» эди. Худди шунинг учун ҳам ҳар бир уюштирилган муҳокама ва маколадан янчилиб, муаллифини бўлса маҳкум килиб чиккан асарлардан фарқли ўлароқ, «Сароб» нафақат ўзини, балки авторини ҳам бир эмас, бир неча марта соғ олиб чиқди, ҳатто мукофат билан олиб чиқди...»⁶⁷

Биз кузатишларимизда танқидчиликда Қаххор ижодига нисбатан муҳолифатли, зиддиятли қараш мавжудлигини таъкидлаган эдик. Ана шу ҳолатнинг айнан ўзи, биргина Р. Кўчкоровнинг Қаххор ҳакидаги изланишларининг ўзига хос тимсоли эканлигини таъкидлаш зарур.

Бу баҳс-мунозараларнинг асосида ҳам Қаххор ижодини тушуниш истаги ётади. Бунда хулоса битта-Қаххор катта истеъодд соҳиби сифатида XX аср ўзбек адабиётини бадиий мукаммал, психологик жиҳатдан теран, ўлмас асрлар билан бойитди. Айни чоғда Қаххор хушёр дунёқарашиб соҳиби ва ўткир интуитив ёзувчи сифатида замонадаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришларни нозик хис қилди ва асарларининг моҳиятига буни моҳирлик билан сингдириб юборди.

Шу боис, юкорида таъкидланганидек, Қаххор ижоди ҳакида зиддиятли қарашларнинг вужудга келишини габиий бир ҳол сифатида қабул қилиш керак.

2009 йил

БИОГРАФИК ТАЛҚИН ИМКОНЛАРИ

Сўнгги давр танқидчилигига ижодкор ҳаёти ва ижоди, муайян бадиий асарлар яратилиш тарихи ёки тақдирига оид кузатишларда биографик методдан самарали фойдаланилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳатдан

⁶⁷ Кўчкор Р. «Саробнинг пайдо бўлиши», // Ёшлик. 1991. 9-сон.

айниқса, Н.Рахимжоновнинг «Бадиий асар биографияси» номли тадқиқоти⁶⁸ характерлидир.

Н.Рахимжонов турли тарихий даврларга оид ижодий жараёнларни яхлит бир ҳодиса сифатида ўрганишга киришаркан, нафақат атоқли адаб И.Султон ижоди, умуман, XX аср ўзбек адабиёти ижодида акс этган образли тафаккур типлари, уларнинг эвалюцияси, турғунлик ҳолатлари гадқиқотчилар эътиборидан четда қолганини тұғри таъкидлайды. «Ваҳоланки, адабий матн яхлит бадиий бутунлик, шу билан баробар, асарнинг юзага келиш тарихини күз-күз этувчи гўзаллик ҳодисаси хамдир. Унга тор ва биқиқ бир нарса сифатида, санъаткор деб аталмиш инжик кимсанинг хархашалари тарикасида қарамаслик лозим. У ижодкор туйғулари ва дунёқарашнинг мълум шаклга кирган кўринишидир»⁶⁹

Китобда адаб ва олим Иззат Султоннинг адабий-эстетик қарашларига таянган ҳолда унинг шахсияти, асарларининг яратилиши тарихи воситасида муҳит ва давр муаммолари ёритилади. Олим бадиий асар психологияси таҳлилига киришганда ёзувчининг ана шу асарни ёзиш палласидаги дунёқарашини асос қилиб олиб, образли тафаккур маданиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қиласи. Қўлланманинг «Ижодкор шахси» деб номланган боби беихтиёр Сент-Бёв услубини ёдга солади. Н.Рахимжонов драматургнинг онги шаклланган жараёнларни-болалик даврини унинг ўз тилидан айтган хотиралар воситасида «тиклайди». Ёзувчининг таржимаи ҳолига доир тафсилотлар унинг ижодига, конкрет асарларининг яратилишига замин ҳозирлаганини тадқиқотчи кўплаб воқеалар ва улардан келинган хуносалар орқали далиллаб кўрсатади.

Тадқиқотнинг услуби, мундарижаси ўзига хослигига қарамай, маданий-тарихий метод асосида Иззат Султон шахси, ижодий принциплари у яшаб ижод этган давр муҳити, шарт-шароити «Алишер Навоий», «Имон»,

⁶⁸ Рахимжонов.Н. Бадиий асар биографияси.-Т.: "Фан", 2008.

⁶⁹ Рахимжонов Н. Ўша китоб. 10-бет.

«Донишманднинг ёшлиги», «Кўрмайин босдим тиканни», «Қақнус», «Ойдин кеча асрлигига», «Янги одамлар» сингари асарларининг бадиий ғоя тарзида туғилиши жараёнлари батафсил ёритилади. Адибнинг «тотли ва эзгин хотиралари» (73-бет), тадқиқот муаллифининг кўплаб саволлари, ёзувчи билан мулокотлари, кузатишлари бутун бир маданий-тариҳий жараённинг Иzzат Султон шахси ва фаолияти билан боғлик саҳифаларига ойдинлик кирилади. Энг муҳими, Н.Рахимжонов адаб асарлари яратилган, чоп этилган, саҳналаштирилган даврдаёқ тариҳий шахслар хаёти талкини билан боғлик масалаларга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ёндашади ва уларга коникарли жавоблар беради. Хусусан, «Алишер Навоий» драмасининг яратилиш тарихи хакида сўз юритганда асар муаллифининг иқоррларини баён этади. Бу баённомалардан Н.Рахимжоновнинг келган хulosаси шундай: «Аслида, ўзбек адабиётини яхлит ва бус-бутун жараён сифатида ўрганишга, эстетик ўзлаштиришга интилаётган эканмиз, унга башарий қадриятлар нуқтаи назаридан ва жаҳон контекстидан ёндашишга ҳаракат қилаётган эканмиз, бир неча минг йиллик адабиётимиз намуналарини «дунёвий» ёки «диний» адабиёт тарзида бўлак-бўлакларга ажратиб қараш ўрганиш бир-ёкламалиқдир. Ундан шўро мағкурасининг социалистик реализм ижодий методининг синфиийлик принципи ҳиди келади»⁷⁰.

Тадқиқотда маданий-тариҳий метод етакчилик қиласа-да, унда бадиий асарга ёхуд муайян ижодкор ҳаёти ва фаолияти таҳлилига системали ёндашганда қўлланиладиган биографик метод, комплекс ўрганиш, киёсий-тариҳий, социологик методлар, психологик ёндашув усусларидан ҳам ўз ўрни ва меъёрида фойдаланилган. Бу тариқа системали ёндашув масаланинг турлигуман кирраларини асосли ёритишга омил бўлган. Назаримизда, маданий-тариҳий метод адабиётимиз тарихининг, атоқли ижодкор шахси ва ижодининг теран ва кўламли таҳлил ва ютуқларига кенг йўл очади ва замонавий ўзбек танқидчилигининг етакчи методларидан бири сифатида методологиядан муқим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан караганда,

⁷⁰ Рахимжонов Н. Уша китоб. 92-бет

мазкур қўлланма нафақат талабалар учун, балки бадий таҳлил муаммолари билан қизикувчи ҳар бир тадқиқотчи учун ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

2009 йил

АДАБИЙ ТАНҚИДДА СТРУКТУРАЛ МЕТОД ТАЛҚИНИ

Истиклол даври танқидчилигида фаол қўлланила бошлаган таҳлил усулларидан бири структурал таҳлил методидир. Сўнгги даврда олимларимиз структурал таҳлилнинг илмий-назарий асосларини очиб берган мақолаларни ҳам эълон кила бошладилар. Шу жиҳатдан, айниқса, А.Расуловнинг «Структура ва структурализм»⁷¹, Сувон Мелининг «Структурализм ва структурал таҳлил»⁷² (1-макола) каби мақолалари эътиборга молик. Бу мақолаларда структурализм ва унинг айрим назарий муаммолари ҳакида сўз юритилади. Ҳар иккала мақолада ҳам структурализм ва структурал методнинг ўзига хос жиҳатлари, кенг ва тор маънолари илмий асосда шарҳланган, шунингдек, структурализм тушунчаси, унинг фалсафий, илмий, бадий-эстетик ҳодиса сифатидаги хусусиятлари теран тадқиқ этилган.

А.Расулов структурализмга ихчам тарзда қуйидагича таъриф беради: «Бадий асар ўзига хос микромир: санъаткор асар воситасида олам-олам фикрларни билдиради, ғояларни ифодалайди. Биз борликни қандай ўзлаштиrsак, санъаткор матнини шунчалик синчилаб ўрганимиз. Ҳақиқий матн-система. Борлик тузилишида, инсон мучаси, аъзоларининг жойлашишида изчил таркиб, тартиб булганидек, бадий асар матнида ҳам тартибли таркиб мавжуд. Аникроқ айтсақ, бадий асар-бетакор структура, система. Бу системани уқиш, ўзлаштириш йўриги, йўсини, қоидаси структурализмдир. Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси-маънолар йўналиши, кўпқаватлигини англашdir. Структурализм мақсад-

⁷¹ Расулов А. «Бадийлик-безавол янгилико». //«Шарқ». Т.: 2007.

⁷² Мели С. «Структурализм ва структурал таҳлил ҳакида» // «Ўзбек тили ва адабиёти». 2008. 2-сон.

моҳиятини юзага чиқаришда асардаги мұхим маъно нұқталарини белгилаб олиш жиғдий аҳамият касб этади»⁷³.

Олим структурализмнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва бадиий асардаги ўрни, методлараро муносабати ва ўзбек адабиётидаги қўлланиш холатларини чукур илмийлик асосида тадқиқ этади. Мақолада структурализм истилоҳи ўтган асрнинг 10-йилларида француз илмида пайдо бўлганилиги ва унинг асосчиларидан бири Фердинанд де Соссюр номи билан боғлиқ эканлигини қайд этилар экан, жаҳон фалсафаси, лингвистикаси ва адабиётшунослигига структурал таҳлилнинг ўрни ва аҳамиятига кенг тўхталади.

Мунакқид структурализмнинг тараккӣёт босқичларига назар ташлаб, XX асрда унинг учта мураккаб босқични босиб ўтганини ва 70-йиллардан бошлиб, ўзбек адабиётшунослигига ҳам бу борада изланишлар олиб борилганлигини таъкидлайди. Мустакиллик даврига келиб ўзбек адабиётининг гўзал намуналарини структурал таҳлил орқали тадқиқ этиш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, мунакқид мустакиллик даврида Қодирий, Қаҳҳор асарлари янгича нұқтаи назар билан талқин этилаётганлигига эътиборни қаратади. Мақолада З.Исомиддиновнинг «Тарас Булба: ошкор ва пинҳон қиёфа», «Чини турганда афсона нечун» каби мақолаларида танқидчининг матн замирига чукур кириб борган сайин таркиб, ички тартиб ва таянч сўзларни аник кўриб таҳлил қила бошлагани ва шу асосда ҳаққоний хуносаларни баён қилганини ҳақли равишда қайд этади.

А.Расулов мақолада экспрессионизм, структурализм ва социалистик реализм методларининг моҳияти ҳақида фикр юритар экан, уларни бир-бирига киёслаб, шу асосда ғоят мұхим илмий-назарий қараашларни илгари суради. Жумладан, одамнинг моҳиятини очишда экспрессионистик қарааш билан Маркс асос солган социалистик реализмга хос бўлган ижтимоий тасвирининг етакчилик қилиши ҳақида тўхталиб, ҳар иккала қараашга хос чекланишлару синтезлашиш лозим бўлган уринларга эътибор қаратади. Шу

⁷³ Расулов А. Уша маинба 29-бет.

асосда, бадий адабиётнинг ўзига хослиги масаласига ўз муносабатини билдиради.

А.Расулов «структурализм» тушунчасини бир бутун ҳодиса сифатида текширади. Муаллиф фикрича, бадий структурани яратиш матн тузишдан анча илгари бошланади. Услуб, жанр, сарлавҳа, илк жумлалар, булар барчаси семиотик белги сифатида структуранинг яратилишига замин ҳозирлайдиган жараёндир. Демак, бадий структура семиотик нуқталар билан биргаликда келади. Структуранинг жанр, асар номи ва қаҳрамонлар тасвири билан боғликлиги А.Орипов, Т.Мурод, У.Азим, Фахриёр, У.Ҳамдам асарларидан олинган парчалар билан асосланади. Муаллиф структурал таҳлилга тұхталар экан, уни куйидагича лұнда таърифлайди: «Структурализм – матнни ўкиш, ўкиш, хузурланиш ҳақидаги фан... Структурализм-талқин ва таҳлилнинг нозик, гүзәл йўсини... Структурализм-модернизм моҳиятини ишонарли ёритиб берувчи воситадир» (55-бет).

Шу үринде структурал методнинг танқид фаолиятида қандай намоён бұлаётгани, пировард натижада ўзбек танқидчилегида бу таҳлил методи қандай самаралар келтириши мүмкінлегини бир мақола таҳлили орқали кузатайлик. Ҳамидулла Болтабоев «Теранлик»⁷⁴ сарлавҳали мақоласида А.Қаҳхорнинг «Анор» ҳикоясини структурал таҳлил қилишга киришаркан, мазкур методнинг афзal жиҳатини мағкуравий-социал талқинни рад килишида, «адабий матиннинг бадийлік хусусиятини унинг таркибини үрганиш орқали» асослашида күради.

Тадқиқотчи таҳлилни ҳикояга эпиграф килиб олинган гапни ва асарнинг илк жумлаларини таҳлил этишдан бошлайди, унинг ҳикоя сюжетига кескинлик олиб кирганини таъкидлайди. Бу жумланинг кейинги жумлага мантиқан боғликлигини изохларкан, ҳикоянинг ўзак нуқтасини-түгүн ва ечимини мужассам этган детални аник белгилайди. Ҳикояда бу детал-түгүнча, яъни асар қаҳрамони Туробжон қўлида кўтариб келган тугунча.

⁷⁴ Адабиётимиз фахри. Т., «Ўзбекистон» 202-214-бетлар.

Эътиборли томони шундаки, Ҳ. Болтабоев «Анор» ҳикоясини биринчи жумласидан охирги жумласигача-асар матнининг таркибий қисмларини бирма-бир шарҳлайди. Пировард натижада бадиий бутунликнинг-ҳикоянинг моделини «тиклайди». Айни шу «тиклаш» жарёнида мунаққид ҳикояни ўқиганда китобхон назарига тушмайдиган хусусият ва маъноларни талқин этади. Мақола муаллифи ҳикояда асосий эстетик вазифани бажарган еткачи унсурлар-ҳаракат ва нутқни адабий ҳодиса сифатида олиб қарайди. Ҳикоя қаҳрамони Туробжоннинг воқеалар давомида икки бор уйига кириб келгандаги вақт, ҳолат ва қўлидаги нарса (тугунча)нинг ёзувчи томонидан ургуланган талқинига эътиборни қаратади, буни ҳикоядаги қаҳрамон ҳаракатини ифодалаган ургули сўзларни ажратиб кўрсатиб амалга оширади. Ҳудди шундай, Туробжон ва унинг хотини нутқларини ҳам алоҳида кузатади. Шундан сўнг, тадқиқотчи «Анор» ҳикоясининг анъанавий талқинига зид тарзда асарнинг қаҳрамони Туробжон ҳам, унинг бошқоронги аёли ҳам эмас, балки анор эканини айтади: «Асар конфликтининг бош сабаби ҳам, сюжетдаги туган ҳам, ечим ҳам анорга боғлиқ... Анор-мулокот воситаси, коммуникатив бирлик». Ҳ.Болтабоев структурал метод асосидаги мазкур таҳлилида модел тушунчасига ургу бераркан, бирор-бир детал («Анор» ҳикоясидаги оқсок мушук), предмет ёки тимсол (ҳикояда-анор) ва ҳатто ҳикоянинг ўзи бутунлик сифатида модел каби курилиши мумкинлигини таъкидлайди. Моделда ёзувчи «катта ҳаёт моҳиятини» кўреатганини, модел китобхонга ҳам «катта ҳаёт ҳакида тасаввур» беришини айтади.

Структурал таҳлилнинг моҳияти муайян асарнинг қайси замон, қандай тарихий ёки мафкуравий шароитда яратилганидан қатъи назар, унинг матнидан келиб чиқиб талқин этилиши айни шу асарнинг анъанавий талқинларидан мутлоко ўзгача хуносалар чиқарилиши билан изоҳланади. Ҳ.Болтабоевнинг «Теранлик» мақоласидаги «Анор» ҳикоясининг структурал талқини мазкур асарнинг ғояси умуминсоний қадриятга боғлиқ эканини («муҳтожлик инсонни нафақат жиноятга, балки эрксизликка олиб келади») ва

А.Қаҳхор маҳоратининг муҳим жиҳати ҳам айни шунда намоён бўлишини тасдиқлайди.

Структурал методга асосланган ушбу таҳлил жуда кўп баҳсларга, қарама-қарши талқинларга объект бўлган ҳикоянинг туб мөҳиятини фақат асар матни асосида амалга оширилган талқин воситасида холис кашф этиш мумкин, деган хуносани беради. Бундай таҳлилда олдиндан режаланган мағкуравий мақсадни ўтказиш учун ҳикояни восита қилишга ўрин қолмайди. Айни шу жиҳати билан ҳам танқидчиликда шаклланаётган структурал метод, айниқса, адабий меросни кайта, холис ва теран баҳолашда, тўғри талқин қилишда кўл келмоқда. Бунинг ўзи ҳам танқид фаолиятида адабий ходисаларга системали ёндашув етакчи методологик тамойилга айланаётганининг далилидир.

Сувон Мелиев «Структурализм ва структурал таҳлил» мақоласида структурализм бадиий асарда фалсафий йўналишдан кўра методологик мўлжал булиб, ўрганилаётган объектларнинг шаклий қурилишига кўра талқин этишни англатади, деган фикрни олдинга суради. Мазкур мақолада қадимги юонон файласуфи Плотоннинг «Тимей» асаридаги оламнинг ўзаги геометрик шакллар асосида (тўрт унсур—ер, сув, ҳаво, оловнинг) муайян учбуручаклардан ташкил топганлиги ҳақидаги ғояси асосида вужудга келган фан-микроструктурани ўрганувчи квантфизика концепциялари билан боғлик ҳолда талқин этади.

Куриниб турибдики, С. Мели ҳам структурализм ҳақида сўз юритганда, А.Расулов каби, бадиий асарни ҳам табиатга қиёслаб ўзига хос микроолам, леб хисоблайди ва унинг структурал бутунлиги худди аниқ фанлардаги каби хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди. «Куринадики, бадиий асарни структура жиҳатидан тадқиқ этиш, яъни структурализм чукур фалсафий ва ҳатто квантфизиковий асосга эга. Худди микрооламдаги бевужуд зарралар каби-уларни оддий кўз билан кўриш мутлақо мумкин эмас-бадиий образлар ва умуман бадиий воқелик муайян давр ва унда яшаётган одамларни акс ўтиrsa-да, амалда у тил воситасида яралган бевужуд реалликдан бошқа нарса

эмас»⁷⁵. Айни пайтда, С.Мели бадий асарнинг структурасини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосий мақсади эмас, балки самарали натижага эришиш усули эканлигини тұғри таъқидлайды.

Муаллиф бадий асар структурасини ташқи ва ички структурага ажратади. Структурал тахлилда бадий асардаги образлар ва уларнинг рамзий маъноларини аниқлаш (маъно үчоклари), образ замиридаги бадий күч (образ энергетикаси) ва пировард натижада бадий асарнинг поэтик асосини тутиб турувчи күч (мақолада «жон жойини топиш», деб ифодаланган) лозимлиги ва буларнинг барчаси бадий асарда етакчи структуал бирлиқни ташкил этиши илмий назарий жиҳатдан асослаб берилген.

Таъқидлаш жоизки, А. Расулов ва С. Мели мақолалари ўзбек танқидчилигига структурализмга бағишиланған назарий характердаги илк тадқиқотлардандир. Бу мақолаларда структурализм түшунчаси жаҳон адабиётшунослиги ва танқидчилиги миқёсида қаралиб, мазкур методнинг етакчи хусусиятлари машхур файласуфлар ва олимларнинг қарашлари билан асосланған. Шу жиҳатлари билан ҳам бу мақолалар ўзбек адабий танқидчилиги методологиясининг шаклланишида жиддий аҳамият касб этади.

2009 йил

ҚАЙТА БАҲОЛАШ-ЯНГИЧА ТАМОЙИЛ СИФАТИДА

Истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилиги методологиясининг янгиланиш тамойилларидан бири миллый уйғониш (жадид) адабиёти ва унинг намояндалари ижодини қайта баҳолаганида кузатилади. Ижтимоий ҳаётда юз бера бошлаган ўзгаришлар адабий танқид тафаккурида ҳам янгиланишларга турткы берди. Бу даврға келиб, айниқса, мустакилликнинг дастлабки йилларида адабий танқид сезиларлы даражада фаоллашды, мавзу доираси кенгайды, бошқа гуманитар соҳалар, жумладан, тарих, фалсафа ва эстетика билан алоқаси изчил ва мунтазам тус касб эта борди.

⁷⁵ Мели С. «Структурал тахлил ҳақида». Ўзбек тили ва адабиёти 2008. 2-сон 12-бет.

Умуман, адабий танқиднинг ушбу соҳани ёритишга доир фаолиятини кузатганда бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган бир неча йўналишлар олиб борганилиги аён булади. Бу йўналишлар орасида, айниқса, ижодкор биографияси ва ижодий лабораториясига оид кузатишлар яққол кўзга ташланади. Уларда мұнаққидлар миллий уйгониш даври адабиёти намояндадарининг ҳаёти ва ижодига оид манбаларни, маълумотларни топиб, уларни тарихий воқеа ва фактлар асосида тадқик этиш, шарҳлаш усули стакчилик қилади. Адабий танқиднинг бу йўналишдаги фаолиятида унинг тарих билан ҳамкорлиги, айниқса, муҳим аҳамият касб этган.

Ушбу кузатишлар воситасида танқидчилар ижодкор жадидлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш асносида умуман жадидчилик ҳаракати, унинг концепцияси ҳақида ҳам тарихий фактлар асосида қимматли маълумотлар бердишлар. Натижада бу давр адабий ҳаётининг ҳаққоний тарихий лавҳасини яратишга эришилди, ватанимиз тарихининг ўтган аср бошидаги саҳифалари холис шарҳ ва изоҳлар билан тўлдирилди. Гарчи қисқа муддатни ўз ичига олган бўлса-да, янгича методология ва концепцияга асосланган адабий танқид фаолиятнинг ушбу босқичи бекиёс илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, биринчидан, бу босқичда аср бошидаги адабий муҳит ҳақида объектив маълумот берилган ва адабиётимизнинг янги тарихи яратилишига асос солинган бўлса, иккинчидан, шуро тузумининг қатагонга таянилган сисессатининг курбонига айланган ва узок йиллар мабойнида ноҳак айбловлар билан айбланиб келинган ижодкорларимизнинг ҳақиқий орзу-истаклари шобкат бўлди-уларнинг ижодий мероси ҳалққа қайтарилди.

Мұнаққидларимиз миллий уйгониш даври адабиётининг етук намояндадари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари улуғ адиллар ҳаёти ва фаолиятини юритишга бағишлиланган тадқиқотларда аср аввалида нашр этилган газета ва журнallардан, архив материалларидан унумли фойдаланишган. Жумладан, бу борада Бехбудий шахси ва унинг жадидчилик фаолияти билан боғлиқ илмий шланишлар алоҳида эътиборга лойик. Мустақиллик арафаларида

Ўзбекистонда хизмат қурсатган фан арбоби С.Қосимовнинг «Беҳбудий ва жадидчилик»⁷⁶, таникли олим Б.Қосимовнинг «Карвонбоши»⁷⁷ сарлавҳали мақолалари эълон қилинди. Уларда Беҳбудийнинг жадидчилик ҳаракатидаги ўрни ҳакида фикр юритилади. Унинг фаолияти ҳам дунёвий, ҳам диний асосларга таянгани таҳлиллар билан кўрсатилади.

Умуман, бу каби чиқишларда ўтган аср охирлари ва мустақилликнинг дастлабки йиллари адабий танқидчилиги учун характерли хусусиятни, яъни маърифатпарвар адибларнинг кисқача таржимаи ҳолини ёритиши, асарларидан парчалар бериш орқали уларни оммага таништириш усулини кузатиш мумкин. Чунончи, Б.Қосимовнинг Авлоний таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан эълон қилинган «Сапёрлар құчасидаги уй»⁷⁸, А.Алиевнинг «Фози Юнус ҳакида сўз»⁷⁹, Н.Холлиевнинг «Ҳамза: ўтмиш эмас, истикбол»⁸⁰, Саидахмад Сиддикӣ Ажзий таваллудининг 125 йиллигига профессор Б.Қосимовнинг кисқа шарҳи билан босилган Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий»⁸¹ сингари мақолалари шундай чиқишлар сирасидандир. Бундай қимматли маълумотлар, манбаларнинг эълон қилингани ўтган аср бошида яшаган ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти ҳакида алоҳида тадқиқотларнинг юзага келишига замин ҳозирлади.

Бу давр танқидчилигидаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, мунакқидлар ёзувчи, шоирларнинг ижодий лабораториясига кириб, муайян асарларнинг яратилиш тарихи, уларнинг етакчи концепцияси, мавзу кўлами, гоявий мотивларини таҳлил қилиб, кенг ўкувчилар оммасига етказишиди. Ана шу мавзудаги мақолаларда бадиий асарлар тақдирига аниклик киритиш тенденцияси етакчилик қилди. Жумладан, Б.Дўстқораевнинг

⁷⁶ Қосимов Б. «Сапёрлар құчасидаги уй» // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1988. 6 август.

⁷⁷ Алиев А. Ғози Юнус ҳакида сўз // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990. 25 май.

⁷⁸ Холлиев Н. «Ҳамза: ўтмиш эмас истикбол» // «Ўзбекистон адабиёти санъати». 1990. 16 марта.

⁷⁹ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1989. 10 ноябрь.

⁸⁰ Дўстқораев Б. Падаркушининг Farойиб саргузашти // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 1 январ.

⁸¹ Болтабоев Ҳ. «Иорт кайтуси» // «Шарқ юлдузи», 1992. 4 сон.

«Падаркуш»нинг гаройиб саргузашти⁸², Ҳ.Болтабоевнинг «Юрт қайгуси»⁸³, Ш.Турдиевнинг «Тонг юлдизи кисмати»⁸⁴, Ү.Мирзахужаевнинг «Чўлпон ҳакида қайдлар»,⁸⁵ Н.Каримовнинг «Кечанинг кундузи борми?»,⁸⁶ Д.Куровнинг «Яна кеча ва кундуз ҳакида»,⁸⁷ Н.Каримовнинг «Унтилган саҳифа»,⁸⁸ У.Норматовнинг «Адолатнинг йўллари машакқатли...»,⁸⁹ Б.Дусткораевнинг «Чўлпон: газета-еттинчи давлат» сингари мақолалари характерлидир.

Адабий танқид ижодкорларнинг ижодий лабораториясига киаркан, адабиётшунослик илми олдида муаммо булиб турган жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилди. Бундай муаммолар қаторида Бехбудийнинг “Падаркуш” асари яратилиш тарихи, Фитрат драмалари, Чўлпоннинг «Кечча ва кундуз» романни гакдири каби катта мавзулардан тортиб, муайян бир асарнинг яратилишига туртки берган омилларгача қамраб олинган. Чунончи, «Падаркуш» драмасининг яратилиши билан боғлик мақолаларда турли-туман маълумотларни кузатамиз.

Б.Дусткораевнинг «Падаркуш»нинг гаройиб саргузашти» мақоласида иккита масалага: а)«Падаркуш» драмаси қачон ёзилиб, қачон чоп этилганига; б)асарнинг мұқовасидаги «Бородино жангининг 100 йиллигига бағишиланади», деган ёзув нимани англатишига ойдинлик киритилган. Муаллиф ушбу масалаларга доир кўплаб манбаларни ўрганиб, кузатиб, асар 1911 йил охири 1912 йилнинг бошларида ёзилган, деган хulosага келган. Сўнгги давр танқидчилигида бу ижодкорлар фаолиятига кенг ва чуқур сидашилгани масаланинг моҳияти методологик жиҳатдан тўғри белгиланганидан далолат беради. Зоро, 1956 йилдаёқ ёзувчи сифатида номи оқланган, асарларини кенг китобхонлар оммаси ўқиш имкониятига эга бўлган Қодирий ижоди хатто мустақилликкача ўзининг тўла ҳақли, холис

⁸² Дусткораев Б. Падаркушнинг Гаройиб саргузашти //«Узбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 11 январ.

⁸³ Болтабоев Ҳ. «Юрт қайгуси» //«Шарқ юлдизи», 1992.4 сон.

⁸⁴ Турдиев Ш. Тонг юлдизи кисмати //«Ёшлию», 1991. 3 сон.

⁸⁵ Мирзахужаев Ү. Чўлпон ҳакида кайдлар //«Узбекистон адабиёти ва санъати». 1994. 6 май.

⁸⁶ Каримов Н. Кечанинг кундузи борми? //«Узбекистон адабиёти ва санъати». 1994. 28 октябр.

⁸⁷ Куров Н. Яна кечча ва кундуз ҳакида//«Шарқ юлдизи». 1996. 5 сон.

⁸⁸ Каримов Н. Унтилган саҳифа//«Узбекистон адабиёти ва санъати». 1997. 10 октябр.

⁸⁹ Норматов У. Адолатнинг йўллари машакқатли //«Узбекистон адабиёти ва санъати». 1997.14 ноябр.

баҳосини олмади. Метод ва дунёқараш муоммаси билан боғлиқ баҳс-мунозаралар куюни муттасил Қодирий ижодиёти тепасида айланди. Адабиётшунос олим Матёкуб Қушжонов адаб ижодини ўрганиши тарихини олти босқичга ажратди ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб берди. Унинг талқинига кўра, олти босқичнинг бештаси шуро даврига оид бўлиб, мазкур босқичларда ёзувчи ижодини ўрганишда кўплаб чекланишлар бўлган. Олтинчи босқич сифатида М.Қушжонов мустақиллик йилларида қодирийшуносликнинг том маънода янги даври бошланганини, бунда Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармонининг улкан аҳамият касб этганини, адаб ижодини эмин-эркин, янгича тафаккур асосида қайта баҳолаш жараёнлари бошланганини таъкидлайди.

Албатта, муҳтарам олимимизнинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига Абдулла Қодирий ижоди ўрганилишини босқичларга бўлиши, яъни даврлаштириши шартли характерга эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Матёкуб Қушжонов қодирийшуносликни даврлаштиришда йиллар ва саналарни эмас, балки биринчи галда адаб ижодини баҳолашдаги чекланишлар, бирёкламаликлар ва уларнинг моҳиятини очиб бериш назарда тутилган. Кейинги давр танқидчилигига адабий ҳодисаларга тарихий-биографик ёндашувнинг кучайгани янгича адабий танқид методологиясининг муҳим тамойилларидан бири шаклланаётганидан далолат беради. Зеро, ижодкор ҳаёти ва асарларига доир манбаларни аниқлашда бу тамойил муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур давр танқидчилиги фаолиятида Қодирий, Чўлпон, Фитрат, биографиясига таалукли, бироқ яшириб келинган, ёритилмаган маълумотларга эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. Чунончи, Н.Каримовнинг «Ўзбек зиёлilarининг жаллодлари» туркуми сирасидан «Қодирий боши-янги йил совгаси», «Чўлпон учун кишан», И.Усмоновнинг «Қодирий қаерда отилган?» М.Ҳасановнинг «Ватан менинг саждагоҳим»⁹⁰

⁹⁰ Ҳасанов М. «Ватан менинг саждагоҳим»// Ўзбекистон адабиети ва санъати, 1990. 28-сон

каби мақола ва сұхбатларда атоқли адиблар ҳәғининг эңг қайгули, фожеали вазиятларига оид маълумотлар берилған. Бинобарин, қатагон курбонлари бұлған бу адиблар кисматини ёритишида ушбу мақолаларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Бошқа тарафдан эндигина истиқлолга эришган халқимиз ўша пайтда бу фактлардан вокиф булиб, хурriятга эришганимиз тасодифий эмаслигини, балки Ватан озодлиги йўлида фидойи зиёлларимиз ўз жонларини курбон қилишганини, мустакиллик оғир ва машаққатли қуашлар эвазига қўлга киритилганини далилловчи манбалар билан танишишга муяссар бўлди.

Хулоса килиб айтганда, истиқлол даври танқидчилигига жадид адабиёти намояндалари ҳәти ва ижодини ҳар томонлама таҳлил ва талқин ётиш етакчи йўналишлардан бирига айланди. Адабий танқид Бехбудий, Авлоний, айникса, Фитрат, Кодирий ва Чулпон сингари миллий уйғониш (жадид) адабиёти намояндалари ижодини ўрганар экан, асосий эътиборни адабиётшунослик олдида турган долзарб муаммоларга қаратганининг гувоҳи бўламиз.

2009 йил

СИСТЕМАЛИ ЁНДАШУВ ИМКОНИЯТЛАРИ

Системали таҳлил муайян ижодкорнинг асарига ёки унинг ижодий меросига бир яхлит бутунлик сифатида қарашни ва шу асосида ёндашувни талаб этади.

Истиқлол даври танқидчилигига ушбу таҳлил методининг яхши науналари яратилди. М.Күшжонов, О.Шарофиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров Б.Каримов, Д.Қурунов каби мұнаққидларнинг А.Кодирий, Чулпон, F.Ғулом каби ижодкорлар ҳәти ва ижодий меросини камраб олувчи тадқиқотлари фикримизнинг ёрқин исботидир. М.Күшжонов

ва С.Мелиевнинг ҳамкорликда чоп этилган “Абдулла Орипов” номли рисоласи ҳам системали ёндашувнинг ёрқин намуналариданdir.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бадий асарга ёки ижодкор бадий меросига системали ёндашганда тадқикотчи битта метод билан чегараланиб қолмайди, балки бир неча методларнинг уйғунлигига иш юритади. Буни биз юкорида тилга олган рисолада ҳам кузатамиз.

М.Құшжонов ва С.Мели атоқли шоир ижоди таҳлилига киришишдан олдин унинг таваллуд топған, тарбияланған оиласави мұхити ҳақида аник тасаввур берилған лавҳані келтиришади. Шундан сұнг А.Ориповнинг адабиёт оламиға киришдаги дастлабки босқич – талабалик йилларидаги ilk ижодий изланишларига муносабат билдирилади. Кейинги – “Ўзимники эрур шу созим”, дея шоир сатри билан бошланған сарлавҳали бобда А.Ориповнинг ўзига хос услуги, мавзуулар күлами очиб берилади, “шоир шеърларыда мавзуу тақрори, ҳаёт материалларига анъанавий ёндашиш нұкталари йўқ”лиги далилланади. Ҳаётга ижодкор муносабати, унинг шеъриятидаги ижтимоий-бадий талқинлар, хусусан, “сатлий типлар” тасвири кашф этилган. (“Озор нидосининг изхори”), тарихига улуғ аждодларга эктиром изхорларыда (“Мехр билан азиздир инсон”) бадий маҳорати, “образли фикр қилиш имкони” намоён этилади.

Адабиётнинг азалий мавзуулар- вафо, мұхабbat, ұлим А.Ориповнинг турли жанрлардаги асарларыда қай тарзда ўзининг жозибали ва теран ифодасини топғанни, хусусан шоирнинг лирик ва фалсафий олами, улуг ижодкорлар рухидан илхом ва күч олиб яратған поэтик дунёси рисоланинг кейинги бобларыда таҳлил ва талқин этилади.

“Тилла баликча фожиаси” деб номланған бобда муаллифлар адабий жараёнда қызғын баҳслар туғдирған шоирнинг бир шеъри таҳлили ва унга билдирилған турлича муносабатлар ҳамда талқинларга эътибор қаратылады, ушбу таҳлилда биз бадий асарга системали ёндашувга хос мұхим жиҳатлардан яна бирини –анализ ва синтезнинг яхлитлиқда амалга оширилған намунасини күрамиз.

Рисолада шунингдек, А.Ориповнинг таржимон сифатидаги улкан салохијити, маҳорати, унинг шеъриятида лирик фожелик талқинлари моҳияти, “Соҳибқирон” драмасининг мазмун-мундарежасига оид кузатувлар муаллифларнинг атокли шоир ижодига: барча жанрлардаги асарларига, уларнинг мавзулари, бадиий жихатлари, маҳорати, санъаткорлиги масалаларига комплекс ёндашганликларини курсатади. Муаллифлар улкан ижодкорнинг ижоди таҳлилига “Муаллиф-асар”, “анъана-асар”, “воқелик-асар” йўналишларида ёндашганларки, бу жихатдан ҳам “Абдулла Орипов” рисола системали ёндашувнинг яхши намунаси сифатида эътиборни тортади.

2010 йил

АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСИ

Аёнки, адабий танқиднинг мухим методологик асосларидан бири илмий-назарий асосдир. Чунки адабий танқиднинг фан сифатидаги ўзак қисмини илмий-назарий қарашлар ташкил этади. Шу боис илмий билишга хос бўлган барча етакчи тамойиллар адабий танқид учун ҳам хосдир. Адабий танқид методологиясининг илмий асосини белгилашда ички ва ташки омиллар мухим аҳамиятга эгадир. Бунда ташки омил сифатида унинг бошқа фанлар билан алоқаси, муштарак жихатлари назарда тутилади. Адабий танқид уз специфик хусусиятлари ва тадқиқ обьекти табиатига кўра тилшунослик, тарих, фалсафа, эстетика, мантиқ, рухшунослик, математика каби фанлар билан изчил алоқададир. Адабий танқиднинг бу соҳалар билан алоқаси умумийлик ва хусусийлик категорияларининг диалектик бирлиги доирасидаги boglaniшdir. Бирок адабий танқид ўзига хос илмидir. У гарчи бошқа кўплаб фанлар билан, жумладан адабиётшуносликнинг бошқа соҳалари билан катор муштаракликларга эга бўлса-да, тадқиқ обьекти бир бўлса ҳам катор жихатларига кўра улардан фарқланади.

Биринчи фарқ унинг назарий фаолияти билан белгиланади. Адабий танкид тезкор соҳа сифатида даставвал адабий жараёндаги илмий концепцияни янгилашга ўз ҳиссасини қўшади. Маълумки, концепция кенг қамровли тушунча. У энг аввало бадиий асар ҳакида юзага келаётган кўплаб янгича илмий қарашлар тизимиdir. Бинобарин, концепциянинг янгилашини ўз-ўзидан методологик тамойилларнинг ҳам янгилашини тақоза қиласди.

Адабий танкидда концепциянинг янгилаши мунакқид дунёқарашдаги янгилаши билан узвий боғлик жараёндир. Бу айникса ижтимоий фанларда яққол намоён бўлади. Шу боис дунёқарашнинг янгилаши ҳам ижтимоий, ҳам маънавий омилларга бирдек боғлиқдир. Ижтимоий хаётда юз бераётган ўзгаришлар маънавий оламда акс этади .Айни чогда маънавий олам ҳам ижтимоий борлиқнинг киёфасини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Бу икки тушунчани бир-биридан айри холда қараш масалани жўнлаштиришга олиб келади.

Инсон дунёқарашининг шаклланиш жараёни мураккаб ҳодисадир. Табиат ва жамиятда рўй берадиган ҳар қандай ўзгаришлар, кўз илғамас ўзанлар орқали тинимсиз оқиб келаётган « ахборот тизими» инсоннинг хистутигуларига, онг ва шуурига узликсиз таъсир этиб туриши дунёқараш шаклланишидаги асосий пойдевордир. Бинобарин, янгича дунёқараш янгича тасаввур ва гафаккурнинг олий даражадаги уйгунлашуви ҳосиласидир.

Шунга кўра, адабий танкиддаги тасаввур ва тафаккур тарзининг янгилаши деганда нимани тушуниш мумкин. Бу, энг аввало, **ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** демакдир. Ўзликни англаш тушунчаси фалсафий мазмунга эга. Кенг маънода у бутун қадриятлар, инсоний туйгулар, тарих, маданий мерос ва ҳаёт ҳақиқатига бўлган янгича муносабатлар мажмуидир.

Адабий танкиддаги ўзликни англаш тор ва маҳсус маънога эга бўлиб, у биринчи галда, субъект сифатида ўзлигини қайта қуриш демакдир. Бунда мунакқид «Мен»и, унинг шахсияти, дунёқарashi, интиуцияси, тафаккур тарзи, истеъоди ҳал килувчи аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мунаққид «Мен» и тафаккурида рўй берга бошлаган бу янгиланиш жараёни бир хил силлиқ кечмади. Ўтиш даврига хос бўлган барча мураккабликлар, зиддиятлар чоп этила бошланган мақола ва гадқикотларда у ёки бу тарзда ўз ифодасини топа бошлади. Бу ҳол турлича шакл ва йўналишларда намоён бўлди. Гоҳ етмиш йилдан зиёдроқ даврда яшаб ижод этган ижодкорларни, уларнинг адабий меросини сабабсиз бутунлай коралаш, инкор этиш ёки ҳамма айбни ўтмиш тузумга, давр сиёсатига юклаб бутунлай оқлаш тарзида; Гоҳ мунаққидларнинг танқид эстетикасига хилоф равишда бир-бирларига турли-туман айловлар эълон қилиши шаклида; гоҳ муросасозлик, келишувчилик кўринишида намоён бўлди...

Бироқ мамнуният билан таъкидлаш зарурки, шундай мураккаб фикрий бўхронлар замирида коммунистик мағкура қолипларидан кутила бошлаган ва хурфикрликка асосланган янги типдаги танқид тафаккури вужудга кела бошлади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг барчаси ўтган асрнинг 80-90 йилларида адабий танқидда концептуал ўзгаришларга олиб кела бошлади. Бу жараён янги-янги илмий ғояларнинг пайдо бўла бошлиши, кўплаб илмий муаммоларнинг кун тартибига қўйила бошлишига замин хозирлади.

Адабий танқиднинг сўнгги ўн-ўн беш йиллик фаолиятини кўздан кечирганда энг муҳим илмий ғоялар сифатида аввало методология ва унинг тамойилларининг янгиланиши масаласи долзарб муаммога айлана борганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Зеро, етмиш йилдан зиёдроқ илм-фанда ҳам ҳукмронлик қилган марксча-ленинча таълимот ва унинг методологик тамойиллари илмий билишининг ягона, бирдан бир тўғри йўли эмаслиги барчага қундай равишан бўлиб қолди. Шу боис чоп этилган кўплаб мақола ва баҳс-мунозараларда янгича методологик тамойиллар хусусида фикр юритилди. Бу борадаги сўнгги изланишлар адабий танқид муаммоларини Шарқу Ғарб фалсафаси ва эстетикасидаги етакчи методологик тамойиллар билан изчил боғлиқ ва муштараклиқда талқину таҳлил қилиш бирдан бир тўғри йўл эканлигидан далолат бермоқда.

Адабий танқид эътиборини қаратган яна бир долзарб масала—бу XX аср ўзбек адабиётини қайта баҳолаш масаласидир. Бу борада қисқа, лекин шиддатли кечган баҳс-мунозаралардан кейин адабий танқид етмиш йилдан зиёдроқ фаолиятида илк маротаба аксиологик ёндашувни амалга оширмоқда. XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Э.Гартман ва француз олими П.Лаппи томонидан фанга киритилган ушбу таълимотга кўра, аксиология-қадриятлар ҳақидаги назария бўлиб, у «...аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадриятли ёндашув ва бошқалар асосида тўплланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир».⁹¹

XX аср ўзбек адабиёти салафлари, жумладан Фитрат, Қодирий, Чўлпон ёки F.Гулом, Ойбек, А.Қаххор, X.Олимжон каби ижодкорлар ҳаёти ва ижодини, умуман олганда эса улар мансуб бўлган давр адабиётини қайта холис баҳолаш ҳамда улар қолдирган бой адабий меросга аксиологик ёндашув адабий танқид методологиясининг муҳим тамойилларидан бирига айланниб бормоқда.

Адабий танқиддаги яна бир муҳим муаммо адабий жараён билан узвий боғланган бўлиб, яратилаётган бадиий адабиётга муносабат масаласидир. Бадиий асарни янгича методологик тамойиллар асосида таҳлилу талқин қилиш, биринчи галда унга бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашув кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланмоқда. Бу адабий танқиднинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолияти билан узвий боғланган масалалардан биридир. Бу борада ҳам баҳс-мунозаралар, жиддий изланишлар жараёни кечмоқда. Бадиий асарда инсон концепцияси, адабиётнинг эстетик ва ижтимоийлик тамойиллари хусусидаги баҳслар шулар жумласидандир. Бадиий асарга соғ эстетик ҳодиса сифатида ёндашиб, ундаги ижтимоийликни инкор қилувчилар ҳам, ёқловчилар ҳам ўз қарашларини асослашга ҳаракат қилишмоқда. Бу борадаги мунозараларнинг ечими бевосита адабий

⁹¹ Фалсафа Қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси Бош таҳририяти.Т., 2004.17-бет.

танқиднинг амалий фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис адабий танқид фаолиятидаги иккинчи муҳим йўналишни амалиёт ташкил этади. Чоп этилаётган адабий-танқидий материаллар амалиёт натижаси бўлиб, улар асосида таҳлил йўналишлари ва усуллари хусусида кузатишлар олиб бориш, муайян ҳулосалар чиқариш мумкин.

Адабий танқиднинг сўнгги давр фаолияти шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда диалектика барча фанларнинг умумий методологиясиdir, деган қараш бирмунча баҳсли бўлиб қолмоқда. Бадиий асарга диалектив ёндашишдан ташқари герменевтик ёндашув ҳам кучайиб бормоқда. Талқин леб тушуниладиган ушбу назарияни олмон диншуноси ва филологи Ф. Шлейермахер ишлаб чиқкан бўлиб, унга кўра матнга ҳам грамматик, ҳам услугуб ва мазмун бирлиги, бутун билан қисмнинг айланма харакати сифатида қараш етакчилик килади.⁹²

Бугунги адабий-танқидий мақолаларда, тадқиқотларда матн билан ишлашда кўпроқ сўзга эътибор бериш, талқин қилиш, шархлаш етакчилик қила бошладики, бу ҳол герменевтика ўзбек танқидчилиги методологиясининг асосий йўналишларидан бирига айланниб бораётгандигидан далолат бермоқда.

Адабий танқид тараққиётининг ўтиш давридаги изланишларида сенергетика ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Сенергетика назариясининг асосини ташкил этувчи барқарорлик билан бекарорлик (хаос) мувазонат билан мувазонатсизлик, тартиб билан тартибсизлик, тизимлилик билан тизимсизлик ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари адабий танқидда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Чунончи, сўнгги ўн-ўн беш йил ичida сиртдан қаралганда таназзулдек таассурот қолдираётган турли-туман баҳс-мунозаралар, тортушувлар, инкорлар (жумладан, танқидда «Адабиёт ўладими?» деган масаланинг кўйилиши, шуро даврида яратилган асарлар ҳақида бир-бирини инкор этувчи чиқишилар, реализмга шубҳа билан қараш тамойиллари,

⁹² Бу ҳақда қаранг: Гүннери Сикрбекк, Нилс Гилье Фалсафа тарихи. «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси. Бош таҳририяти. Т., 2002, 446-447-бетлар; Герменевтика. «Ғарб фалсафаси». Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти

модернизм ҳақидаги қарама-қарши фикрлар, шуро даври назариясига оид күплаб қарашларнинг инкор этилиши ва х.о.) замирида адабий танқид тараққиётида янгича концепция етилиб келаётганлиги, янгича методологик тамойиллар шаклланыётганлиги, бинобарин мазкур соҳа янгича қонуниятлар асосида ривожлана бошлаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари адабий танқидда бадиий асарга онтологик, генесеологик ва аксиологик таълимотлар асосида ёндашишининг кучайиши, таҳлилнинг турли-туман усулларидан самарали фойдаланиши илмий билишда методологик плюрализмга ўтилаётганлигидан нишона беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юкорида тилга олинган методологик таълимотларнинг барчаси фалсафий таълимотdir. Шунга кўра, улар гарчи күплаб фанлар учун методология хисобланса-да, уларнинг ҳар бирида, жумладан адабий танқидда ҳам хусусийлашган, танқид спецификасига мослашган ҳолда зухр бўлади. Айтайлик, тарихга оид матн билан бадиий матн орасида жуда катта фарқ бор ва улар талқини ҳам ўзига хосдир.

Юқоридаги кузатишлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, адабий танқиднинг методологик асосларидан бирини илмий-назарий асос ташкил этади ва у күплаб методологик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган, бириккан, синкетрик асос сифатида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш зарурки, адабий танқиднинг методологик асосларини таъминлашда илмий-назарий асосдан ташқари бадиий-эстетик, ижтимоий-тарихий, мағкуравий асосларнинг ҳам ўрни каттадир. Бу асосларнинг ҳар бири адабий танқиднинг фан сифатидаги ўзига хослигини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бу ўринда факат илмий-назарий асос ҳақида фикр юритдик. Тилга олинган бошқа асосларнинг етакчи хусусиятлари алоҳида тадқиқни тақоза этади.

2006 йил

АДАБИЁТ ИЛМИ МАНЗАРАЛАРИ

Истиклол, барча соҳаларда бўлганидек, адабиётшунослик ва адабий танқид тараққиётида ҳам янги даврни бошлаб берди. Бадиий асар таҳлили ва талқинида умумбашарий мезонлардан келиб чиқиб ёндашиш асосий тамойилга айланди. Шу боис асар таҳлилида ижтимоий-мафкуравий ёндашув ўрнига бадиий-эстетик мезонлар етакчилик қила бошлаганини кузатиш мумкин. Илм ахлида ижодкорга муайян ижтимоий соҳанинг вакили деб эмас, балки ўз қалби, орзу-умидлари, маънавий олами ҳамда идеалини поэтик идрок қилиш ва тасвирлай олиш салоҳиятига эга бўлган истеъдод соҳиби сифатида қараш шаклана бошлади. Бинобарин, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги, шўро давридагидан фарқли равишда, бадиий асарга “ижтимоий муаммолар”, “долзарб мавзулар” нуқтаи назаридан эмас, балки ижодкорнинг поэтик маҳоратини белгиловчи бадиийлик мезонлари асосида ёндашмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида «адабий жараёнга, шоир ва адиллар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак»лиги алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, бу даъват бевосита танқид ва адабиётшунослик олдидағи вазифалар нечоғли масъулиятли эканини яна бир бор тасдиклайди. Хўщ, бугунги кунда адабиётшунослик ва танқидчиликдаги изланишлар, саъй-харакатларнинг самарали кечётгани нималарда кўринади?

Таъкидлаш жоиз, адабий-бадиий нашрларда босилаётган тадқиқот ва танқидий мақолалар, такризлар мавзулари ранг-баранг, уларда адабий жараённинг долзарб муаммолари қамраб олинган, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик муаммолар дадил кўтариб чиқилган. Иккинчидан, буни аксарият масалалар хусусида кечган баҳс-мунозараларнинг ошкоралиги, илмий ва мантикий асосланганида ҳам кузатиш мумкин.

Бу борада “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ва “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тафаккур”, “Ёшлиқ”

каби журналларда чоп этилаётган қатор тадқиқот ва мақолаларни далил сифатида кўрсатса бўлади.

Шу жиҳатдан Н.Каримовнинг “Ўзбек адабиётшунослигининг янги боскичи” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2011,3), Н.Раҳимжоновнинг “Адабиётшуносликнинг янги боскичи” (“Шарқ Юлдузи”, 2011,5) каби мақолалари характерлидир.

Олимлар ўз кузатишларида истиқлол даврида ўзбек адабиётшунослиги эришаётган ютуклар, вужудга келган янгича тамойиллар ва илмий йўналишлар ҳақида фикр юритишиади.

Жумладан, Наим Каримов ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги шўро даврида вужудга келиб шаклланган бўлса-да, ҳоким мафкура тазики остида турли хил “огиш”ларга йўл қўйилганини таъкидлар экан, истиқлол йилларига келибина адабиёт илмида чинакам янгиланиш жараёни бошланганига эътиборни қаратади. Мунакқид фикрича, истиқлол даврига келиб адабиётшунослик марксча-ленинчча таълимотдан бутунлай воз кечиб, муаммо ечимиға миллий рух ва гоя билан сугорилган концепция асосида ёндоша бошлади. Бу ҳол минг йиллик тарихга эга бўлган маданий меросимизни яхлит бир бутун ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида баҳолашдан тортиб то топталган қадриятларни тиклаш, “халқ душмани” дея қораланиб кelingан адабий сиймолар меросини халққа қайтариш ва аксинча, шўро даври адабиётшунослигига сунъий равишда улуғланган, бошқаларга қарама-карши қўйилган (Ҳ.Ҳ.Ниёзий каби) ижодкорлар ижодини қайта холис баҳолаб, ўзининг объектив баҳосини олишгача бўлган жараёндаги ўзгаришларга эътиборни қаратади.

Н.Каримов истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигининг барча йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлардаги янгича тамойил ва ёндашувларни қатор тадқиқотлар мисолида асослашга ҳаракат қиласди.

Чунончи, янги ўзбек адабиётини ўрганишда аввалгидек, факат шўро даври билан чекланмасдан, бу ҳодиса жадид адабиёти билан бевосита боғлиқ

эканлиги илмий асосланганлигига эътиборни қаратади. Дарҳакикат, олим таъкидлаганидек, истиқлол йилларида жадид адабиётига муносабат тубдан ўзгариб, қодирийшунослик, фитратшунослик ва чўлпоншуносликнинг тамоман янги йўналиши вужудга келди.

Олим ўзбек фольклоршунослиги ҳакида фикр юритганда, Тўра Мирзаев раҳбарлигига Маматқул Жўраев, Жаббор Эшонқулов, Шомирза Турдимов каби истеъдодли фольклоршунос олимлар етишиб чиқсанлиги ва уларнинг “Алпомиш” ва “Гўруғли” туркум достонлари ҳакидаги тадқиқотлари ўзбек фольклоршунослигини янги босқичга олиб чиқсанлиги эътироф этилади. Шунингдек, мақолада мустақиллик йилларида адабиёт назариясига оид тадқиқотлар самарали кечаятганлиги таъкидланади.

Профессор Н.Рахимжонов “Адабиётшуносликнинг янги босқичи” мақоласида адабиётшунослигимиздаги янгиланиш жараёнларини энг аввало дунёқараш билан боғлаб талқин қиласди. Олим фикрига кўра “Ижтимоий-сиёсий, фалсафий тизимларнинг ўзгариши аввало дунёқарашларнинг ўрин алмашинувидир”. Шу нуқтада назардан бадий асарга муносабат ҳам тубдан янгиланди. Олим ана шу янгиланиш жараёнларини ўн пунктдан иборат тамойиллар асосида кўрсатади ва ўз кузатишларида муайян хуносалар чиқаради.

Бунда, энг аввало, адабиётшуносликнинг бадий асарни гоявий-тематик жиҳатдан баҳолашига чек кўйилиши ва уни гўзаллик ҳодисаси сифатида тадқиқ ва талқин этишга эътибор кучаятгани янгиланиш тамойили сифатида кўрсатилади. Шунингдек, олим эътирофича, адабиёт илмининг турли фан соҳалари – фалсафа, фольклор, тарих, фалакиёт, тасвирий ва амалий санъат, дин, кино, театр ва ҳоказолар билан алокаларнинг кенгайиши эстетик категориялар уфқининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Олим эътибор қаратган яна бир тамойиллардан бири, бу – “узбек адабиётининг етук бадиият намуналарини жаҳон контекстида таҳлил қилишда кўзга ташланмоқда”.

Шунингдек, мақолада истиқлол йилларига келиб шўро даврида “халқ душмани” дея қораланиб келинган жадид адабиёти намояндаларига,

жумладан, Кодирий, Чулпон, Фитрат каби ижодкорлар ижодини ўрганишга эътибор қаратилганлиги ва мазкур соҳа бўйича кўплаб адабиётшунос олимлар етишиб чиққани адабиёт илмининг ютуқларидан бири сифатида таъкидланади.

Мақолада адабиётшуносликнинг адабий жараёндаги ижодий изланишларни изчил кузатиб, унинг етакчи тамойилларини тўғри белгиләётгани, турли адабий оқим ва йўналишларга ижобий ҳодиса сифатида ёндашаётганига алоҳида эътибор қаратилади. Адабиётшуносликдаги ушбу ижодий янгиланишлар мазкур фаннинг ютуклари сифатида хуласаланади.

Айни пайтда олим адабиётшунослик олдида турган долзарб муаммолар, ечимини кутаётган масалаларга ҳам муносабат билдиради. Бунда асосий эътибор қуидагиларга қаратилади:

Биринчидан, XX аср бошларидан бугунги кунгача бўлган адабиётшунослик ва танқидчилик асарларининг мукаммал библиографиясини яратиш;

Иккинчидан, таржимашуносликдаги сифат янгиланишини, аслиятдан таржима қилиш жараёни қарор топганлигини ҳисобга олиб, таржимашуносликнинг мустақил фан сифатидаги концепцияларини яратиш;

Учинчидан, адабиётшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси кенгайиши натижасида кўплаб янги терминлар адабиёт илмидан муҳим ўрин ола бошлади. Бу эса бугунги кунда адабиётшуносликнинг қомусий лугатини яратиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Шубҳасиз, олимларимизнинг бугунги ўзбек адабиётшунослиги етакчи тамойиллари ҳақидаги кузатишлари адабиёт илмининг манзараларини, ютуқ ва камчиликларини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Айни пайтда адабиётшуносликнинг галдаги вазифаларини белгилашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги адабий жараённи кузатганда адабиётнинг назарий муаммоларига бағишлиган мақолаларда ҳам гоят долзарб масалалар ўртага ташланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларда замонавий адабиётшуносликнинг

янгича илмий-назарий мезонлари қандай бўлиш керак, кўп асрлик Шарқ мумтоз адабиёти илми ва Farb адабиётига хос таҳлил усууларини қай тарзда ўйғунлаштириш мумкин, адабиётшунослик ва танқидчиликнинг методологик асосларини қандай яратиш лозим, каби ғоят долзарб муаммоларга доир илмий хулосалар, ибратли ёндашувлар илгари сурилаётир. Бу масалалар счимини жаҳон адабиётшунослиги контекстида ҳал этилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Улугбек Ҳамдамовнинг “Давр талаби ва янги мезонлар” мақоласида бугунги ўзбек адабиётшунослиги тараккиёт тамойилларининг ривожи Шарқ ва Farb илмий-фалсафий қарашларининг синтезлашуви асосида амалга ошиши таъкидланса, профессор Муҳаммаджон Холбековнинг “Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар” мақоласида жаҳон адабиёти атамаси сўнгги даврларда барча миллий ва минтақавий адабиётларни бир-бирига боғлайдиган тушунчага айланиб, умуминсоний адабиётнинг вужудга келишига асос бўлаётгани, иқтисодиётдаги каби адабиётда ҳам глоболлашув жараёни бошланганини таъкидлайди.

Нўймон Раҳимжонов эса “Аҳлок ва идеал-бош мезон” мақоласида назарий умумлашмалар амалий тажрибалар асосига қурилиши, шу боис ҳам бугунга кунда ижодкорлик салоҳиятига эга бўлмаган тасодифий шахслар ҳам ёзувчилик даъвоси билан чиқишиларига карши курашиб зарурлиги ҳакида куюнчаклик билан ёзади.

Профессор Абдугафур Расуловнинг “Концепция зарурати”, Сувон Мелининг “Янги танқид” (Farb адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида) номли мақолаларида ҳам янги назарий асосларнинг кашф этилишидаги мураккабликлар, “янги танқид”нинг жаҳон адабиётшунослигидаги ўрни кўрсатилган.

БАДИЙ МАХОРАТ ҚИРРАЛАРИ

БАДИЙ ЮКСАК ВА ФАЛСАФИЙ ТЕРАН ИЖОД СОҲИБИ

XX аср ўзбек адабиёти тарихига кўплаб ёрқин истеъдодларни этишириб берган давр сифатида муҳрланди. А. Қодирий, Чўлпон. Фитрат, Ойбек, А.Қаҳхор, F.Гулом, X.Олимжон, О.Ёкубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов каби нодир истеъдод соҳиблари бу давр ўзбек адабиётининг шаклшамойили ва мазмун-мундарижасини белгиловчи юксак намуналарни яратишиди. Улар орасида Аскад Мухторнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Аскад Мухтор шеърларида башорат қилинганидек, узок умр кўриб баракали ижод қилди. Унинг таржимаи ҳолига назар ташласак, сиртдан каралганда ўзига замондош бўлган ижод ахлидан кўпам фарқ қиласермайди.

У 1920 йилда Фарғонада оддий ишчи оиласида таваллуд топди. Отадан эрта етим колиб, болалар уйида тарбияланди. Мактабда ўқиб юрган кезларида ёқ бадиий ижодга кизиқиб, шеър машқ қила бошлади. Кейин олий ўқув юртида таҳсил олди. Матбуотда, Ёзувчilar уюшмасида ишлаб бадиий ижодни ташкилотчилик, раҳбарлик фаолияти билан кўшиб олиб борди.

Аскад Мухтор яратган шеър ва достонлар, қисса ва романлар, драмалар, рус ва жаҳон адабиётидан қилинган таржималар XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнади. Унинг адабиётимиз ривожига қўшган хиссаси муносиб тақдирланиб “Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси” фахрий унвони берилди.

Бундай саноқ ва маълумотлар зохирان Аскад Мухторга замондош бўлган кўплаб ёзувчи ва шоирлар таржимаи ҳолига у ёки бу даражада монанддир. Шу боис Аскад Мухторнинг шахс ва ижодкор сифатида бошқалардан фарқ қилувчи ўзига хослиги ҳакида фикр юритиш муҳимдир.

«Аскад Мухтор замондошлари хотирасида»(2003) китобида битилган қалб сўзлари, иқрорнома-ю хотиralар билан танишар эканмиз, адаб шахсиятининг таржимаи ҳолда ҳаммавақт ҳам акс этавермайдиган мазмун-моҳиятини англагандек бўламиз. Дарҳақиқат, хотиralарда эътироф этилганидек, Аскад

Мухтор катта истеъдод эгаси, адабиёт илмини битта олим даражасида англай биладиган етук зиёли, даврдаги турли-туман эврилишлар моҳиятини теран таҳлил этадиган ва уни асарлари қатига фалсафий йўсинда тезкор сингдириб юборадиган ўткир акл-идрок сохиби, айни чоғда ёш қаламкашларни доимо кўллаб-куvvatлайдиган ғамхўр устоз, камтарин инсон.

Аскад Мухтор бадииятигининг ўзига хосликларидан бири унинг назмда ҳам, наср ва драматургияда ҳам бирдек ёза оладиган универсал ижодкор эканлигидадир. Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиёти тарихида барча тур ва жанрларда бирдек қалам тебратган ижодкорлар анча-мунча топилади. Бирок Аскад Мухторнинг улардан фарқ килиб турадиган бир катор жихатлари борки, булар адаб ижодий маҳорати ва услубий ўзига хослигини белгилашда мухим аҳамиятга эгадир.

Аскад Мухтор ижоди ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган. У адабиёт оламига шоир сифатида кириб келган. Шоирнинг ilk шеъри 1935 йилда чоп этилган. Дастлабки шеърий тўплами “Бизнинг авлод” номи билан 1939 йилда нашр қилинган. Кейинчалик эса турли даврларда чоп этилган “99 миниатюра”(1962), “Шъерлар”(1966), “Қуёш беланчаги”(1971), “Сизга айтар сўзим”(1978), “Асарлар”(1983, тўрт жилдлик), “Сирли пидо”(1984) каби тўпламларида жамланган шеърлари унинг шоир сифатидаги ўзлигини намоён этиш билан бирга йигирманчи аср ўзбек шеъриятининг тадрижий такомилини кўрсатувчи манба сифатида ҳам характерлидир.

Шоирнинг ўттизинчи йилларда яратилган “Тилак”, “Тонг эди”, “Қасам”, “Шеър ва хаёт” каби дастлабки шеърлари ғоявий мотивига кўра давр руҳи билан уйғун бўлса-да, бироқ айримлари кечинмаларнинг ҳаётийлиги, табиийлиги билан ажralиб турди. Жумладан, «Тонг эди» шеърида ilk севги севинчлари ўзига хос тарзда тараннум этилади. Ўттизингчи йилларда яратилган ушбу шеър шу даврдаги севги мавзусида битилган ва ижтимоий мазмун етакчилик қиласидиган кўплаб асарлардан фарқли равишда асосан ошиқ-маъшуқларнинг қалб тӯғёнлари, меҳр-муҳаббатини тасвирлаши билан характерлидир. Шеърда асосий ургу “Севги ўзи жуда кекса нарса, Янгилайди

уни ҳар навкирон дил”, деган ғоявий мотивни ифодалашга қаратиласди. Асқад Мухтор шу тариқа ижодининг ҳаётбахш қудратига, бадиий-фалсафий мазмуннинг теранлигига катта эътибор қаратди. Унинг “Шеър ва ҳаёт” шеърида бу яққол кўринади. Шеърда шоир кечаси билан табиат гўзаликларидан завқ олиб ижод киласди. Аммо эрталаб туриб яратилиган шеър билан ҳаёт гўзаликларини қиёслар экан, яна бошқа бир ҳакиқатни ҳам кашф киласди.

Шеър жуда гўзал,
мисралар ширин,
Музанинг жамоли бегубор экан.

Аммо,
бош кўтариб боксам,
яна ҳаёт

Шеъримдан минг қатла ҳусндор экан.(Мухтор Асқад. Асарлар. Тўрт жидлик. Тўртинчи жилд. Т. 1983. 10 бет. Кейинги мисоллар шу манбадан олинниб, саҳифаси қавс ичидагурушиллади)

Кўриниб турибдики, шоир ижоднинг етакчи хусусиятини, бадиийликнинг асос ва мезонларини тўғри идрок этмоқда ва фалсафий хулосаламоқда.

А.Мухтор ижодий тадрижини кузатсан, унинг маҳорати йилдан йилга теранлашиб, поэтик мукаммаллик касб эта борганининг гувоҳи бўламиз. Шоир қайси бир мавзууда қалам тебратмасин, нимани тасвиirlамасин, уни кўнгил билан, инсон калби, дарду қувончлари билан алоқадорликда тасвиirlашга интилади. Айни шу жиҳати билан ижодининг ҳаётбахшлигини таъминлайди.

Шоир табиатнинг ўзига хос гўзаликларидан ҳам қўнгилга алоқадор нуқталарни топа олади. Ҳовлидаги бодомнинг гуллаши(“Бодом гуллаяпти”), теракнинг шовуллаши (“Терак”) бир қараганда инсон руҳиятига алоқадор бўлмаган табиатнинг бир парчаси, ўзига хос манзараси.Лекин шоир ушбу

манзарадан инсон қалбига йўл очади. Гуллаган бодом ўз хусни таровати билан ўтганни ҳам, кайтганни ҳам бир тўхташга, завқ олишга мажбур этади.

Тўхтаймизу дилда кезабошлар

Ёзги шабададай тинимсиз куйлар.(127-бет)

Дилда кезабошлаган тинимсиз куйлар инсоннинг доимий гўзаллик шайдоси эканини тасдиқловчи, айни чоғда бадииятнинг асосий талаби бўлган қалб манзарапарини кашф этишнинг ўзига хос намунаси сифатида ҳам характерлидир.

Одатда теракларнинг шовуллашидаги сокинлик инсон қалбига нотинч, қандайдир ҳазин туйгулар олиб киради. Ҳаёт ҳакида, умрнинг ўткинчилиги-ю яшаш мазмуни ҳакида адоксиз ўйларга толдиради. Айниқса куз фаслида ушбу манзара қалб драматизмини кучайтиради. Шоир “Терак” шеърида азамат теракнинг бир текис, сокин шовуллашидан ҳам инсон умри, кечмишига оид поэтик маъно топади. Шеърда айни руҳий ҳолат теран ҳис қилинади ва бадиий юксак тасвири яратилади.

Терак шовуллайди ҳовли этагида,

Болалиқдан таниш, азамат терак.

Баъзан шалоладай қаттиқ шовуллайди,

Баъзан шивирлайди бамисли юрак.

Куз келгач қараб ўйга толаман,

Еллар учиради олтин баргларин,

Еллар эсган сайин, йиллар ўтган сайин,

Қалбимда мисқоллаб ортар дардларим. (129 бет)

Таникли адабиётшунос олим У.Норматов билан сұхбатларидан бирида адид ижодкорнинг ўзига хос маҳоратини “ҳаётни ёзувчи кўзи билан кўриб, уни бадиий-фалсафий таҳлил қила билиш қобилиятида”, (А.Мухтор, Ёш дўстларимга. Т. 1980.74 бет) деб кўрсатган эди. Дарҳакиқат, гарчи бу ўринда насрый асарлар назарда тутилган бўлса-да, ёзувчи эътибор берадиган ходиса ижодкор услугубий ўзига хослигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Шу боис А.Мухторнинг услугубий ўзига хослиги ва бадиий маҳорати ҳам энг

аввало поэтик нигоҳ ва бадиий-фалсафий талқин даражаси билан белгиланади. Шоирнинг бадиий юксак шеърларида фалсафий мазмун етакчилик қилишининг боиси ҳам шунда.

Шу сабаб шоир шеърларини ўқиганимизда юрт осмонида кезаётган буулутларнинг оғир ўй-хаёллар, телбаланиб оқаётган дарёнинг эса ўтаётган умр тимсолида, совуқ куз шамоли инсоннинг нозик ҳисларини кишиланловчи кишиан сифатида идрок этилишини англағандек бўламиз. Шоирнинг “Мен сени ўйлайман” деб бошланувчи шеърида ўйлар ўзига хос тарзда поэтик образ даражасига кўтарилади. Бу ўринда шоир тафаккур уфки ниҳоятда кенг, тасаввури учқур. Шеърда ўйларнинг чексиз ва тенгсиз суврати маъшуқанинг тиник кўзларига қиёсан жило олса, узунлиги шунчаликки, ошиқ улардан арқон ўриб, чирмашиб чиқиб, ёри севган юлдузини олиб берс... Ва маъшука ул юлдузни кўксига такиб порлатиб юрса... Шеърдаги бу поэтик манзара, образ ва тимсоллар севги-муҳаббатнинг муболагадор мотиви ва шоир поэтик идрокининг фоят кенглигидан далолат бермоқда.

Адабиётшунос олим Нўймон Раҳимжоновнинг “Аскад Мухтор поэтикаси”(2003) номли рисоласида шоир шеъриятида инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фалсафий-бадиий идроки Тун образи орқали намоён бўлиши фоят нозик таҳдиилар орқали кўрсатилади. Шоир шеърларида ушбу тимсол бадиий сўз орқали туннинг туйгулар, ранг ва рамзларига айланиб, фалсафий, бадиий-эстетик концепцияни ифодалаши поэтик маҳорат нуктаи назаридан тадқиқ этилади. Олим Аскад Мухторнинг бир туркум шеърларини фалсафий лирика намуналари сифатида талқин этади.

“Аскад Мухторнинг ҳаёт ва ўлим, ҳаётнинг абадийлиги мавзуидаги шеърлари бир туркум остига бирлаштирилмаган бўлса-да, улар бир шеър оламидаги фикрнинг мантиқий тадрижий такомили сифатида бири иккинчисини тўлдиради ва яхлит бир силслани ташкил этади. Шоир фалсафий лирикасининг ўзига хослигини таъминлаган ана шу теран фикр-мушоҳадакорлик. Дунё ва воқелик хоссаларини чукур идрок этиш фикр ва хиссийтнинг бирлашувида уйғунлик касб этади”. (Ўша манба, 41-бет).

Дарҳакиқат, Аскад Мухторнинг туркум шеърларида ҳаёт ва ўлим, инсон умрининг турили йўсинлардаги бадиий-фалсафий тимсоллари яратилган. Шоир назнида умр-инсон эртаги. Бу эртак бирда буюк, бирда оддий қунлар бўлиб ўтиб боряпти. Мана шу ўтиб бораётган умрнинг мазмунли ёки мазмунсизлиги, тўқ ёки пучлиги мангуликка дахлдор ҳодисадир. Шоир “Инсон эртаги” шеърида ушбу фалсафий мазмунни қўйидагича поэтиклаштиради.

Пучми-тўкми-ҳар ким баҳоласин,
Чунки бу аслида инсон эртаги.
Учаётган планетада одам боласи
Ё ундан ё бундан ўтиб кетади. (184-бет).

«Умр» номли бошқа бир шеърида умрнинг узун-қисқа йўл тимсолидаги образи яратилади. Аслида бу ҳолат лирик қаҳрамоннинг умр деган тушунчага фалсафий муносабати. Инсон ўзини даврга, унинг фожиали нуқталарига, дардларига алоқадор сезса, айбордлик хисини туйса, дунё кўзига тор кўриниб, умр йўли жуда узун кўринади ва, аксинча, баҳтиёрлик, ўз фаолиятидан мамнунлик хис этганда эса умр жуда қиска, вақт эса тез ўтаётгандек туюлади. Шоир шеърда инсон табиатига хос ушбу бекарорликни бадиий-фалсафий йўсинада ишонарли акс эттиради.

Аскад Мухтор шеърларида инсон қалбининг оний ҳолатлари, дардли-кувончили, армонли-армонсиз умр лахзалари ўзига хос тарзда поэтиклаштирилади. Эрта баҳор фасли. Шоир маҳзун ҳолатда bog кезиб юрибди. Калбida кечайтган дилгирликнинг сабаби маълум эмас.

Нега мунча ғамғин...
Нега дилни эзар
Эрта баҳор кузнинг ҳавоси
Мен нега юрибман
Богни айланниб.

Уйда, ахир, ишим оз эмас

Столда ётибди чала сатрлар...(XX аср ўзбек шеърияти антологияси. Т.2007.76 бет. Кейинги мисоллар ушбу манбадан олиниб, сахифаси кавс ичидаги кўрсатилади).

Шоир қалвидаги ушбу тушуниксиз руҳий дилгирлиқдан ёшлик тимсоли бўлган йигит-қизнинг боғдаги учрашуви кутқаради. Икки севишганинг учрашувига тасадиғий гувоҳ бўлган шоир қалби кувончга тўлади, гўё ёшлик дамларига қайтиб, хаёт кўзига гўзал кўринади, руҳан тетиклашади.

Шоир шеърларида умр манзаралари икки хил- баҳор ва куз тимсолида намоён бўлади. Баҳор ёшлик тимсоли бўлса, куз кексалик тимсолидир. Анъанавий характердаги ушбу тимсолларни шоир шеърида контраст ҳолда кўллаш орқали руҳий холатнинг бошқалар идроқ этмаган реалистик тасвирини яратади.

Куни кечада шу сўрида ётганимда

Ой шуъласи тушмас эди юзларимга.

Япроқларнинг титрок. яшил шарпалари

Ором олиб келар эди кўзларимга.

Бугун бўлса танга-танга нур тушибти,

Мижжам ҳоргин, уйқу бермас ёруғ юлдуз.

Бирданига юрагим шув этиб кетди.

Куз келаяпти, куз...(Ўша манба,77-бет)

Бирдан юракнинг шув этиши-олий ҳақиқатни нагоҳон қалбнинг туб-тубидан чукур ҳис этишдан ҳосил бўлган аччик изтироб. Бу ўринда лирик қаҳрамон ўзининг ожизлигини яшириб ўтирамайди, соҳта кўтаринкилил билан хаспўшламайди. Балки, қалбидаги кечган оний руҳий холатни қандай бўлса, шундайлигича намоён қиласи-кўяди. Бу-умр кузини, уфқ поёнини теран англашдан ҳосил бўлган инсон қалби ларзаларининг ўзига хос фалсафаси.

Шоир шеърларини ўқиганимизда, ижодий тажрини кузатганимизда бу фалсафанинг йилма-йил, босқичма-босқич, даврма- давр табора теранлашиб, тугал бир фалсафий холосага айланганинг гувоҳи бўламиз.

Асқад Мухторнинг урушдан кейин яратган “Пұлат құювчи”, “Хамшағарларим”, “Катта йұлда”, “Раҳмат, меҳрибонларим”, “Чин юрақдан” каби шеър ва достонларининг асосий мавзуси шуро адабиётiga хос тарзда меҳнатни тараннум этишга бағищланған. Умуман, Асқад Мухтор эпик асарларининг асосий пафоси инсон меҳнатини, унинг яратувчилек фидойилигини улуғлашда намоён бўлади. Бу ҳол айникса унинг насрый асарларида яққол кўзга ташланади.

Асқад Мухторнинг 50-60 йилларда нашр этилган “Пұлат шахри”, “Истикбол”, “Хаётга чакириқ” каби очерк ва хикоялар тўпламлари, “Дарёлар туташган жойда”, “Коракалпок қиссаси”, “Опа-сингиллар”, “Тугилиш”, “Давр менинг тақдиримда” каби қисса ва романлари чоп этилди. Адібнинг “Опа-сингиллар”, “Қорақалпок қиссаси” асарлари инқилобий мавзуда яратилган бўлиб, социалистик реализм маҳсули сифатида эътироф этилган. “Тугилиш” романнода 60-йилларда яратилган асарларга хос бўлган рух- шахсга сигиниш иллатларига карши қураш мотиви устиворлик қиласди. Асарда фидойи ёшлар образининг яратилиши характерлидир. Бу хусусият кейинчалик Асқад Мухтор ижодининг асосий леймотивига айланди. Шу жиҳатдан романдағи Лукмонча, Садбар, Сангин, Жуман каби образлар характерлидир. Бу типдаги қаҳрамонлар ўзларидаги яратувчилек, фидокорлик хусусиятлари билан манманлик ботқоғига ботган Раҳмонқулов каби раҳбарларга қарама-қарши қўйилади. Асарнинг “Тугилиш” деб номланишида маълум рамзийлик борлиги адабиётшуносликда аллақачон эътироф этилган ва турлича талқинлари мавжуд. У янгича дунёқараш ва руҳиятни ўзида мужассамлаштирган инсонларнинг тугилиши сифатида ҳам, асар марказига инсон омилини қўйиб тасвирловчи янги типдаги адабиётнинг тугилаётганига ишора сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Ёзувчи “Давр менинг тақдиримда” номли романини 1963 йилда эълон қиласди. Асар воқеалари у ёки бу тарзда Ақмаджон қисмати билан боғлиқ тарзда ривожлантирилади. Асар уч фаслдан иборат бўлиб, катта бир даврни-урушдан олдинги, уруш ва урушдан кейинги даврларни камраб олади. Асарнинг асосий пафосини давр ва шахс муносабати, инсон, унинг

қисмати, баҳти, эътиқоди, яшашдан мақсади каби ижтимоий-маънавий муаммолар ташкил этади. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари уруш ва тинчлик муаммолари билан боғлиқ ҳолда тасвиrlenади. Асар ўзига хос романтик услубда ёзилиши билан ажралиб туради. Мазкур асарда кўтарилиган асосий муаммолар 1973 йилда чоп этилган “Чинор” романида янада мукаммалроқ намоён бўлди. “Чинор” ўзига хос композицияга эга асардир. Унинг қолипловчи сюжетини Очил бува ва унинг хориждан келган невараси Азимжоннинг юртимиз бўйлаб килган саёҳати ташкил этади. “Чинор” романининг ҳар бир қисмida шу қисса мазмунига мос ривоят ва хикоятларнинг берилиши асарнинг ўзига хослигини татьминлашга хизмат килган. Асарнинг “Чинор” деб номланиши ҳам ҳалқимизнинг асрий бакувват тарихи борлигига; Очил бува тимсолида эса имон-эътиқоди бутун ўзбек ҳалқига ишорадир. Асарда турли ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммолар кўтарилади. Бироқ улар ичидаги энг мухими экологик муаммо, жумладан Орол денгизи муммосидир.

Ёзувчи асарда биринчилардан бўлиб Орол денгизи сувининг камайиб кетаётганлиги муммосини кўтариб чиққан эди. Умуман асарда экологик муаммо асасий масалалардан биридир. Бироқ таъкидлаш зарурки, асарнинг муваффақиятини муаммоларнинг долзарблиги ташкил қилмайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, мазкур муаммоларнинг барчаси жонли, ҳаётӣ, фидойи инсонлар тақдиди, уларнинг орзу умидлари, интилишлари, курашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвиrlenади. Асардаги Очил бува, Ориф, Олим дарға, Комила каби қаҳрамонлар шу жиҳати билан характерлидир. Ёзувчининг “Бўронларда бордек ҳаловат” қиссасидаги Заргаров ҳам шу типдаги қаҳрамонлардандир. Адабнинг “Бухоронинг жин кўчалари” қиссаси инқилобий мавзуда ёзилган бўлиб, Файзулла Хўжаев ҳаётни ҳақида хикоя килади. “Жар ёқасидаги чакмоқ”, “Аму” каби асарлари ҳам инқилобий мавзуни ифода этиб, давр маҳсули сифатида характерлидир.

Хулоса килиб айтганда, Аскад Мухторнинг шеър ва достонлари, қисса ва романлари, драма ва таржималари, кузатишларга бой публицистикаси,

умуман олганда бой адабий мероси ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифасини ташкил этади, ижодкор яратган ўнлаб фидойи қаҳрамонлар китобхонлар учун маърифий-эстетик тарбия ролини ўтамокда.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Чўлпон XX аср янги типдаги ўзбек реалистик адабиётининг вужудга келиши ва шаклланишига ўзининг муносиб хиссасини кўшган буюк шоирлардан биридир. У Қодирий, Фитратлар катори бу адабиётнинг гўзаллик тимсоли ва юксак бадиийлик намунасига айланиши учун самарали ижод қилди.

Шубҳасиз, Чўлпон ижодий камолотининг бир йўналиши унинг шеърияти билан белгиланади. Уни “Булоклар”, “Уйғониш”, “Тонг сирлари”, “Соз” каби шеърий тўпламлари, шунингдек, “Ўзбек ёш шоирлари” каби тўплам ва вактли матбуот сахифаларида чоп этилган шеърлари шоир сифатида элга танитди.

Чўлпон шеърияти мавзу кўлами ва жанр хусусиятларига кўра хилма-хил бўлса-да, бирок уларнинг барчасига хос бўлган мушгарак жиҳати озодлик, мустамлака зулмiga қарши исён ва шахс эрки гояларининг етакчилик қилиши билан белгиланади. Шунга кўра шоир шеъриятининг ўқ томирини ўзликни англаш, миллат тақдирни ва юксак ватанпарварлик мотивлари ташкил этади.

Шу маънода, Чўлпон шеърияти чинакамига реалистик шеъриятдир. У асарларида мумтоз шеърият анъаналарини давом эттирган ҳолда поэтик жиҳатдан, ҳам вазн хусусиятларига кўра янги типдаги шеъриятни яратса олди. Бу шеърият фожеавий шеърият хисобланади. Шу жиҳатдан шоирнинг “Бузилган ўлкага”, “Амалнинг ўлими”, “Кўнгил”, “Кишан”, “Тун”, “Хаёл”, “Табиатга”, “Ўзбегим” каби қатор шеърлари характерлидир.

Дарҳақиқат, чўлпоншунослар ҳақли равища таъкидлашгандаридек, Чўлпон шеърларининг асосий мотивини эрк, озодлик, мустамлака зулмiga

карши кураш ташкил этади. Шу боис унинг шеърларида давр ва шахс фожеаси етакчи мавкеда акс этади. Чўлпоннинг лирик қаҳрамони фожеавий шахс. Унинг руҳий кечинмаларини кузатар эканмиз ниҳоятда зиддиятли, муросасиз, курашчан, исёнкор, батъзан эса умидсизлик гирдобига гарқ бўлган нотавон, турли хил васвасаларга берилган ҳолатларда намоён бўлишини кўрамиз. Шу тариқа кўз ўнгимизда зиддиятли, фожеавий характер кирралари гавдаланади. Шоирнинг ватанпарварлик мотивлари ифодаланган шеърларида давр фожеаси ҳам реалистик талкинга эга. Шу жиҳатдан шоирнинг “Бузилган ўлкага” шеъри ниҳоятда характерлидир. Шеър реалистик мазмунга эгадир. У хаётий воқеалар фонида тасвириланади. Шеърда шоир Ватан тимсолига мурожаат қиласа экан, унинг ўтмишдаги улуғворлигидан, буюклигидан сўзлайди. Ватаннинг ўзига хос улуғвор поэтик суратини чизади, ўтмиш манзарасини яратади. Шеърда шундай буюк давлат нега бугунги кунда хароб ахволга тушиб қолди, деган хитоб пафос даражасига кўтарилиб, шоир дардига айланади. Шоирда лирик қаҳрамоннинг вужуд-вужудидан эрк ва озодликка интилиш уфуриб туради. Унда босқинчиларга нисбатан нафрат, қаҳр-ғазаб ниҳоятда кучли. Шеър поэтик жиҳатдан мукаммал даражада яратилган. Унда Ватан лирик қаҳрамон руҳиятини очувчи асосий поэтик образ сифатида намоён бўлади. Шоир шеърда кўплаб бадиий унсурлардан маҳорат билан фойдаланади. Шунга кўра шеърдаги тасвирини шартли равишида икки қисмга ажратиш мумкин. Шоир шеърнинг биринчи қисмida бир вақтлар улуғвор, буюк бўлган зўр ўлка бугунги кунга келиб нега бундай хароб ахволга тушиб қолди? деган ҳақли савол берар экан, бунинг асосий сабабчиси “хеч ҳаққи йўқ хўжа”лар эканлигини поэтик тарзда ифодалайди.

Сенинг каттиқ сир-багрингда кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингни кезганлар
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир кўл каби қизғанмасдан янчарлар?
Нега сенинг эркин кўнглинг эрк бермайди кулларга?

Кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон бутун вужуди билан босқинчиларга қарши нафрат туйгусини ифодаламоқда. Шунинг учун ҳам Ватан-ўлкага мурожаат қилас экан, унинг вужудида исёнкор ўт-олов йўқлигидан надомат чекади. Душманга қарши курашчан булишини истайди. Шеър шундай афсус-надомат туйғулари билан тугайди.

Эй, ҳар турли қулликларни сифдирмаган хур ўлка,

Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?

Шоир шеърларида лирик қаҳрамон рухиятини очища кўплаб поэтик образ ва тимсолларга мурожаат қиласди. Кўнгил, киshan, тун, юлдуз, ой, куёш; турли фасллар—баҳор, ёз, куз, қиши, ёмғир, булут, қор, тонг, кундуз, тун, хаёл ва бошқа кўплаб нарса-ҳодисалар образлар сифатида характер очувчи воситага айланган. Булардан ташқари шарқ, гарб тушунчалари ҳам поэтик образ сифатида келади. Булар кўпроқ рамзий образлар сифатида намоён бўлади. Шарқ-эзилган мазлум халқ тимсоли бўлса, Фарб-ёвуз босқинчи куч тимсолида келади. Шоирнинг “Амалнинг ўлими” шеъри ҳам эрк, озодлик мотиви билан сугорилган бўлиб “Бузилган ўлка” шеърининг мантикий давомидир.

Кўнглиқда йиғлаган малаклар кимлар?

Шаркнинг оналари, жувонларими?

Каршимда йиғлаган бу жувонлар кимлар?

Куллар ўлкасининг инсонларими?

Лирик қаҳрамон шу тариқа қуллик асоратидан азоб чекаётган, инграб йиғлаётган миллатнинг фожеасини тасвирлайди. Улардан ўзига хос хуласа чиқариб, ўлка тутқунлигининг асосий сабабини излайди. Бу шеърда ўлка тушунчаси шарқ тушунчаси билан уйғунлашиб кетади. Лирик қаҳрамон дард-алам билан худди “Бузилган ўлка”дагидек саволни кескин қўяди:

Кенглик ҳаёллари учдими кўкка,

Бутун умидларни ёвларми кўмди?

Мангу тутқунликка кирдими ўлка,

Хаёlda порлаган шамларми сўнди?

Лирик қаҳрамон рухиятида кучли изтироб бор. Бу изтиробнинг асосий сабаби амалнинг, орзу-умидларнинг барбод бўлишидан хавотирлик туйгусидир. “Мангу тутқунликка кирдими ўлка?” – лирик қаҳрамон калбини безовта килаётган дард – аламларга, изтиробларга солаётган энг катта савол ана шудир. Чунки унинг калби, кўнгли эркка интилади. Лирик қаҳрамон рухиятидаги эрк, озодликка интилиш туйгулари бошқа шеърларида ҳам яккол кўзга ташланади. Шоирнинг “Кўнгил”, “Киshan”, “Бас энди”, “Қўзғалиш” каби шеърларида курашчанлик, исёнкорлик мотивлари етакчилик қиласди. “Кўнгил” шеърида кўнгил поэтик образи оркали лирик қаҳрамон эркни бўгувчи хар қандай кишанларга қарши шафқатсиз курашиш ишқи билан ёнади. Лирик қаҳрамон кўнгилга мурожаат қилас экан, унинг кишанлар билан дўстлашишидан дили озорланади. Кўнгил образининг мукаммал суратини чизади, унинг хар қандай кишанларни киймаслигини, ҳақоратларга бўйин эгмаслигини, хур туғилган экан, агадул-абад хур бўлиб қолишини орзу киласди.

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?
Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?
Тириксан, ўлмагансан.,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Киshan кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам хур туғулғонсен! (55-бет)

Шоирнинг поэтик маҳорати шундаки, шеърда “кўнгил-абстракт” тушунча билан “кишан - конкрет” тушунчани бир-бирига уйгунлаштиради.

Маълумки, кишан инсоннинг жисмоний эркинлигини, ҳатти-харакатларини чекловчи предмет. Кўнгил эса эркин туйғулар, кечинмалар, хиссиятлар майдони. Уни реал предмет—кишан билан кишанлаш амалда мумкин эмас, лекин инсоннинг рухиятини, кечинмаларини, туйғуларини чеклайдиган шундай муҳитлар, шарт-шароитлар борки, у ҳар қандай кишанлардан ҳам даҳшатлироқдир. Шўро муҳити ва мағқураси ана шундай даҳшатли “кишан”лардан бири эди. Шоирнинг “Кишан” шеърида ҳам лирик қаҳрамон рухияти исёнкорлик мотивлари билан тўлиб-тошган. Шоир бу шеърида ҳам ҳар қандай кулликларни сиддирмаслигини, бўйин эгмаслигини, зўр пофос билан куйлади. Бу шеърда оптимистик рух етакчилик қиласи.

Шеърда кишан поэтик образининг ўзига хос бўлган мудхиш сурати тарих билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Кишан, гавдамдаги излар буқун ҳам битгани йўқдир!
Темир бармоқларингнинг доди буткул кетгани йўқдир!
На мудхиш, на совуқ – манхус, на қизганмас кучогинг бор!
Башар тарихининг ҳар сахфасида қонли додинг бор.

(ўша манба 60-бет)

Кишан, лирик қаҳрамоннинг, жумладан лирик қаҳрамон мансуб бўлган миллатнинг гавдасини, вужудини асрлар давомида ўзининг совуқ исканжасида сақлаб келган, унинг гавдасидаги излари ҳали битгани йўқ. Лекин бугунги кунга келиб, унинг совуқ занжирлари занглаган. У энди лирик қаҳрамон – миллатни бутунлай маҳкум этишга, йўқ қилишга қодир эмас. Шу боис шеър яқунида лирик қаҳрамон барадла ундан қутулишга ишончи ортиклигини изҳор этади.

Кишан, гавдадаги додинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,
Фақат буткул кутулмоққа умидим энди ортиқдир!

Шоир “Қўзғолиш” шеърида исёнкор ва курашчанлик мотивларини авж пардага кўтаради. Лирик қаҳрамоннинг кечинмаларида босқинчиликка нисбатан қаҳр-ғазаб устувордир.

Юкорида таҳлил қилинган шеърларда лирик қаҳрамон рухиятида, қалбида босқинчиларга нисбатан ниҳоятда кучли қаҳр-ғазаб, исёнкорлик туйгулари устуворлигини кўрдик. Лирик қаҳрамон ўзининг бу ҳолатини яширишни мутлақо истамайди, ошкора намоён қиласди. Бошқа шеърида эса бошқача руҳий ҳолатларни кўришимиз мумкин. Чунончи, “Кет” номли шеърида лирик қаҳрамон қалбида душманга нисбатан қаҳр-ғазаб билан бирга озодликка эришишга шубҳа-гумон, изтироблар ҳам пайдо бўлади. Бунда қаҳрамон ўзининг рухиятида кечайтган иккиланишлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар билан курашади.

Кет кўзимни алдагувчи хоки нур,

Кет, оловли чизигимдан нари юр.

Кет, заҳарли қизғалдоқни иргитма,

Кўнглимдаги сўнг умидим йўқ этма. (46-бет)

Кўриниб турибдики, лирик “мен”кўнглига ишончсизлик туйгуларини сочувчи, васвасалар хосил қилувчи хаёллардан қутилишини истайди. Кўнгил тубидаги умидларнинг шубха остида колишини хоҳламайди, шу боис жонжажади бу каби хаёлларга қарши курашади. Шеърда “кет” сўзи кетма-кет такрорланиб, шеърнинг поэтик мазмунини, оҳангдорлигини кучайтирувчи санъатга айланган. Шоирнинг “Хаёл” шеърида шоир қалби ёлғиз хаёл билан овнувчи кечинма сифатида намоён бўлади.

Хаёл, хаёл.., ёлғиз хаёл гўзалдир,

Ҳакиқатнинг кўзларидан қўрқаман,

Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,

Оловимни алар учун ёқаман.

Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,

Маним истак тилагимни эркалат! (42-бет)

“Ҳакиқатнинг кўзларидан қўрқаман”-лирик қаҳрамон рухиятидаги энг сўнгсиз изтироб мана шудир. Чунки ҳакиқат ўша пайтда ёвуз кучларнинг, босқинчи кучларнинг зўравонлигини тасдиқлаётган бир давр эди. Шўро сиёсати бутун соҳаларда ҳукмронликни қўлига олаётган, миллат

фидойиларини таъкиб ва тазийкқа дучор қиласынан бир пайт эди. Лирик қаҳрамон шундай пайтда реал ҳаётдан күз юмиб фақат ҳаёл огушида булишни истайди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шоир туйғулари шу ҳолатда қолиб кетмайди. Унинг шеърларида курашчанлик, келажакка ишонч, исёнкорлик етакчи мотивга айланади. Бу Чўлпон шеъриятининг энг ҳаётбахш, чинакам ватанпарварлик хусусиятидир.

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ БАДИЙ ОЛАМИ

Муҳаммад Юсуф шеърияти сўнгги давр ўзбек шеъриятининг ажралмас бир қисмидир. Шунга кўра ўзбек шеъриятига хос бўлган асосий хусусиятлар, етакчи белгилар унинг ижодига ҳам хосдир.

Мальумки 70-йиллардан бошлаб ўзбек шеъриятида ижодий изланишлар кучайди. Анъанавий бармоқ вазнида ёзилган шеърлар қаторига сарбаст, эркин вазнда яратилган, шунингдек модерн услубига хос бўлган янгича ифода усуллари ҳам кириб кела бошлади. Бироқ, энг кўп китобхон бари-бир анъанавий усулда ёзилган шеъриятимизнинг муҳлиси бўлиб қолаверди. Бу ерда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, Муҳаммад Юсуф шеърияти ичидан нурланиб турган жозиба энг аввало унинг самимилиги, тўгри сўзлиги ва бироз жайдаринамо тўпорилигидадир.

Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқигандага самимият, икрорнома яққол кўзга ташланади. Бу ҳол унинг барча мавзуда ёзилган шеърларига хос хусусиятдир. Муҳаммад Юсуф шеъриятининг мавзулари бошқа замондош ижодкорлар шеъриятидан деярли фарқ қилмайди. Ватан ва ватанпарварлик, эл-юрт, миллат тақдиди ва фожиаси, севги-муҳаббат, соғинч тўла дил изҳорионага, сингилга, тугилган гўшага бўлган соғинч ва меҳр, ўлим, фироқ ва абадият туйғулари-булар барчаси Муҳаммад Юсуф шеъриятининг асосий мавзуларидандир. Муҳими шундаки, шоир мазкур мавзуларда шеър битганда бошқаларнига ўхшамайдиган, фақат ўзига хос йўлларни топа олган. Булар

юкорида таъкидлангандек, ифода усулининг соддалиги ва самимийлиги, сўзларнинг жимжимадор китобий безаклардан холилиги ва энг муҳими, табиий дил иқрорномасига айлана олганлигидир.

Шоирнинг ватан ва миллат мавзусида ёзган шеърларида ҳам шу хусусият бўриб туради. Шу жиҳатдан шоирнинг “Ўзбекистон”, “Халқ бўл элим”, “Бободеҳқоним”, “Йишиоллох”, “Ўзбек момо” ва бошқа шеърлари характерлидир. Бу шеърларда гүё шоир бошқа ижодкорларнинг Ўзбекистон ҳақидаги шеърларидаги поэтик мазмунни мантиқан давом эттиргандек, уларда ифодаланмаган қирраларини очиб беришга жазм қилгандек таассурот қолдиради.

О, ота маконим, онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.
Бир гўша кир бўлса, бир гўша кирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар,
Кайга борсам суюб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.⁹³

Ушбу мисраларда битилган поэтик мазмун атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” номли шеърида ифода этилган мазмуннинг мантикий давомидек туйилади. “Халқ бўл элим” номли шеърида ҳам шу хусусият устувордир. Мазкур шеър Чўлпоннинг “Халқ” ва Абдулла Ориповнинг “Оломонга” шеърида ифода этилган мазмуннинг бир бўлагидир. Агар Чўлпон “Халқ” шеърида халқ тушунчасининг кудратини, кучини намойиш этган бўлса, Абдулла Орипов шеърида тоталитар тузум туфайли халқлигини йўқотганларга қарата:

⁹³ Мухаммад Юсуф, Сайланма, Т.: “Шарқ” 2004. 267-бет. (Бошқа мисоллар шу манбадан олинниб саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади).

Каршингда хасратли ўйга толаман,
Качон халқ бўласан эй, сен-оломон?!

для ўзининг надоматли саволини кўйган эди.

Ўзининг Машрабларини, Қодирийларни, Чўлпонларни асраб қололмаган, ўз номидан хукмлар ўқитиб, тарихлар тўқитган оломон хақикий фожиавий қаҳрамонидир.

Мустақилликка эришган ўзбек халқи ўз тарихини қайтадан яратмоқда, ўзлнгини англаб, Сохибқирон Темурни, Қодирийу Чўлпонни, Фитрату Усмон Носирларни қайтадан кашф этмоқда. Бир сўз билан айтганда оломондан халққа айланмоқда.

Мухаммад Юсуфнинг “Халқ бўл элим” номли шеъри худди шу истакнинг, орзунинг бадиий ифодасидир. Аввал халқ бўлиб, (Чўлпон), кейин шўро давр ида оломонга айланган (А.Орипов) эннинг яна халқ бўлиб кудрат касб этиш туйгуси Мухаммад Юсуф шеърининг асосий пафосидир.

Қадим юрга қайтсан қадим наволарим,
Кумлар босиб қуримасин дарёларим,
Алпомишига алла айтган момоларим,
Рухини шод этай десанг - халқ бўл элим! (9-бет)

Шоирни нг Ватан, Миллат мавзусида ёзилган туркум шеърларида шу учта нуқта – моз ийдаги буюклиқ, шўро давридаги фожиавийлик ва бугунги кунимизда бу юкликка қайтиш туйгуси, истаги бир нуқтада жамланиб яхлит манзара касб этади ва ўзига хос поэтик мазмунга, шоир дил изхори, иқрорномасига айланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустакиллик арафаси ва мустакиллик да ирида деярли барча шоирлар ватан, миллат тақдири, унинг фожиалари хақи, ҳа шеър битдилар, халқнинг буюклигини кўйладилар. Лекин Мухаммад Юсуф шеърларида бу мавзу ўзига хос оҳанг ва мазмунларда жилваланади. Шоир халқнинг довруги билан дардини битта нуқтада жамлай олиш салоҳияти ни намоён кила олади.

Дунёга бок, қадди сендең ким бор яна,
Довруги ҳам дарди сендең ким бор яна
Халқ бүлишга хадди сендең ким бор яна,
Мозийни ёд этай дессанг - халқ бўл, элим. (10-бет)

Шоирнинг ватан мавзусидаги шеърларида кечаги кун билан бугунни уйғулаштирувчи, бир-бирига боғловчи тасвир усуллари етакчилик қиласиди. Шоир ватаннинг кечаги кун фожиаларини тасвирлар экан, моҳияттан бугунни улуғлайди. Энг муҳими, ватан туйгуси миллат, инсон деган муқаддас гушунчалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвир этилади.

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиглатган достонларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб огрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор. (63-бет)

Юрт кўксисида тўла бўлган бу армон, тошларни йиглатган бу достонлар кейинги мисраларда “айбин билмай кетган Акмал Икромлар, Файзуло лар”, “Жайрондек термулган Чўлпонлар”, “Олисларда Қолган Усмонлар” фаду ёдига айланади. Шоир уларни шунчаки, мисрама-мисра тизмайди, балки ҳар бирининг поэтик сиймосини яратса олади. Юртнинг армонли дастонини алоҳида-алоҳида образларга айлантирилиб поэтиклаштирилади.

Шоирнинг армони, фигони қанчалик кучли бўлса, хоину-ғанимларга қаҳр-ғазаби ҳам шу даражада кучли.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар-
Мехробингдан чикқан чаёнларинг бор. (63-64- бетлар)

Шоир “...қорин, курсок йўлида элин, юртин, борин-йўги н сотганлар” (Фитрат)никучли нафрат ва қаҳр-ғазаб билан образли тарзда “мехробингдан чикқан чаёнлар” деб атайди. Зоро, бу “чаён”лар ниҳоятда яшовчан ва улар ҳар бир замонда, ўтмишда бўлганидек, бугунги кунда ҳам мавжуд ва шу каби

нафриғта сазовор бўлаверади. Шу нуктаи назардан ҳам шоирнииг қаҳр-газаби ва нағрати ниҳоятда замонавийдир.

Мұхаммад Юсуфнинг мазкур мавзудаги туркум шеърларида ватан миллат тушунчаси билан уйғунлашиб, ўзига хос поэтик образлар, характерлар шаклид а намоён бўлади. Жумладан, бободехқон, ўзбек-момо, ота, она, сингил каби ти мсоллар ватаннинг бир кисми сифатида тасвиранади.

Таъкидлаш зарурки, шоир ҳалқимизнинг шўро даврида шаклланган ўзига хос тим солларни яратар экан, аввал мавжуд бўлган, образларнинг янги-янги кирраларини кашф қилишга ҳаракат қиласди.

Дехқон, момо, она, сингил образлари XX аср ўзбек шеъриятига 30-йилларда меҳнат мавзуси билан боғлик ҳолда кириб келган бўлсада, А.Орипов шеъриятида янгиланиб, копрок жафокаш, мушфик, ялангтүш, изиллагам ёмғирда ҳам “пахтам қолди”, дея далага кетган образ сифатида намоён бўлган эди.

Мұхам мад Юсуф яратган бободехқон ҳам рухан А.Орипов Каҳрамонига жуда яқин. Щунга кўра шоирнинг бободехқони шўро даврида яратилган дехқон образининг янги, очилмаган қирраларини мужассамлаштирган образ деб баҳолаш ғумкин.

Шоир дехқонни улуглаб, “бободехқон” дея таърифлайди, уни ўзига хос тарзда поэтиклаштиради. Айникса, шўро давридаги оғир меҳнатнинг тасвири ўзига хос фожеълик касб этади.

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди.
Яктагининг енгларидан
Тер югуриб тинмайди.
Кўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ ўнмайди.
Тин билмаган жоним менинг
Бободехқоним менинг. (204-бет)

Шоирнинг поэтик маҳорати шундаки, ернинг айланиш харакатини “югуриб тинмас” даражасига кўтариб поэтиклиширади ва унга дехқоннинг “яктағининг енгидан тер югуриб тинмас” лигини боғлайди. Шу тариқа она замин билан дехқонни бир-бирига боғлаб образлаштиради. Шеърда бу боғликлек “кўл тегмасдан битта гиёҳ унмаслик” тушунча-натижаси билан мустаҳкамланади. Шу тариқа шеърда она замин ва уни ўз меҳнати билан гуллаб яшнатувчи дехқон образи яратилади.

Кейинги мисраларда шоир ўзбек дехқоннинг меҳнат машакқатларини жафокашлиги ва хокисорлигини нихоятда образли тарзда кучайтириб тасвирлайди.

Шеърда бободехқоннинг эртадан кечгача тинмаслиги “офтоб чикар, офтоб ботар” каби ихчам манзараларда ифодаланса, хокисорлиги минбар тўла гапга чечан потиқларини сайдратиб, “ўзи безабон...”лиги билан соддалиги эса “Ўзбегимнинг пешволари ўзбегимни алдаган”ликлари тасвирлари орқали намоён бўлади.

Шеърда ўзбек дехқони портрети куйидагича хаққоний, фожиавий чизгиларда жо бўлади.

Иш дегани фақат сенга
Чикқанми ё, Эй мўмин,
Кора меҳнат йўргагингдан
Юққанми ё, эй мўмин?
Онанг сени пахтазорда
Туққанми ё, эй мўмин

Шеърда дехқоннинг мўмин деб аталиши ва бу сўзнинг риторик сўроқ шаклида такрор-такрор келиши ҳам тасвирдаги драматизмни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мухаммад Юсуф шеърларида согинч туйгуси кўпроқ ота-она, сингилга, туғилиб ўсган гўшага бағишлиланган шерларида бўртиб кўзга ташланади. Шу жиҳатдан шоирнинг “Онамга”, “Онамга ҳат”, “Ота”, “Онаизор”, “Согиниш”, “Синглимга мактуб” каби шеърлари характерлидир.

Бу типдаги шеърларда лирик қаҳрамон шаҳарнинг тала-тӯп шовқинларидан безиб, тинч осуда қишлоғига қайтишни, онасининг кўксига бир зум бош кўйиб ором олишни, юрагини оғриқли, тошдай эзётган дардларини айтишни истайди.

Онажон,
Оқажон,
Юрагим оғрир.

Билмадим нимга қийнайди мани
Мен дәхқон бола си эдим-ку ахир,
Гүё кимдир уни тиъ билан тилар... (69-бет)

.. Қишлоқса кетаман,
Тонг отсан бўлди.
Куёш уйғотиб кўй мени эрталаб...
Юрагим,
Юрагим оғримай кўйди,
Эй, калбни бир ўпид бўлмас эркалаб? (70-бет)

Юқорида келтирилган парчалардан ҳам кўриниб турибдики, шоир шеърлари тўлалигича икрономага айланган. Ортиқча жимжимадорлик, сўзларни зўрлаб бадиийлаштиришга уриниш, соҳта туйғулар яратиш ҳолатлари учрамайди. Шеърда шоир қалби, унинг оғриқ юраги, факат онаганина айтиш мумкин бўлган дардлари бутун борлигича табиий ҳолда шундоқ сатрларга кўчган. Бу ҳам шоирнинг буюк поэтик маҳоратидан нишона.

Муҳаммад Юсуф севги-муҳаббат мавзусида ҳам кўплаб шеърлар битган. Шоирнинг бу мавзуда ёзган шеърларининг аксарияти қўшиқ бўлиб куйланмоқда. Шеърларнинг тузилиши, киёфәси, оҳанглари мусиқабоп.

Бирок, шоирнинг бу типдаги шеърлари енгил-елпи, маза-матрасиз, мазмунсиз куйланадиган қўшиклардан фарқ килиши лозим. Муҳаммад Юсуф

яратган қўшиқлар мавзунинг муайян киррасини очиб берувчи, тагдор, рамзий маъноларни ифодаловчи тугал асарлардир.

Шу жиҳатдан “Қизил олма”, “Туркман қиз” каби қўшиқлари айниқса, характеридир. “Қизил олма” рамзий маънода севги-муҳабbat тимсоли. Лекин у муҳабbat боғидан баҳрманд бўлишни орзу қилган лирик қаҳрамонга бегона. Чунки унга “күрт тушган”. Шу тариқа қўшиқда севги-муҳабbat, садоқату хиёнат тушунчалари образли тарзда куйланади. “Туркман қиз” қўшиғи бошдан оёқ том маънодаги миллийликни ўзида мужассамлаштирган қўшиқдир. Қўшиқда асосий ургу “уйланаман”га эмас, балки “узун қўйлак”ка тушаётирки, бу шоир концепциясини тўла ифодалашга хизмат қилади. “Узун қўйлак туркман қиз” фош қилувчи хусусиятга эга. Шоир “узун қўйлак туркман қиз” портретини яратар экан, қўшикнинг ботиний мазмунда антитетза хосил қилади. Туркман қиз таърифини ўқиётган китобхон беихтиёр ӯзбек қизларини кўз олдига келтиради ва қиёслай бошлайди. Ва баъзи бир миллийликдан узоклашганларга муносабат ҳосил бўлади.

Шеърнинг таъсир кучи ҳам, ҳалқ орасида машхур бўлиб кетишининг боиси ҳам ана шунда.

Мухаммад Юсуфнинг бир туркум шеърлари ўлим, фирок, абадият ҳакида битилгандир. Маълумки, мазкур мавзу адабиётнинг, айниқса, шеъриятнинг мавзуларидан биридир. Бу мавзуда яратилган асарларда ўлим ва тириклик, йўқлик ва мангалик ёнма-ён келади ва фалсафий мазмун касб этади.

Ўзбек адабиётида ҳам мазкур мавзуда кўплаб асарлар яратилган. Усмон Носир, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ш.Раҳмон каби кўплаб қаламкашлар ижодида бу мавзунинг бадиий-фалсафий талқини мукаммал ёритилгандир.

Муҳаммад Юсуфнинг мазкур мавзудаги шеърларида ҳам ўзига хосликни кўрамиз. Уларда фалсафийлик мавжуд, лекин етакчи мавқеда эмас. Шоирнинг бу типдаги шеърларида ҳам қалб икрори тепиб турган лирик қаҳрамонниң махзун, ростгўй киёфасини кўрамиз. Шоир шеърлари башоратгўйлик хусусиятига эга. Уларда тушкунлик аломатлари йўқ, шафқатсиз реализм бор, холос.

Шоир ўлимнинг суратини, образини ўзига хос тарзда поэтиклиштиради. Уни кўплаб тимсоллар билан бойитади. Бу тимсолларнинг баъзилари ани ъанавий бўлса, баъзилари мутлако оригиналдир, шоирнинг топилмасидир.

Тузалмайди дардим менинг,

Ўлсам керак.

Тупрок билан ога-ини

Бўлсам керак.

Ўлим нима? Бу ҳам битта!

Сайр, О на

Ўглинг каро ерга кетди,

Хайр, Она.. (26-бет)

Тугроқ билан ога-ини бўлиш, ўлимни сайр деб аташ, мурожаат килинастган она тимсоли–булар шоирнинг ўзига хо с бадиий топилмаларидир. Ҳаддан ташқари ростгўйлик, иқронома, соддалик қаъридаги фалсафийлик–булар шеърни шеър қилиб турган асосий усту члардир. Уларда руҳий тушкунлик: йўқ, хақиқатни тасвирлаш устивордир. Шоирнинг лирик қаҳрамони ўлим ҳак эканligини, ундан қочиб кутилиб бўлмаслигини билади, шу боис ундан қўркмайди, балки унинг кўзига тик қараиди.

Мен ҳаётда ўлимга тик

Боқиб ўсдим...

Қани менга аталған жой,

Кетдик дўстим! (27-бет)

Юқорида тазқидланганидек, шоир ўлимнинг поэтик суратини чизар экан, уни кўплаб тимсоюлар билан бойитади, безайди. Она, “Минг йил яшайдиган қарға” безовта кези юрган рух, капалак қабр устида унган лолазор, йиглашни ҳам билмас даражадаги ёш қизлар ва бошқа қўплаб тимсоллар шулар жумласидандир. Шоир мазкур тимсоллар ичida Она тимсолига алоҳида эътиборини қаратади. Мазкур мавзуда битилган деярли ҳар бир шеърида онага мурожаат яккъал сезилиб туради.

Шоир “Онаизор” шеърида онанинг поэтик тимсолини я ратар экан, ўзига хос усулни танлайди. Бу – бевакт хазон бўлиш, ўлим манзаралариридир. Шоир Абадий фирокнинг турли-туман поэтик ҳолатларини тасвир ёар экан, уни она билан боғлайди. Ўзбек адабиётида онанинг фарзандга меҳри ҳакида, фарзанд учун жонфидолиги ҳакида кўплаб асарлар битилган. Бироқ бевакт фарзанддан жудо бўлган Она тимсоли кам яратилган. Шеърда факат она образигина эмас, балки бевакт ўлимни башорат қилаётган фарзанд обрәзи ҳам мавжуд. Муҳаммад Юсуфнинг мазкур шеърлари у ҳаётлигига боиқача мазмун касб этган бўлса, унинг бевакт ўлимидан сўнг янада бошқачароқ, фожиавий, шафқатсиз башорат сифатида янграй бошлади.

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Колар бўлсан бир кун ахир тилдан ҳам, -
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам-
Онам йиглар, онам йиглар , онам у..
Сигмай қолсан шундай бир кенг жаҳо нда,
Осмонларга рухим бўлса равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона --
Онам йиглар, онам йиглар, онам у.. (199-бет)

Шоир фарзанд догоидаги куяётган онанинг қалъб фарёдларини тасвиirlар экан халқ оҳангларига хос бўлган марсия даражасига кўтаради:

Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
Кўриб қўнглим тўлмасмиди ўғлим деб,
Онанг ўлса бўлмасмиди ўғлим деб,
Онам йиглар,онам йиглар, онам у.. (199-бет)

Шоирнинг безовта, сезигир қалби ҳамиша ажалнинг шафқатсиз шарпасини хис килиб туради, унинг кутилмаган пайтда чанг солиши мумкинлигини билиб яшайди, бундан кўркмайди, лекин унинг учун йиглар бўлган қизларнинг ҳали ёш эканлигидан афсусланади. “Хавотир” номли шеърида ана шундай хавотирили туйгу мужассам.

Күркәман эртага мен ўлиб кетсам,
Ётар бұлсам қумга ботиб күзларим,
Күнглимин күчкідай босади бир ғам-
Йиғлашни ҳам билмас менинг қызларим.. (31-бет)

Шоир “Қизғалдақ”, “Лолақизғалдақ” каби шеърларида лолақизғалдақ тимсолини яратади. Уларнинг қабри узра хирпираб туришини истайди.

“Лолақизғалдақ” шеъри Шавкат Раҳмон хотирасига бағишенгандан бўлиб, унда хаста шоир дил изҳорлағи ўзига хос бадиий бўёкларда ифода этилади.

Инсон нажотсиз қолган пайтларда ўзи учун энг азиз бўлган нарсага талпинади.

Мазкур шеърда хаста шоир учун лолақизғалдақ юпанч манбаидир. Лирик қаҳрамон хасталикка, ўлимга фалсафий ёндашади, уни табиий хол деб билади, бирок кўкси тўла дард армон. Чунки хали қизалоклари ёш, тўйларини кўролмайди, тўшакка михланганилиги боис табиатнинг фусункор гўзалликларидан баҳраман д бўлолмайди, иссик ўлкаларга қайтаётган кушлар билан хайрлаша олмайди. Бу каби руҳий истироблар шеърда бадиий жиҳатдан ниҳоятда содда, ростгўйлик билан ифода этилади. Лирик қаҳрамон (шоир) хавотирлари шеърда бўямай-бежалмай сохталаштирилмай тасвиirlанади.

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандик китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар орти мдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлаиман
Ўзимдан кўпроқ –
Лола, лолажоним, Лолақизғалдақ! (263-бет)

Бу ўринда лолақизгалдоқ, севикли ёр, шоир ж уфти-халоли тимсолида келмоқда. Шоир уни эркалаб лолақизгалдоқ дей атайди. Ўзига насиб килмаган қизларининг тўйида унинг бош бўлишини орзу килади.

Ҳали тўйлар қилиб
Чарчайсан, эркам,
Менинг қизларим
Энг баҳтли бўлади! (264-бет)

Шоир шеърларида капалак ҳам ўзига хос рамзий образ сифатида намоён бўлади. Капалаклар шоир севган энг беозор. безарап ажойиботдир. Шоир наздида капалак инсоннинг руҳи. Улар доимис, инсон ёнида ҳамқадам.

Шоир капалакларни тасвирлар экан, ҳам рамзий, ҳам реалистик сувратини бирдек поэтиклиширади, бир-бирига сингдириб юборади.

Туғилгандан мен шўрликнинг бағрим кон,
Бир жисмимда талашади икки жон
Жон ташласам, тепада чарх урган ул,
Капалаклар одамлардан меҳрибон... (43-бет)

Шоир капалаклар сувратини тасвирлар экан, имон-эътиқод, виждону хиёнат каби инсоний туйғуларга муносабат ҳосил қиласди. Капалаклар тасвири орқали инсонга хос муаммоларга тўхталади. Бу қарашларни шоир капалакларнинг “бировга тош отмас”лиги, “бир-бирини отмас”лиги тасвирлар орқали поэтиклиширади. Шоир капалак образини ўлим билан боғлади. Шеърнинг яқунловчи тўртлиги гўё васиятдек янграйди.

Муҳаммадга ишонган эй, мўминлар,
Ўлсам сўзим эслаб, ўйга чўминглар.
Капалакнинг қанотига кўминглар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон. (43-бет)

Юқорида таъкидланганидек, мазкур мавзудаги туркум шеърлар шоир ҳаётлигига бошқача мазмун касб этган бўлса, унинг бевақт вафотидан сўнг бир бошқача мазмунни ифодалай бошлади.

Мұхаммад Юсуф шеъриятининг адабиётта дахлдор бўйган тўлақонли, филсафий, кишини бу фоний дунё ҳақида ўйга тўлдирадиган мазмуни кенг кўламда намоён бўла бошлайди.

Зеро, шоир таъкидлаганидек, туғилиш бор экан, ўлим Барҳақ. Лекин шеърият абадий.

Сочгум гулдай дунёга меҳрим,
Токи юрак уриб туради.
Сен абадий яшайсан шеърим,
Карга фақаг мингга киради. (27-бет)

СЕРМАВЖ ТУЙГУЛАР

Истебодили шоир Абдусаид Кўчимовнинг навбатдаги шеърий тўплами «Кўзларимнинг қарогидасан» деб номланади. «Янги аср авлоди» нацириётида чоп этлган бу шеърий тўпламда шоирнинг сўнгги пайтларада яралтилган шеърлари жамланган.

Мазкур тўпламдаги шеърлар мавзу кўламига кўра бир неча туркумдан та шкил топган бўлиб, уларда ватанпарварлик туйгулари, ҳаётий ва инсоний муносабатлар талқини, ота ўгити-ю, севги-муҳаббат түғёнлари, тўртлик ва оддий ҳаётий ҳақиқатлар, дунё таассуротлари ўзининг поэтик ифодасини тогогландир.

Тўпламда бу туркумларни бирлаштириб турадиган бир муштарак жиҳат борки, у ҳам бўлса лирик қаҳрамоннинг жўшкин, муросасиз, огоҳликка даъват этувчи сермавж туйгулар түғенидир. Шоир қайси мавзуда қалам тेbratmasin, лирик «мен» туйгулари реал воқелик билан, ҳаётнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний қатламлари билан узвий муносабатда намаён бўлади. Бу туйгулар ҳар қандай мавхумлиқдан, ғализ ва сохта жимжимадорлиқдан холи. Гуё шоир ҳар бир ҳаётий воқеликдан олган руҳий ҳолатини, қалб түғёнларини шундок қофозга тўккандек таассурот қолади. Энг муҳими бу

туйгулар, рухий олам қирралари китобхонга ҳам тез юкади, уларда муайян муносабатлар ҳосил қиласи.

Бир қарашда түпламдаги ватан мавзусида ёзилган шеърларда ижтимоий муносабат етакчилик килаётгандек таассурот қолдиради. Лекин ҳар қандай ижтимоий мавзу асарда ижодкорнинг қалб кўридан ўтиб, хис-туйгуларига эш бўла олсагина у маънавий-рухий ҳодисага айланади. Зеро инсон руҳиятини, маънавиятини покловчи ҳар қандай ватанпарварлик мотивлари нафакат ижтимоий, айни пайтда руҳоний ҳодисадир.

Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, у ватан ҳақида бўладими ёки демократия ҳакидами, машъум терроризм оқибатлари ҳакидами, бундан қатъи назар изчиллик билан ватанпарварлик туйгуларини иғода этади. Шу жихатдан айникса шоирнинг «Демократия», «Армон», «Ёлланған мухбирга», «Абдулхамид Чўлпон фарёди», «Ўзбекистон қайда бор» каби туркум шеърлари характеридир.

Бу шеърлар Андижон воқеалари муносабати билан ёзилган бўлиб, унда шоирнинг фуқаролик позисияси аник-тиник ифодаланган. Мазкур шеърларнинг барчаси учун муштарак бир хусусият бор. Бу миллатга, шу Она заминга бўлган оташин мухаббат, ғанимларга нисбатан адоксиз нафрат туйгуларидир.

Шоир «Демократия» шеърида ҳажвий бўёқлардан моҳирлик билан фойдаланиб «Демократия керак», - деб аюҳаннос солаётган лар фаолиятининг асл моҳиятини моҳирлик билан қаламга олади:

Иккита тил, иккита юз, юзта дил даркор,
Тўзгитмасин пардай десанг замон куюни.
Жаҳон айвонида кизир, бамисли бозор
Демократибозлик ўйини...

Шоирнинг маҳорати шундаки, демократия ҳақида киноявий оҳангларда бошлаган баҳс-мунозарадан миллийлик либосига бурсанган, минг йиллик қадриятларга бориб тақаладиган урф-одатларимиз замирига эга бўлган ҳақиқий демократияни характерли тасвиirlар орқали иғода этади. Шоир ўзи

бўлан баҳслашаётган «Мехмон»ни наҳорги ошга олиб боради. Наҳорги ошни еёи, у ердаги хўштавозе муомаланинг гувоҳи бўлган меҳмоннинг акли шошиб:

Ҳавасданми, ёхуд ҳасаддан
Қизик экан, жуда деб кўйди.
Солиштириб бўлмайди ростдан,
Сизлар билан бизларнинг тўйни.
Йиллар ўтиб ака-уқани,
Учратсаю, кўришса дийдор.
Дастурхонда ярим чақани
Бир-бирига ўтказмас зинхор.

Мана шу икки ҳолат манзараси, яъни ҳалқимизнинг меҳмондўстлик қадриялари билан узоқ вактдан кейин дийдор кўришган хорижлик «демократчи» ака-укаларнинг бир-бирига ярим чақани ҳам раво кўрмасликлари ҳақидаги контраст тасвир оқали минг йиллар давомида шаклланган ҳакикий миллий демократик тамойиллар ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қиласди. Зоро, шоир айтганидек:

Илдизимиз минг-минг йиллар нарисида,
Айтиб адo қилиб бўлмас таърифимиз.
Қандай юриш, қандай яшаш барчасига,
Тирик гувоҳ - миллион йиллик тарихимиз.

Шоирнинг «Ёлланган мухбирга» шеъри моддий манфаатдорлик асосида хорижлик «демократ»ларга хизмат қилувчи айрим мухбирларнинг фаолиятига муносабат тарзида ёзилган. Шоир шу типдаги «мухбир»лар билан хаёлан мунозараға киришар экан, Ватан туйгусини, миллатпарварлик мотивларини юксак кўтаринкилик билан ифодалайди.

Мақтасак мақтаймиз ўз еримизни,
Ўзимизнинг даштни, ўр-киримизни.
Бу ватан гуллари билан бизники,
Қакраган чўллари билан бизники.

Ўзбекнинг бемору соғи бизники,
Юзидағи сепкилу дөғи бизники.
Уяти, номуси ори биз билан,
Телбаси, тентаги- бори биз билан.
Ўзимиз экамиз чорбоғимизни,
Ямаймиз йиртиғу ямогимизни...

Шоир Ватан улугворлиги хусусида сўз очар экан, ғақат «урга-ур», «кўттар-кўттар»лар билан мадҳиябозлик қилмайди, балки унинг оғрикли нұкталари, «бемору соғи», «йиртиқ-ямоги» билан бирдек таърифу тасніф этади. Ватан тушунчаси шу жиҳатлари билан ҳам муқаммал маъно- мазмун касб этишини ўзига хос тарзда поэтиклишағыради.

Шоирнинг фарзанди террорчиларга кўшилиб ке глан она тилидан ёзилган «Армон» шеърида ҳам хорижликлар ко чоқ деб атаётган андижонликларга қарата айтилган «Абдулхамид Чўлпон фарёди» каби шеърларида ҳам миллатпарварлик ва ватанпарварлик мотивлари етакчилик қиласи. «Армон» шеърида онанинг ватанфуруш нокобил фарзанд килмишидан чекаётган ҳасрати, оҳ-зорлари Ватан деган нидо билан уйгунлашиб кетади.

Ватан ... у қандай макон?
Ватан – муқаддас кўрғон!
Ватан деб, зор титраган Бобурдай үлуг султон,
Ватан дея, Чўлпонлар, Қодирийла р берган жон.

Шоирнинг ватанфурушларга нафрати че ксиз. Уларни олчоклиги туфайли «беватан шайтон» деб атайди.

Ватанни ким сотади?
Факат беватан шайтон.
Ватанни сотган эрни тупрок урар, урғай нон!
Ватанга тош отдинг-а, сен оқпадар, н отавон!
Қилмишингдан падаркуш Абдуллатиф ҳам ҳайрон,

Бехудага юртбояшым: - Огоҳ бўлгин, эй инсон! –
дэя мудроқ дилларга солмас экан галаён.

Шоир наздида миллат ва Ватан туйғуси ниҳоятда кучли. Ҳатто уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун хам миллат ва ватан тақдири унинг қалбиди, юрагининг туబ тубида ададсиз оғриклар пайдо киласди. Шу жихатдан «Абдулхамид Чўлпон фарёди» шеъри ниҳоятда характерлидир. Шоир Чўлпон тилидан Андижон воқеаларига муносабат билдираш экан, юрт фарзандларига «Сиз қочманг» дэя мурожаат этади.

Булутсиз, тумансиз осмон қайда бор?
Фами йўқ, ками йўқ инсон қайда бор?
Ватандан муқаддас макон қайда бор?
Қайда бор Марҳамат, Мингбулоқларим.

Сиз қочманг, қочсалар қонхўрлаш қочсин,
Элфуруш, юртфуруш нонкўрлар қочсин.
Каргишга учраган хунхўрлар қочсин,
Сиз кучинг, кучоқланг юрт тупрокларин.
Кайтинг, гуркираган боғларга қайтин,
Жамбиллар исига ўланлар айтинг.
Ҳали кеч бўлади, хозир айни пайти,
Адашган, алданган кўнгли додгларим.

Шоирнинг «Ўзбекистон қайда бор» шеърини ватанга бағишлиланган қасида дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳакида шеърлар, қасидалар кўп битилган. Уларда юртимиз жамоли кўп ва хўл тараннум этилган. А.Кўчимовнинг маҳорати шундаки, ушбу шеърда Ўзбекистоннинг бетакор тимсолини ўзига хос тарзда бадиий кашф этади. Шоир шеърда талмех санъатидан фойдаланиб бутун бир тарихни, авлоду аждодларимиз, алломаю жаҳон гирларнинг ўзига хос поэтик сиймоларини яратади. Улар воситасида бугунги Ўзбекистоннинг улуғворлигини, буюклигини куйлади. Шоирнинг ватанга, миллатга меҳри қафча чексиз бўлса, ғанимларга нафрати хам шунча кучли.

Кўкни булут тўсса, суриб қўйгаймиз,
Карвонга ит ҳурса, кулиб қўйгаймиз.
Ватанга тош отсанг - караб турмаймиз,
Ватанин ҳеч кимга бериб қўймаймиз!
Бериб қўймаганмиз, бериб қўймаймиз,
Акобир, бекорон кўргон қайдা бор,
Ўзбекистон қайдা, қайдা, қайдা бор!

Шоирнинг ана шундай беором қалб тугёнларини тўпламдаги бошقا туркумдаги шеърларда ҳам аниқ хис қиласиз.

Ҳаёт яралибдики, эзгулик, ёвузлик деган тушунғалар бор. Улар орасида азалий ва абадий қарама-қаршилик, зиддият, кураш кечади. Бу тушунчалар, бу курашлар инсон номи билан мужассам топади. Шоир зоти борки, чарху фалакнинг ушбу кўхна қўшигини куйлади, уни янги оҳанглар бўлан бойитади.

Абдусаид Кўчимов ҳам бир туркум шеърларини ушбу мавзуда яратган. Шоир инсоният, эзгулигу ёвузлик ҳакида фалсафиј мушоҳадалар, қатта-кичик хикматлар битмайди, балки реал вокелиқда, кундалик ҳаётда ҳар кадамда дуч келадиган, баъзан муносабат билдириб, баъзан бепарви ўтиб кетадиган жараёнлар ҳакида ёзади. Эзгуликтан таъқари ёвузликнинг кора бўёкларини ўзида мужассамлаштирганларнинг турфа ҳил образларни яратади. «Кас»лар номи остига бирлашган бу образ: яр ўзида баҳиллик, ҳасад риёкорлик, фирибгарлик, хушомадгўйлик, сотқинлик, номардлик, хиёнат, разолат, алдов, очкўзлик каби кўплаб иллатларни намоён килувчи лардир. Лирик қаҳрамон кундалик ҳаётда ҳар кадамда бўндайларга дуч келар экан, уларнинг бу кадар олчоклигидан ҳайратга тушиди, ўзида уларга тисбатан кучли нафрат ҳиссини туяди, ундейлардан огоҳликка чақиради. Шу экихатдан айниқса «Дунё», «Дўсти нодонга» «Шунчалар кўзларинг очмиди, одам», «Нега куюсан», «Хушомадхўрга», «Соя» каби шеърлари характерлидир.

Шои р би типдаги шеъларида «кас»ларининг турли-туман образларини яратар экайт, буларни бунёд этиб қўйган дунёю дунуннинг сиймосини кўйидаги таасирлайди.

Ай, бу дунё! Ай, бу дунё!

Жар бандага топган эрмак.

Ўз ишига ўзи шайдо,

Чалтх уради чарху фалак.

Шоир «Хушомадхўрга» шеърида факат хушомадгўйларнинг эмас, балки хушомадхўларни чам сатирик киёфасини яратади. Хушомадгўйларни даф килиш учун аввал « Кафан тикиш зарур хушомадхўрга». Хушомадхўр-шоир томонидан топилган янги образ сифатида намоён бўлади.

Умуман өлганда, А.Кўчимов шеъриятини бирлаштириб, бир нуқтада жамлаб турадиган энг муҳим хусусият-кенг маънода инсонийликни, инсоний туйгуларни ғуялаштириб. Шоирнинг барча шаъларида, у гасдиқловчими ёки фош қилувчи ими, катъи назар бош концепцияси-инсонийликни мадх этиштириб. Зоро, А. Кўчимов ҳаёт йўлини безаб турадиган хислату-фазилатлар ҳам ушбу мезонда мужса самдир.

ҚАЛБ МАВЖЛАРИ

Ўтган асрларнинг саксонинчи йиллари ўзбек адабиётида, хусусан, шеъриятда ўзига жос эврилишлар даври бўлди. Бундай ўзгаришларга асос бўлувчи кўплаб ташки ва ички омиллар етарлича топилади. Саксонинчи йилларнинг биринчи ярми халқимиз учун оғир келди. “Марказ”дан ташкил этилган янги қатагонлик сиёсати—“пахта иши”, “ўзбеклар иши” каби зўравонликлар халқимиз руҳиятида оғрикли изтиробларни келтириб чиқарди. Айни пайтда бундай зўравонликлар тузумга қарши олдиндан давом этиб келаётган ички норозиликнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Бу холайникса, саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида яққол кўзга ташланади.

бошлади. Бу даврда “қайта қуриш”, “ошқоралис” эпкини билан бошланган демократик янгиланишлар бадий тафаккурда ҳам акс-садо бера бошлади. Натижада яратилаётган асарлар күповозли бўлди: ранг-баранг бадий-шаклийи изланишлар, турфа хил ғоявий-эстетик мотивлар бу давр шеъриятига хос бўлди, лекин унинг асосини битта тушунча – миллий ўзликни англаш фалсафаси ташкил этди. Бу жараён баъзи шеърларда гражданлик туйгусини ошишига, ижтимоий пафос етакчилик қилишига олиб келди. Уларда ватан ва миллият тақдирни бош мавзу бўлди. Мустакиллик гоялари у ёки бу шаклда куйлана бошланди. Ўзликни англаш туйгуси ватанпарварлик ва миллиятпарварлик мотивлари билан тулашиб кетди. Бошқа бир асарларда эса бу жараён лирик “мен”нинг кўнгилга, қалб тўғёнларига қараб эврилишида намоён бўлди. Бу типдаги асарларда миллият ва ватан деган тушунчалар кўнгил ва унинг ботиний олами билан уйғун тарзда намоён бўла ёшлади. Кўнгилни, қалб тўғёнларини кашф этиш бош мақсад бўлди.

Саксонинчи йиллар аввалида ижод майдонига кириб келган ёш истеъод соҳиби Эшкобил Шукур шеъриятининг асосини аввалбошданоқ ботиний олам манзаралари ташкил этди. Бу олам турфа хил тимсол-у гасвирлар, шаклларда намоён бўлса-да, лакин бош концепция ўзгармади – кўнгилга қараб эврилиш, ўзликни излаш бош мавзу бўлиб қолаверди.

Шоир дастлабки ижодий изланишларида устозлардан таъсирланиб, ҳалқ оғзаки ижоди оҳангларидан маънавий озуқа олиб шеърлар битди. Бу шеърларида ўзининг иқтидорини намоён қила олди. Дастлабки шеърларидағи бадий топилмалар, охарли, кутилмаганды янгича ташбехлар кўпчиликнинг эътиборига тушди. “Умид кечаси” шундай шеърлардан бириди. Муножот рухида битилган ушбу шеър лирик қаҳрамоннинг кучли ҳаяжонини, замондошига, ҳалқига бўлган эҳтироми ҳамда озодлик йўлидаги қайнок интилишларини акс эттиради. Шеърда қаҳрамон туйғулари романтик тарзда, кучли эҳтирос билан тасвирланади. Унда ўша давр шеъриятида хос бўлган самовий малаклар, муқаддас рух, исмиз даҳо, дардманд сиғил, хоин дўст, кизғалдоқ каби поэтик образ ва тимсоллар кўп учрайди. Шоир ушбу бадий

воситалар оғқали халқимизни озодликка элтувчи умид кечасини ёнига чорлайди, үни шарафлайди. Шеърдаги “Тоғларнинг кўксида юрак лоладай”, “Осмон ечиб ташлар кўйлакларини”, “Армонга айланган тирноғим билан//Юрак пустлоғига ёзамаң достон” каби кечинманинг поэтиклишгән манзаралари шоир иқтидорини намоён этади.

Бу хусусиятни шоирнинг шу даврда халқ оханглари руҳида ёзган бир туркум шеърларида ҳам кузатамиз. Уларда халқимизнинг миллий қадриятларини, ўзлигини белгилайдиган урф-одағлари, турмуш тарзи, чолғу асбоблари, у думлари халқона оҳангларда тасвирланади. Бироқ таъкидлаша жоизки, шоир бу тундаги шеърлардан фарқи ўлароқ, халқимизнинг ўзлигини намоён қилувчи удумлар, нарса-ходисаларни поэтик образ ёки тимсол даражасига күтариб, қалб кечинмалари, лирик “мен” руҳияти дардлари билан боғлаб талқиғи этади. Шоирнинг “Чанқовуз”, “Кўпкари”, “Шоли қўрикчиси”, “Чимилдик” каби халқимиз удумларини акс эттирган, “Кўнглимни тошга ёрдим”, “Сочлари сумбул-сумбул”, “Шикаста-шикаста” каби халқ оғзаки ижоди мот ивлари битилган шеърларида, шунингдек, “Менгим момонинг йўқлови” марсиясида ҳам шу хусусият устиворлик қиласи.

“Чанқовуз” шеърида халқимизнинг асрлар давомида тилга чиқаролмаган орзу-умидла ри, дардларининг куй-кўшикларда ифодаланиб келиши тасвир этилади. Аслида бу ҳакикат бошка шоирлар томонидан ҳам кўп бора куйланган. Аммо Эшқобил Йукур шеърига оригиналлик баҳш этадиган хусусият айланавий бўлмаган и фода ва усусларни кўллашида, поэтик образ (“чанқовуз”)ни қалб эврилиши би лан боғлаб талқин эта билишида кўринади.

Тилим тийилди менинг, сўзим қийилди менинг,

Пўлат тил топиб олдим, ҳаво сўз топиб олдим.

“Тилининг тийилиши, сўзининг қийилиши” – жуда оғир ижтимоий – маънавий дард. Халқимиз ушбу дағдани асрлар давомида кайдай енгиб келганини шоир “пўлат тил – ҳаво сўз” топиши билан изохлайди. Чанқовузни нг пўлат тил, ҳаво сўзга ўхшатилишида албатта ботиний маъно яширин. Лекин, унинг зохирий маъносида ҳам топкирлик бор. Чанқовузнинг

чалинишида тил ва ҳавонинг иштироки бу ўхшашиблик маъносини поэтиклаштиришга хизмат қилиши билан ибратли. Бу–шоирнинг бошқаларникига ўхшамаган оригинал поэтик топилдиги, қашфиёти. Шоир шеърда чанқаган чанқовузни кўз ёшлари, дардлари, қағининг “ ёруғ қатъридан” отилиб чиқаётган оловга чайқаб олади. Шу тарикә шеърда ҳар бир байтдан кейин такрорланиб келадиган нақоратда биргина сўзнинг(кўз ёш, дард, олов) алмашиши дарднинг кўламини, рухнинг мавжиди, энг муҳими, поэтик мазмуннинг кўламдорлигини ифодалашга хизмат қилади. “Кўпкари”, “Менгим момо йўқлови” каби асарларига мазмунга мос ифода ва оҳанг жозиба бағишлиса, моҳиятидаги чукур инсоний дард китобхон қалби билан бирлаштиради. Шоирнинг маҳорати шундаки, ҳар иккала асарда ҳам мавзуга мос тасвири беролган. Кўпкари чавандоздан жасорат, ўддабуронлик, шавқ ва тезкорликни талаб этадиган удум. Шеър оҳангидага айни жиҳатлар мужассам:

“Ҳайт!” –деди, улоқ кетди,

Ўртада табоқ кетди.

Шеър бошдан-оёқ шу шитоб билан давом этади. Бу тасвиirlар халқ достонларидаги ботирларнинг душман кўшини билан савашиши манзараларини ёдга солади. Шоир чавандоз фожиасини ҳам улоқ шавқи билан боғлайди. Чангакдан кўллари билан улоқни дәврадан юлиб чиқкан чавандознинг оти “Кўзларда суринади”. Овулга отсиз қайтган чавандоз қалбida кечеётган адоксиз ғамнинг залворини шоир ўзига хос тарзда – хотинининг азаси орқали топкирлик билан шундай ифодалайди:

Энди ғамли эрига

Сўз айтмасдан ботиниб.

Олти ой аза тутар

Чавандознинг хотини.

Одатда йўқловлар яқин кишидан жудо бўлганда айтилади. Менгим момо йўқлови эса Ота юрт, Ватан соғинчи. Шўро тўнтириши даврида душманлардан кочиб хорижга кетишга мажбур бўлған Менгим момо киндик

қони тўкилган юрга қайтолмай, армон азобида қовурилади. Шоир Менгим момо фожиасини халқ оғзаки ижодига хос оҳангларда драматик тарзда битади. Йўқловни ўқир эканмиз, кўз ўнгимиизда тиз чўкиб тизза-ю бошига уриб, тебранган куйи: “Вой, Менгим-а, шўр Менгим. Увв!..Ув!!!” деб бўзлаётган момоларимиз намоён бўлади. Уларнинг нолалари тоғдаги тошларнинг қулашидан-да, кўздаги ёшларнинг қулашидан-да оғир!..Ёки “Хостирангга олисда//Мунгли шам чарсилаиди. Ота юрт согижидан//Суягинг қарсилаиди” каби мисралар дарднинг даражасини белгилайди.

Шоирнинг маҳорати шундаки, шеърда шунчаки юрт соғинчини тасвирилаш мақсад килинмаган, балки соғинч деган дарднинг кўз ёшларида куйилиб, мисрама-мисра, бандма-банд тобара кучайиб, кульминацияда юрак билан бирёзиб кетишини кўрамиз: “Гурим ўз юрагимда//Юракда бордир Ватан. Қишлоқдан кийиб келган//Кўйлагим бўлсин кафан”.

Шунга қўра шоирнинг аксарият шеърларида етакчи поэтик образ лирик қаҳрамоннинг ботиний олами, кўнгиллар, десак янгишмаймиз. Ҳар бир шеърда кўнгилнинг ўзига хос кирралари намоён бўлади. Уларнинг номланиши турлича: кўнгил, дил, юрак, турбатхона, ҳужра, кўр кушлар ва хакоза. Шоир шеърларида бу поэтик образ ва тимсолларнинг ифода шакли турли-туман!, сифатлашлару ташбеҳларга ниҳоятда бойдир. Эшқобил Шукур шеъриятида и образ ва тимсолларнинг ифода қўламини тасаввур этиш учун унинг бутун ижоди билан ошно бўлиш такоза этилади. Шоир кўнгил манзаҷаларини турли поэтик ракусларда тасвир этади. Анъанавий поэтик манзара ва ифодалар билан кутилмаган, ноанъанавий тасвирлар ўзаро бири киб, уйгуилашиб кетади. Бирок бу ифодаларда баъзи бир шеърлардаги каби сохталик ва зўракилик сезилмайди. Ўкувчидаги ғашлик уйғотмайди. Худди тоғдан қуйига тошдан тошга урилиб чопаётган сувнинг шиддати-ю ўзига хос табиий мусиқасини хис этгандай бўласиз. Тасвирдаги шиддат ва мусиқавий оҳанг—Эшқобил Шукур шеъриятининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шунга қўра шоир шеърларида қўлланган поэтик сўз ва ташбеҳлар

күпвозли, худди товланувчан олмосга ўхшайди. Күлгө олиб у ёкка айлантирангиз хам камалак жилосини күрасиз, бу ёкка айлантирангиз хам... Шоир шеърларидаги поэтик мазмун хам турфа хил - тох реал – нореал, тохида илохий - дунёвий, баъзан ошкор, баъзида пинхона, ге ҳа дардчил, тохида романтик тарзда ифода этилади. Лекин уларнинг барчагини битта маҳражда бирлаштириб турадиган асос – бу Эшқобил Шукур ‘‘мен’’и. Унинг кўнгил кўчаларидир.

Шоир шеърларида кўнгилнинг хилма-хил сувгъатлари чизилади. Тохида табиий, тохида хаёлий. Баъзан хиссиёт ва фикр уйғунлигига келса, баъзан тасаввур хаётий мантиқни, реал вокеликни “еб қўяди”. Шоирнинг “Ёлғизлик ва ишончсизлик” шеърини ўқир экансиз, дафъягига корангига бўшлиқда муаллак чайқалиб турган юракка кўзингиз тушлади. Ва лирик қаҳрамон таъкидлаганидек, “Сен” юрак даворларига секин ура бошлайди: “Ким бор?”. Ичкарида садо йўқ. “Сен” ураверади, ураверади, охири мушлашга ўтади, кейин йиғлай бошлайди: “Ким бор? Ҳо, ким бор?”. Шоир шеърдаги сўнгги кечинмани куйидагича тасвиirlайди:

Мен унсиз тентийман юрак қаърида

Ва айта олмайман: “Мен... Факат мен бор!”

Бу ғурбатхонада тилни тишлайман,

Ташқарида эса дод, фарёд:

“Ким бор?!?”.

Ичкаридан мен хам сўрай бошлайдиман.

Бу ғурбатхонада “КИМ БОР, ҲО, КИМ БОР?!?”.

“Сен” ва “Мен”. Бу поэтик образларни турлича талқин этиш мумкин. “Мен” ва “Сен” кўнгилнинг ботиний ва зоҳирий олами. Шоир ушбу поэтик образлар муносабатлари орқали юзага келаётган қалб кечинмасининг ўзига хос тасвирини чизади. Маҳорат шундаки, мавхум поэтик образларинг хатти-харакатлари хаётий, реал вокелик сифатида жонлантирилади(урди, муштлади, йиғлади; Ҳой, ким бор?). “Сен” зоҳирий олам сифатида турли талқинига эга. У ижтимоий вокелик хам бўлиши мумкин, севикли ёр,

садоқатли дүст ва х.к. Гап унинг ким ёки нималигига эмас, балки ботинга күрсатаётган таъсирида, “Мен”да хосил булаётган кечинманинг даражасида...

Шоирнинг “Хасратли хужрамда...” деб бошланувчи шеърида ҳам руҳий эврилишлар тасвири ўзига хос, ноанъанавий. Лирик қаҳрамон ҳамма кетиб бўлган хасратли хужрада қайғу, дастурхондаги кемтилган юрак ҳамда бир коса сабр билан ёлғиз колади. Шунда қаҳрамон анграйган эшикни ёпиб, юракнинг колганини еб, бир коса сабрни ҳам ичиб кўяди. Шеърдаги ушбу гайритабии тасвир руҳий оламнинг дардчил манзарапарини куйидагича чизиш имконини бермоқда:

Ҳасратли хужрамда
Дунё ҳам, мен ҳам
Бир-бировдан тўйдик ноилож...
Факат қайғу оч-да, қайғу жуда оч!

Шоир шеърларида бу каби оҳарли шеърлар кўплаб учрайди. Шоир шеърларини ўқир эканмиз, “Қўкракдан дараҳтдай ўсган чўқморлар”га дуч келамиз; Олмалар гуллаган хилват қўнглида, “Бир куш билан битта илонни бокиб”, ўзи гулламай яшаётган аёлни қўриб, маҳзун ўйларга толамиз; Ва шоир юраги “сўзларнинг дастурхони” эканидан қониқиш хосил киламиз. Хулиас, шоирнинг ўзи эътироф этганидек: “Юрагим ўзимдан бушаган сари//Гўлиб бораверар юрагим”. Ана шу тўлиб бораётган юрак мавжлари Эшқобил Шукур шеъриятининг асосий маъмуни, десак янгишмаймиз. Шоир шеърларида қўнгилнинг поэтик суратини чизар экан, ўзига хос ифода усули – мулоқот шаклидан моҳирлик билан фойдалаётади. Бу типдаги шеърларни ўқир эканмиз, гўё шоир юрагини шундок ёнига қўйиб, у билан мирикиб дардлашаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Бу мулоқот турлича шаклда келади: гоҳ дараҳт тимсолида олис болалалик хотиярларини эслатади; гоҳ яна юрагини донга айлантириб, гулдираб ишлашини орзу қилган тегирмон тимсолида; гоҳ эса бир сўз бўлишга ҳам ярамадинг, дея озорланган дил – адашгани, уяси бузилган, гарип бир қушча тимсолида келади. Буларнинг бирчасидан шоирнинг беҳаловат, ўзидан қониқмаётган безовта қўнгил

құчалари кечмишини хис қиласынан “Үтміш билан мулокот” шеърида құжна тегірмөнни гулдіратыб юргизиш учун юрагини дон килишга тайёр шоир унға шундай мурожаат қилиб, шундай сатрларни битади:

Эплад олмадик-ку, бирорта шеърни,
Шириң ваъдаларни иғланмиз олдин.
Қушлар чирқирайди, күйдириб ерни,
Юрагим, юрагим, дон бұла қолгин.

Бошқа бир шеърида ҳам шоир дил билан мулокотта киришар экан, унға “бечора қушим” деб мурожаат қиласы, уннинг “бор-йүғи бир сұз бұлмагани”дан афсус-надомат чекади. Албатта, бу сатрлардаги шоирнинг ўз-үзидан, ижодидан қониқмаслик ҳолатини нисбий түшуниш лозим. Бу ўринде Құлпоннинг “Мен шоирми?” шеъридагига үшаш рухий кечинмани құрамиз. Бу шоирнинг ўз ижодига бұлған талабчанлигидан келиб чиккат ҳолат. Шоир шеърларыда рухий олам мавжларининг хилма-хил талқиналағыра дүч келамиз. Баъзи шеърларыда мусичадай ғеозор күнгилнинг “хўжасиз итлар” даврасында тушиб қолиб чеккан озорлағы тасвир этилса, бошқа бир шеърида ёвуз күчлар қўнгилдан “Мен”ни сугуриб олишлари ортидан келадиган фожиа хақида бонг уради.

Дардлар, хотиралар қувғинди, дайди,
Туйгулар эгаси ўлиб довдирап,
Ватан деворларин тагин ковлады
Ичида “Мен”и йўқ гавдалар.

Мазкур сатрларда шуро даврига хос шахс фожиаси, ўзлигини йўқотиб, манқуртлашган инсон кисмати ўзининг реалистик талқинига эга.

Эшқобил Шукур шеъриятига хос яна бир жусусият шоир шахсиятининг жуда фаол иштирокида кузатылади. Бу фаоллик турли шаклларда һамоён бўлади: баъзан лирик “Мен” билан уйғун тарзда келса, баъзан “Мен”дан ташқарида “Эшқобил Шукур” образи тимсолида келади. Бу – Эшқобил Шукур шеъриятининг ўзига хос томонларидан бири. Буни биз шоирнинг

“Тұққизинчи февраль”, “Сехр”, “Бұнга бир йилдан сұнг...” каби шеърларида күрінчимиз мүмкін.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий туғилған күнің ішорасы билан өзілгап “Тұққизинчи февраль” шеърида шоирнинг граждандык позициясы юкори патдаларда ифода этилади. Шеър онага мурожаат тарзидә битилған. Шеърнинг ҳар бир бандида шоирнинг муносабати мурасасиз.

Мен эртага ўламан, она.

Агар, сен бу кечә бошимда

Ўзбек тилидаги құнишқарні айтиб турмасант.

Шу таріқа актив муносабат билдирган лирик қаҳрамон шеърнинг қейинги бандларында ҳам она олдига Ватан ва миллат тақдиріга дахлдор шилакларни қўяди: яъни оналаримиз буюк шоирларни дунёга келтириши, Бахшилар “Алпомиши” достонини тонггача куйлаши, дараҳтда күшлар “Лисон-ут-тайр”ни тақрорлаши...

Шеър якунида шоир тилаклари ижобот бўлади. Шоир тилаклари ижобад бўлди; келинлар буюк шоирларини туғди; Бахшилар “Алпомиши”ни тонггача куйлаб чиқишиди, дараҳтларнинг шохларида күшлар Навоий тилидан гапириб чиқилилар: “Мен ҳеч қачон ўлмайман, Она!” бу ўринда шоир “мен”ни умумлашма образ – Ватан ва миллат тимсолига кўтарилаётir.

“Сехр” шеърида ҳам шоир шахсияти етакчи ўрнига кўтарилади. Шеърда шоир “Мен”идаги буюк эврилиш – күнгилга шеър суурининг қуюлиши, шоирлик кисматининг қарор топиши акс этади. Буни шоир шеърдаги ҳар бир тўртлик охирида тақрорланып келадиган “Эшқобил эмасман энди мен” деган иқорномаси орқали акс ёттиради. Шоирнинг маҳорати шундаки, ўзликдаги бу ўзгаришларга сабаб бўлган омилларни сеҳр дея атайди. Хўш, бу курдатли сеҳр нима: бу - шоир шеърларида бот-бот тақрорланадиган “сен” ва “мен” – зоҳир ва ботин аро кечадиган муносабатнинг янгиланиши.

“Сен”даги ўзгариш “Мен”нинг тилини олтин балиқчага айлантиради, кўзларининг топилдигида ян гиланаётган Эшқобилни суратлантиради...

Кечә дилдан колди, қолди-я тилдан,

Нафас торларимда ухлаёш тган Сен.

Күшдан илдиз олдим, қаноттаги гулдан,

Эшқобил эмасман энді мен.

“Бунга бир йилдан сүнг...” деб бошланувчи шеърда ҳам “Эшқобил” образи актив иштирокчи сифатида намоён бўлади. Шеърдаги барча компонентларни бирлагтириб турувчи етакчи поэтик образ ҳам “Эшқобил”дир. Шеърнинг ҳар бир эпизоди(тўртлиги)да бир-бирини мазмунан кучайтирувчи мазмун акс этади. Ҳар бир эпизодида гуллар бир йилдан кейин, бева шамоллар ўн йил, турналар эса юз йилдан сўнг Эшқобилни сўроклаб келишади. Ва бир хил жавобни “Эшқобил уйда йўқ” “...Ерда йўқ”, “...Кўқда йўқ” деган жавобни олишади.

Бу ўтар дунёда минг йил ҳам ўтар,

Келарсан... Ер-Осмон ботади терга,

Шунда кесаклардан ўт чиқиб кетар.

“Эшқобил шу ерда!”

Шоир шеърда абадиятга дахлдор қисматни шу тариқа поэтиклаштиради, унга “Эшқобил” образини актив аралаштириб, жозиба ва оригиналлик баҳш этади, фалсафий мазмун билан бойитади.

Биз ушбу мақолада истеъоддли шоир Эшқобил Шукурнинг 80-йиллар ижодининг бальзи жихатлари ҳакида қисқача тўхталдик. Албатта бир мақола доирасида шоир ижодининг барча қирраларини бирдек қамраб олиш кийин. Шоирнинг мумтоз адабиёт анъаналарига монанди битилган турқумлари, ҳаёмана, сўфиёна руҳдаги фалсафий шеърлари ўзининг тадқиқини кутиб турибди. Айниқса, шоирнинг мустақиллик йилларида чоп этилган асарларида поэтик маҳорати юксалиб, қалб кўзининг очилишини шоир ижодига алоҳида жозиба баҳш этади. Буни биз шоирнинг навбатдаги “Кўз юмиб кўрганларим” (2013) номли шеърий тўпламининг “Йилнинг энг яхши шеърий тўплами” номинацияси бўйича ўtkазилган танловнинг голиби булганида ҳам кўришимиз мумкин.

ДИЛ ИЗХОРЛАРИ

МАЊНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Озод Шарғифиддинов фаол адабиётшунос олим ва мунаққид сифатида нафакат адабиёт ҳақида, айни пайтда маънавият муаммоларига бўғишиланган мақолаларни ҳам кўп ва хўтиб ёзган эди.

Олимнинг мустақиллик йилларида чоп этилган “Маънавий камолот йўлларида”(20-01) номли китобидаги турқум мақолалар фикримиз далилидир. Мунаққид маънавиятни Ватан, имон-эътиқод, Она тил гўзалликлари, китобга бўлган чексиз меҳр деган тушунчалар билан bogлаб талқин қиласди.

Мунаққид маънавият билан боғлиқ ҳар бир мақоласини ҳаётдан олинган бирон бир ибратли вожеа билан бошлайди. “Ўлсан айрилмасман кучоқларингдан” номли мақола олис болаликдаги хотира-уруш бошланган йили Эски Жувадаги Ёш тамошабинлар театрининг “алмисоқдан қолган торгина залида” эшитган шеър ҳақидаги лавҳа билан бошланади. Мунаққид талкинича, йиллар ўтиши билан Уйгун қаламига мансуб Ватан ҳақидаги ушбу шеърни ўқиган артист ҳам, сахна ҳам унут бўлиб кетганд, бироқ шеър мохиятини ўзида мужассам этгани “Ўлсан айрилмасман кучоқларингдан” хитоби бир умр юрагида туйилиб, қасамдай жаранглаб турган.

Мунаққид шу тариқа қалбларга эш бўлган Ватан, ватанга муҳаббат туйгуси ҳақидаги мулоҳазалар учун асос яратади ҳамда унинг ўзига хос таърифларини беради. Дастреб туғилиб ўсган уй остонаси, гўдакликда кулоққа сингган Она алласи, бувилардан эъчиштан сехрли эртаклар... Мактаб, илк бор қалбларни энтиклирувчи висол онларига гувоҳ бўлган сўлим хиёбон... Шу тариқа кенгайиб бораётган Батан тимсолининг шоирона тасвиirlари аста-секин ўз ўрнини мантиқли мўлоҳазаларга бўшатиб бера бошлайди. Мунаққид наклича, булар ҳали тугал Ватан деган тушунча эмас. Ватан – бу энг аввало атрофингдаги одамлар, униб-ўсган Она замин, бутун бир жамият, унинг кечаги куни, бугуни ва эртаси ҳамдир. Жамиятдаги ҳар бир инсоннинг мен ватанга керакман, ватан менга керак, деган туйгулари... Зоро, ватанга муҳаббат туйгуси шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлган

эмас. Унинг теран илдизлари бор. Бу илдизлар олис-олис авлод-аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган мұқаддас ёғудири. Бу Широқнинг Ватан учун тўкилган қонида, Жадидларнинг юрт олдиғаги бурчларини теран англаб килган саъй-ҳаракатларида намоён бўлади. Мунаққид айтганидек, “Ватанга муҳаббат бозорга солинадиган матоҳ эмас. балки инсон қалбининг тўрида гард юқтирумай сакланадиган энг нағис, энг инжа бир туйғудир”.

Олим фикрича, муҳаббат туйғуси Ватан олдиғаги бурчни теран англашдан бошланади. Бу – аждодлардан мерос бўлиб келаётган Она замин бойликларини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳар бир инсон ўз имкони даражасида хисса қўшиши, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай шиору бақир-чаки рларсиз ватан равнақи учун жон фидо қилишдир.

Ватанинни севиш, унга эътиқод Она тилга бўлган бўлган эҳтиромдан бошланади. Зеро, тил Ватанинг, миллатнинг ўзлигини, маънавий дунёсини намоён қилувчи асосий унсурлардан биридир. Олимнинг “Тилда ҳикмат кўп” мақоласида тилимиз ривожи учун катта ишлар амалга оширилаётгани англашилса-да, лекин асосий эътибор бу борадаги маънавиятсизликка қаратилади. Муаллиф мақолада 90-йиллар аввалгида гўё тилимизнинг “соғлиги” учун бошланган “кураш”лар хақида ёзар экан, бундай ҳаракатлар аввал ҳам бўлгани ва тарихдан сабоқ чиқармаслик жиддий оқибатларга олиб келишидан огоҳлантиради. Тил зуғумни ёқтирумайди. У ўзининг қонуниятлари билан ривожланади. Халқаро ҳамкорлик тилда ҳам ажэ этади. Ҳеч бир тил ўз ўзанига бурканиб яшаётмайди. Олим тилдаги бузғунчиликка, чаласаводликка, эзмаликка карши муросасиз курашади. Бу курашда миқёсни кенг олади: она тилини тузук-қуруқ би лмаслиги боис факат кабинетда ўтириб иш юритадиган амалдордан тоғтиб, ўз фирма-ю ширкатларига бесүнақай, ясама номлар ўйлаб топаётган тадбиркорларгача, турли йигилиш-у мажлисларда, айниқса тўй-ҳашамларда микрофонни оғзига қадаб чайналанаётган эзмалар, оддий сўзлар билан ифодалashi мумкин бўлган

фикрни сохта баландпарвоз иборалар билан пардалаб, ҳавойи гапларни кўпиртираётган шағозвоз тележурналистлардан тортиб тилга нўнок ёзувчи-ю мунаққидларгача олим газабидан четда қолмайди. Буларнинг бари маънавиятсизлик белгисидир. Олим фикрича, “она тилимизни ҳимоя қилиш уни теран ўрганишдан бошланмоғи лозим”.

Озод Шарифиддинов олтмишинчи йилларда ёзган ва айрим олимларнинг “шуроча” таъна-дашномларига дучор бўлган “Биринчи мўъжиза” номли мақолосидаёқ, китоб ва маънавият муаммоларини дадил кўтариб чиқкаш эди. Мунаққид навбатдаги мақолосини “Китобсиз яшаб бўлмас...” деб номлайди. Бундай номланишга изоҳ берар экан, “Тўгрисини айтганда, китобсиз ҳам бемалол яшаб, умр ўтказса бўлаверади. Факат бу қандай умр бўлаши? Умрида бирорта ҳам китоб ўқимаган одам бугунги дунёда нима деган одам бўлади? Китоб ўқимаслик хаётда мукаррар чаламуллаликка, маърифатсизликка, жоғилликка олиб келади”, деб ёzáди. Олимнинг таъкидларини, маънавий қашшоқлик шундан бошланади.

Телевидениядаги намойиш этилган “Синфдош” кўрсатувидаги бир тўда ҳавойи ёш-яланг ёки бўлмаса “юлдуз”лик касалига чалинган ёш “санъаткор”нинг “Қандай китоблар ўқийсиз?” деган саволга беписандлик билан “Умуман китоб ўқимайман” деган жавобларидан тугилган ўй-хаёллар муаллиф қаламида улкан ижтимоий-маънавий муаммо даражасига кўтарилади. Олим ушбу кўрсатувлар муносабати билан ўз карашларини баён килар экан, хаёлий “м ен”ининг “Шунга ҳам ота гури козихонами? Улар китоб ўқимаса ҳам бинойицек хаёт кечиряйти... Сенинг беҳудага куйганинг коляпти, халос”, қабилидаги фикрларига жавоб берар экан, бу жараён ўтиш даврининг катта муаммоларидан бири эканига эътиборни жалб килади.

Мунаққид ички “мен”га қарата бу масала шунчаки шахсий масала бўлмай, балки ижтимоий можиятга айланган иш эканини таъкидлайди. Бу ўринда китобхонлик рамзий маъно касб этади. Бу кенг маънода жаҳоний билимга эга бўлиш, юксак маънавиятли интелликтутал шахсни камолотга етказиш деган

маънода келмоқда. Ана шундагина биз жаҳон ҳамъкамиятида тенг бўлган буюк давлат қурамиз, дейди олим.

Мунаққид китобхонлик муаммосини ижтимоий-маънавий ходиса сифатида таърифлар экан, уни ватан, миллат тақдири, унинг келажаги билан боғлади. Шуро давридагидан фарқли ўларок, мустақил Ўзбекистонимизда фақат буйрукни бажарадиган итоаткор кимсалар эмас, дунёқараши шаклланган, мустақил фикрлайдиган, ташакбускор, тадбиркорлик қила биладиган маънавий юксак инсонлар вояга етишини орзу киласи. Шундай инсонларгини мустақил Ватанимизни жаҳондаги буюк давлатлар каторига олиб чиқади, деган хуносаларни баён этади.

Таъкидлаш жоизки, мунаққид маънавият бобидаги кузатишларида ўзининг юксак даражадаги шахсиятини, бетакрор ўзлигини, маънавий баркамоллигини, устоз-у шогирд, барча бирдек эътироф этган китобсеварлигини, энг мухими ватан ва миллат равнақи учун жонфидо фидойи эканини намоён қиласи. У китоб ўқишдан кўра енгил-елпи яшашни афзал кўраётган маънавий қашшоқ ёш дўстлари-гофил ука, сингилларига қарата шундай ёзади: “Шуни яхши билиб кўйингки, сиз кай сабаб билан бўлса бўлсин – китобдан юз ўгириб, ўз-ўзингизни бекиёс салтанатдан ҳайдаб, маънавий қашшоқликнинг, фикрий маҳдудликнинг, жаҳолат ва нодонликнинг совуқ эпкинлари, манхус елдиримлари хукмрон бўлган сахрои биёбонга бадарга киласиз. Шуни билингларки, китобдаги, маърифатдан, маънавиятдан юз ўгириб, сизлар келажакнинг бунёдкори бўлишдек буюк баҳтдан ўзингизни мосуво қиляпсиз....Шунинг учун елинг, югуринг, бойлик орттиринг, қўлнинг кирига ўҳшаган бойлик эмас, ўзингиз билан мангут қоладиган, сизга ҳеч қаҷон панд бермайдиган, ҳаётингизга маъно ва мазмун баҳш этадиган маънавий бойлик орттиринг. Бунинг учун эса китоб билан умрбод дўстлашмок, юзни маърифатга бурмоқ зарур”.

Ажаб ўхшашлик...Ўтган аср бошлирида Туркистондаги жадидларнинг отаси номини олган буюк маърифатпарвар зот – Махмудхўжа Бехбудий мустамлака зулми остида эзилаётган миллат фарзандларига мустақилликка

эришиш ва жаҳонга юз буриш учун илм-маърифатли бўлишни васият қилган эди. Аср сўнгидаги ўзбекнинг яна бир миллатпарвар зиёлиси мустақил юрт фарзандлари-Ўзбекистон ёшларига қарата бузок давлат ва миллатга айланиш учун маърифатли бўлишга даъват этди. Юксак пардаларда ҳаяжон билан битилган ушбу хитоблар бугун олимнинг васиятидек янграмоқда.

2014 йил

УСТОЗ САБОФИ

Одатда Асил ака Рашидов ҳақида ёзилгани маколаларда, адабиётшунос олимларнинг кузатишларида, ёр-биродарларнинг дил изҳори битилган битикларда Узкиши меҳнат фаолиятининг куйидаги жиҳатларига эътибор қаратилади. Жумладан, Асил Рашидовнинг етук ҳадабиётшунос олим ва мунаққид, мөхир журналист ва истеъододли таржимон ҳамда устоз мураббийлиги алоҳида эътироф этилади.

Талабалик йилларимда устоздан сабок олиб, кейинги йигирма йил давомида бир кафедрада ёнмаён ишлаб, машгулоғларига қатнашиб, тажрибаларини ўрганиб, илмий тадқиқот ишларини ўқуб, шунга амин бўлдимки, юқорида айтилган фикрлар, хулосаларнинг барчаси айни ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, филология фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ профессори, Давлат мукофоти лауреати Асил Рашидовнинг қарийиб 60 йиллик меҳнат фаолиятини кўздан кечирсан, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб матбуот саҳифаларида ҳалклар дўстлиги муаммоларини ифодаловчи «Қардошлиқ», «Дўстлик кўйлари», «Дўстлик байроғи остида», «Буюк ҳалк кудрати» каби ўз даври учун муҳим бўлган ижтимоий-маънавий масалалар акс этган публици стик мақолалари билан ўзбек журналистикаси тараққиётига катта ҳисса қўштаги лигининг гувоҳи бўламиз. Бу мақолаларда Асил аканинг журналистик маҳора ти яққол намоён бўлади.

Асил Рашидов илмий фаолияти асосини «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири», «Ишчи-қиссаларимиз қаҳрамони», «Чингиз Айтматоғзининг бадий олами» каби ўнлаб китоб ва монографиялари безаб турибди. Бу тадқиқотларнинг дастлабкиларида ўзбек қиссачилигининг тараққиёт тамойиллари, мавзу кўлами ва қаҳрамон яратиш маҳорати тадқик этилган. Албатта муаммонинг бу шаклда қўйилиши тадқик этилаётган қиссаларнинг табииатидан келиб чикиб танланган. Чунки 30-йиллар ва кейинги даврларда яратилган қиссаларнинг аксариятида бош мавзу меҳнатни улуғлашга қаратилган бўлиб, асосан меҳнаткаш халқимиз образининг яратилишига кўпроқ эътибор қаратилган. А.Рашидов тадқиқотларида ушбу жараён бир тенденция сифатида тадқик этилади ва асосий эътибор қаҳрамон яратиш маҳоратига қаратилади.

А.Рашидовнинг таржимонлик фаолияти билаги илмий тадқиқотлари айrim нуқталарда бирикиб, бир-бирини тўлдириш келганлигини кузатиш мумкин. Ўзбек китобхони буюк истеъодод соҳиби Чингиз Айтматов бадий оламини Асил Рашидов таржималари асосида ғашф этган. Ўтган асрнинг 60-70-йилларда Ч.Айтматов ҳикоя ва қиссаларини ўзбек китобхонига бутун гўзаллиги, нафосати билан етказишида А.Рашидов хизмати бекиёсdir.

Ёдимда, 70-йилларнинг бошларида «Оқ кема» ўзбек китобхонлари орасида шунчалик машхур бўлиб кеңдики, худди ўзбек ёзувчиси ёзгандек қабул қилинди. Бу ҳам А.Рашидов таржимонлик маҳоратининг маҳсули эди. Шу боис ўша кезлари Тошкенттаги ташриф буюрган буюк ёзувчи ҳам Асил аканинг меҳнатини юксак қадрлаб, У киши фаолият юритаётган Педагогика институтига ташриф буюрганди.

Сўнгги 20 йил бутун жаҳонда бўлгани каби ўзбек халқи тақдирида ҳам буюк ўзгаришлар даври бўлди. Ўзбек халқи ўз мустакиллигини қўлга киритди ва ўзининг давлатчилигини қайтадан куришга киришди. Натижада барча йўналишлар бўйича янгиланиш жараёни бошланди. Бу жараён илм-фан ва таълим соҳасида ҳам, бар’я соҳалар қатори ўз самарасини бера бошлади.

Адабиёт илмида ҳам шуро давридаги синфиийлик ва партиявиийлик принципларида чөз кечилиб, умумбашарий мезонларга таянила бошланди. Бу ҳолат ҳар бир педагог, зиёли ва олимлардан ўз қарашларини янгилашни, замоннинг илғор ғоялари билан қуролланишини тақазо эта бошлади.

Агар Асил акағынг мустакиллик давридаги илмий-ижодий, мураббийлик фаолиятини кузатса с, замон билан ҳамқадам эканига гувоҳ бўламиз. Энг аввало, адабиёт илми, даги янгилашиларни пухта ўзлаштириб, шуро даврида ҳалқ душмани саналиб, қатагон қурбонлари бўлган жадид адабиёти намозиндалари, биринчи газда, Бехбудий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон ҳақидаги янгиша қарашларни ўзида шакллантириб, уни дарс жараёнида талабаларга етказа олиш салоҳияти билан эжралиб туради.

Бундан ташқари «Ҳозирги ўзбек адабиёти фанидан курс ишлари мавзулари» намунасини яратиб, қайта нашр эттириди.

А.Рашидов публицист сифатида ҳам йирик давлат арбоби Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралари жамланган «Акам ҳақида», кирқ йиллик қадр дон дўсти, йирик адабиётшунос олим, таржимашунослик назарияси асосчиларидан бири Файбулла Саломовга багишланган «Эзгуликка баҳшида умр» номли рисолаларини чоп этди. Бу рисолаларда Ш.Рашидов ва Ф.Саломов портретларига чизгилар, жонли хосчирилар, ҳаётий лавҳалар орқали можирлик билан самимий тасвирланган.

А.Рашидовнинг мустакиллик давридаги йирик илмий тадқиқоти, узоқ йи плек меҳнати самараси «Чингиз Айтматовнинг бўэдий олами» (2008) деб исъмланган монографиясидир. Бу монография ҳақидаги ҳақконий баҳолар китобда битилган сўз боши ва сўнгсўзда, матбуотда чоп этилган кўплаб мақола ва тақризларда ўз ифодасини топган.

Асил аканинг шахсияти ҳақида гап кетганда ҳалошлиқ, камтарлик, сариштилик ва принципиаллик жиҳатларига алохида эътибор қаратилиди. Дарҳакиқат, ушбу фазилатлар Асил ака шахсиятини доимо безаб туради. Ҳар бир ўтилаётган машғулотга, маърузаларга жиддий тайёргарлик кўриш, дарс жиҳаёнинда энг майда деталларгача назардан қочирмай ўкувчиларга етказиши,

айни чоғда уларнинг билимни пухта ўзлаштиришига жиддий эътибор қаратиш, талабаларнинг турли хил йўллар, жумладан, таниш-билишчилик, ошна-огайничилик орқали баҳо олишга уринишиларига қарши шафқатсиз ва муросасиз бўлиш, принципиаллик билан ёндашиш Асил ака шахсиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Юкоридаги кузатишлардан хулоса битта: Асил ака 50 йиллик умри давомида ўз меҳнат фаолиятини ҳалоллик, тўғрилик, гринципионаллик ва катъий интизом асосига курди, уни характер хусусиятига айлантира олди ва шу билан эл орасида қадр-қиммат топди.

Мен бир шогирд сифатида ушбу қадр-қиммат: боқий бўлишини, шогирдларга устоз сабоги бўлиб қолишини тилайман.

2008 йил

ХИССА ҚЎШИШДАН ТОЛМАНГ

1979 йилнинг куз ойлари эди. Қишлоқдан шаҳарга илм қиласан деб келиб, иш излаб юрган кезларим. Устозлардан бирининг тавсияси билан ҳозирги А.Навоий номидаги тил ва адабиёт инситути директори Матёкуб Кўшжонов қабулига кирдим. Домла мендан каердан келганим, нима учун илмий иш қилишга жазм қилганлигим бойсини сўраб-суриштириди-да тугмачани босиб кимнидир чақиртириди. Бир оздан сўнг хонага кўркам, истараси иссиқ бир йигит кириб келди.

“Бахтиёр Назаров бизнинг илмий котибимиз”, деб таништириди домла ва менинг илмий иш қилишга жазм қилиб келгандымни айтди.

Бахтиёр ака менинг ҳаяжонланиб, қисиниб-қимтиниб турганимни сездими ёки табиатан шундаймикан, жўшқинлик билан қароримни қўллаб-кувватлаб, илмий иш қилишга даъват этдики, юрагимдаги ҳадик ҳам, ўзимга бўлган ишончсизлик ҳам бирдан фойиб бўлди.

Кейинчалик Бахтиёр Назаров билан яқиндан танишиб, илмий маъruzаларини тинглаб, мақола ва тадқиқотларини ўқиб, шу хуносага келдимки, устоз табиатига хос бўлган жўшқинлик, шижаот ва самимийлик, бағрикенглик у кишининг илмий концепциясининг ҳам асосини ташкил этар экан.

Бахтиёр Назаров илмий йўналишлари доираси нихоятда кенг. Назариётчи олим сифатида адабий танқиднинг методологик муаммолари хусусида теран тадқиқотлар олиб борди. Мазкур тадқиқотларда танқид методологиясига фақат методлар назарияси хақидаги таълимот сифатида ёндашмай, балки илмий йўналишларни, илмий гоялар тизимини шакллантирувчи ҳодиса сифатида ҳам талқин этилиши характерлидир. Б.Назаров фаол олим сифатида адабий танқид муаммоларидан ташқари, адабиёт назарияси, XX аср ўзбек адабиёти ва адабий жараён билан боғлик масалаларга бағишлиланган теран тадқиқотлар яратди. Хусусан ўтган асрнинг 80-90-йилларида, шўролар салтанати инқизози ва мустақилликнинг дастлабки йилларида Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ойбек, F.Ғулом, А.Қаҳхор, Ҳ.Олимжон каби ижодкорлар ижодини баҳолашда, уларнинг ижодий принципларини белгилашда олимнинг муносиб хиссаси бор. Шу жиҳатдан, айниқса, “Ғафур Ғулом олами” (2004) номли тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, сўнгги давр илм-фан тараққиётида ҳам янгича методологик тамойиллар мухим роль ўйнамокда. Шўро давридагидек бир хил қолип ва қарашлар синдирилиб, улар ўрнига таҳлил илорализми илдиз отаяпти.

‘Олимнинг “Ғафур Ғулом олами”’ китобида ҳам ушбу тамойил етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Маълумки, Ғафур Ғулом ижоди шу кунга қадар кўп.таб адабиётшунослар томонидан кўп ва хўп ўрганилган. Тадқиқотлар, монографиялар, ўкув қўлланмалар вужудга келган. Олим устозларнинг мазкур изланишларини кўздан қочирмаган ҳолда F.Ғулом ижодига тамоман янгича мезонлар асосида ёндашади. Шоирнинг ўз даврининг фарзанди сифатида ўша давр гояларига ҳамоҳанг асарларини инкор этмаган ҳолда F.Ғуломнинг хақиқий дардлари шу типдаги асарларнинг ҳам қат-қатига

сингдириб юборилганлигини ишонарли талкинлар билан асослаб беради. Олимларимизнинг бу каби кўплаб илмий изланишлари XX аср ўзбек адабиётининг янгича методологик тамойиллар асосида баҳолаш жараёни изчил ҳолатга тушаётганидан далолатдир. Ушбу мураккаб ва нозик илмий изланишларда олимнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Адабиёт ривожига ҳисса қўшицидан толманг, устоз!!

2005, йил

БАДИЙ МАҲОРАТ ТАЛҚИНЛАРИ

Адабиётни истеъодлар янгилайди, деган ҳикмат XX аср ўзбек болалар шеърияти мисолида ҳам ўз исботини топганига гувоҳ бўламиз. Бу адабиётнинг шаклланиб камол топишида Қ.Муҳаммадий, Ҳ.Назир, З.Диёр, С.Жўра, К.Хикмат, П.Мўмин, Ҳ.Тўхтабоевлар канчалик ўз ҳиссаларини қўшишган бўлса, олтмишинчи йиллардан бошлаб болалар шеъриятининг янгиланишида истеъодли шоир Турсунбой Адашбоевнинг ҳам шунчалик хизматлари бор.

Айтиш жоизки, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари болалар шеъриятида чинакам бадиият намуналарининг яратилишида, шакл ва поэтик мазмуннинг янгиланишида шоир изланишлари мухим аҳамиятга эга бўлди. Турсунбой Адашбоев ижоди айниқса, мустакиллик йилларида ҳар томонлама юксакликка кўтарилимоқда. Буни шоир ижодига оид тадқиқотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Т.Адашбоев ижодига гарчи шуро даври таңқидчилигида ҳам муносабат билдирилган, П.Шермуҳамедов, Ҳ.Эгамов, С.Иррисхўжаева каби олимларнинг мақолаларидан тилга олинган бўлса-да, том маънода мустакиллик йилларида келиб ўрганила бошланди. Жумладан, истиқлол йилларида С.Матжонов, Р.Барақаев, Д.Ражабов, К.Турдиева, Б.Ашуров, Г.Жўраева каби олимларнинг илмий ишларида, чоп этилган мақола ва китоблајида

Т.Адашбоев ижодига катта эътибор қаратилди. Шу жиҳатдан, айниқса, С.Матжоннинг “Икки эл ғардогида” (2009), Р.Баракаевнинг “Жонажоним шеърият”(1997) рисоласидаги шоир ижодига оид кузатишлар хамда Б.Ашуревнинг “Турсунбов Адашбоевнинг поэтик маҳорати” (2009) номли моғрафияси характерлидир.

С.Матжон хам рисоласида шоир ҳаёт йўлига қиска назар ташлайди. Ун инг ижодга кириб келиш жараёнлари, чунончи, ҳали мактабда ўқиб юрган кез таридаёк машхур фольклоршунгос Ҳоди Зариф билан хат ёзишиб, тўйларда достон айтиб юрадиган ҳамқишиғидан достон ёзиб олгани ҳакидаги хотиграларни келтирас экан, шоир ижодининг шаклланишида ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни катта бўлганига ургу қаратади. Тинимсиз изланиш, хотиржамликка берилмаслик шоирнинг асосий ижодий принципларидан бири экани алоҳида таъкидланади. Чунончи, олимга кўра, шоирнинг дастлабки шеърий тўпламларида кўпроқ анъанавий тасвир усули етакчилик қиласа, сўнгги даврларда чоп этишган “Уч буталок ва сирли қавок”, “Орзунарим — қўш қанотим”, “Олтин ёлли тулпор”, “Латифбойнинг лофлари” каби шеърий тўпламларида кўпроқ кувноқ юмор аралаш, нафақат болаларни, балки катталарни хам ўйлантириб кўядиган ҳаёт фалсафасининг ифодаланиши шундай тинимсиз изланишлар мақсулни самарасидир.

Одатда Т.Адашбоев ижоди ҳакида гап кетганда унинг ҳалқ оғзаки ижоди ва устоз ижодкорлардан ўқиб-ўргангандиги, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималар ижодига кучли таъсир қилгани ҳакида айтилади. Шоир ижодига хос жиҳатлар сифатида она Ватан ва табиат куйчиси экани, болаликниң begubor туйғулари юмор орқали маҳорат билан тасвирланиши, фавқулотда поэтик топқирлик белгиланади. Аслида бу хусусиятлар барча болалар ижодкорларига нисбатан ҳам бемалол айтилавериши мумкин. Негаки, ватан ва табиат мавзусида шеър ёзмаган шоирнинг ўзи йўқ. Юмор болалар адабиётининг қон томирларидан бири, усиз бу адабиётни тасаввур килиш қийин.

Аммо масалага кенгрөк назар ташланса, ушбу муштарап жиҳатнинг кўплаб ўзига хос томонлари борлиги маълум бўлиб колади. Чунончи, фольклор намуналаридан фойдаланишдаги ўзига хослик, кимни ўзига чинакам устоз деб тан олиш, унинг ижодидағи қандай ижодий озуқа олгани, болалик оламини кашф килиш ва юмордан фойдаланиш маҳорати қандай намоён бўлмоқда ва х.к. Бу каби масалалар шоир ижодий услубини ва бадиий маҳоратини белгилашдаги муҳим жиҳатлардир.

Бинобарин, шоир ижоди ҳақида фикр юритган мунакқид, ана шу муштаракликтининг ўзига хос жиҳатларини топиши ва талқин кила билиши, шу асосда шоир поэтик маҳоратини кўрсатиши лозим. Юқорида номлари тилга олинган олимларимизнинг барчаси шоирнинг устози Кудрат Ҳикмат бўлганини таъкидлашади.

“Т.Адашбоевнинг болалар шоири сифатидаги ижодий такомилида фольклор асарларининг услуби-ю Кудрат Ҳикмат, Султон Жўра, Зафар Диёр сингари устозлар ибрати, жаҳон болалар адабиётининг ижодий анъаналари битмас-туганмас илхом манбаи, тажриба мактаби вазиғрасини ўтади”⁹⁴, деб ёзади бу ҳақда Сафо Матжонов.

Олим Турсунбой Адашбоев шеърларининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритар экан, уларда ватан ва табиат бир бутун тушунча сифатида келишига эътиборни жалб килади. Шоир яратган лирик қаҳрамон “Ватанни табиатда”, табиатни Ватандан айри тушунмайди” деб ҳисоблаган мунакқид “Томади булок” шеърида шоирнинг манзара яратиш маҳоратини таъкидлар экан, “тухум босиб ётган тўргайнинг шувоқ билан сирлашиб қора қўнғиз нинг соққа ясаси, юмонқозикнинг ҳадиксираб, аланглаб юришию суғурнинг арча остида тасбах ўгириб ўтириши...кичик китобхон қалбida ёркин ҳислар тугдириши...”⁹⁵ ни таъкидлайди.

Мунакқид бадиий ижодда устоз-шогирдлик анъанасига тўхтадидр экан, Т.Адашбоев нафакат Кудрат Ҳикматнинг шогирди, балки ўзи ҳам кўплаб

⁹⁴ Матжон С. Иккى эл ардогида.-Т.: Musiqa,2009. 7 -бет

⁹⁵ Ўша манба. 6-бет.

ёшларга устозлиги, чунончи, Кудрат Ҳикмат -- Турсунбой Адашбоев -- Абдураҳмон Ақбар ижодий муносатлари устоз-шоғирд анъанаси мақомида эканига эътибор жалб килинади. Шу асосда бадиӣ ижодда ворисийлик мавжудлиги, айни чоғда анъаналар давом этиши билан бирга ижодий янгиланиш жараёни ҳам конуният экани асосланади. Мунаққид китобда К.Ҳикмат билан Т.Адашбоевнинг қиши мавзусидаги шеърларини қиёслаш орқали анъана ва ижодий маҳорат масаласига оид қарашлари чи асослайди.

“Ижод мактаби” сарлавҳали сұхбатда болалаң адабиётida таржимачилик масалалари, таржимонлик фаолиятининг ижодга таъсири, таржимачиликда учрайдиган айрим камчиликлар атрофлича мухокама килинади. Атоқли рус шоири С.Маршакнинг “Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак”, “Дөнъо сичқонча тўғрисида ривоят” асарларининг ўзбекча таржимасида йўл қўйилган нұксонларнинг аник мисоллар билан қўрсатилиши сұхбатнинг илмий кимматини оширган. Китобнинг “Ижодкор ижодкор ҳакида” номли фаслида кўплаб олиму шоирларнинг Турсунбой Адашбоев ижоди ҳакидаги қарашлари, бағищлов шеърларининг берилиши ҳам ижобий ҳол сифатида баҳојанишга лойик.

Ўзбек болалар адабиётининг толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиси, фило логия фанлари номзоди Р.Баракаев илмий изланишларида Т.Адашбоев ижоди алоҳида саҳифани ташкил этади. Олимнинг “Жонажоним шеърият” номли рисоласидаги шоир ижодига бағищланган саҳифалар ва туркум мақолаларида асосан бадиий маҳорат масаласига эътибор қаратилади. Мунакқид талқинича, шоирнинг Ватан ва табиат мавзусига бағищланган шеърларида одатий ҳол сифатида қабул килинадиган манзаралар шоир ижоди орқали гўзаллик намунасига айланаб, китобхоннинг хисларига таъсир этади, жайрат ўйғотади. Шоирнинг қиши манзараларига бағищланган “Чилла чиқиб” шеърини таҳлил қилас экан, олим “... биз учун одатдаги нарсага айланаб колган табиат манзараларини ўзгача кўз билан кўради: биз учун шунчаки дарахт бўлиб туюладиган эман барги товус думидай гўзал, ҳашамдорлигини капиф қиласди, кийик юрган сўқмокларнинг оппок корга бурканиб ётган

кирларда бақасамнинг йўл-йўл чизикларида товланишларини идрок этади: унинг наздидаги арча дараҳтлари куличини кенг ёйиб, бетизгин шамс лининг пахмок сочларини эринмасдан яшил тароқлари билан тараётган садамга айланади”⁹⁶.

“Ёш қаҳрамон қандай бўлиши керак” номли бошқа бир макоъласида болаларнинг табиатан қизиқувчан, интилувчан, серсавол бўлишлари, уларда хаёлот олами ниҳоятда учкурлиги шоирнинг “Тунда учган юлдузни”, “Космонавт”, “Менинг саволим” каби шеърлари таҳлили орқали кўрентилади. Дастребни шеърда Нодир билан Носирнинг савол-жавоблари таҳ лили орқали улар орзулашининг эзгулиги, мақсадларининг поклигига эътиборни жалб киласди: “Диологик нутқ услубига асосланган ушбу шеърда болаларнинг ўзбекона бағрикенглик, меҳмондӯстлик табиати ишонарли, самимий сатрларда тасвирланган. Шеър хулосаси болалар ҳали ёшларидан озгина афсуслансаларда-да, бегубор орзу-истаклари, ниятлари поклигига, қатъийлигига китобхонни ишонтира олиши билан эътиборга лойик”⁹⁷. Мунакқид талқинича, айнан шу тиңдаги эзгу ниятли, по-к қалбли инсонлар болалар адабиётининг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлиши лозим.

“Болаликнинг етти фасли” (“ЎЗАС, 2004, 30 июль) номли маколасида етти фаслдан ташкил топган “Орзуларим-қўш қанотим” номли сайланмада шоирнинг салкам кирк йиллик ижоди давомида қарор тоғитирган топилдиғи — эстетик идеали, ижодига хос етакчи тамойиллар тадқиқ этилади. Ватан ва табиат мадҳи, болаликнинг рангин қирраларини қашф этиш, уруш фожиаларининг шоир болалик хотираларида акс этиши, шоир шеъриятида кулгининг аҳамияти, ҳалқ оғзаки ижодига хос т’юқириллик ва куйма охангдошлиқ шундай тамойиллардир.

Сўнгги давр ўзбек танқидчилигига шоир маҳоратини очишида биографик методдан самарали фойдаланилмоқда. Ижодкорнинг бадиий маҳоратини қашф этишда унинг таржимаи ҳолига мазар ташлаш, адабиёт

⁹⁶ Баракаев Р.Жонажоним шеърият.-Т.: Чулпон, 1997. 13- бет.

⁹⁷ Баракаев Р. Болаликнинг етти фасли // Шарқ ўлдузи, 2010, 6. 146-бет

ола мига кириб келишдаги характерли жиҳатларни аниклаш ва шу асосда шоир ижодидаги етакчи тамойилларни белгилайти мухим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан ёш тадқиқотчи Б.Ашуронинг “Турсунбой Адашбоевнинг поэти с маҳорати” номли китоби сўнгги давр бўлалар адабиётшунослигига шоир ижодига багишлиланган тадқиқотлар ичидаги салмоқли ўринга эга. Муаллиф Т.Адашбоев ижодини комплекс ўрганишга харакат қилган. Уч бобдан ташкил топган мазкур тадқиқотда шоир ижодининг камол топиши, бадиий мукаммаликка эришишида К.Ҳикмат, С.Жура каби истеъоддларнинг устоз мақомида туриши, халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, ўйин фольклори, лоғлар, “Кирк ёлғон” типидаги эртаклар мухим роль ўйнагани кўплаб киёсий таҳлиллар билан асосланган. Чунончи, шоирнинг манзара яратиш, шеърда кофиялаш санъати, поэтик воситалардан фойдаланиш махоратини К.Ҳикматнинг “Чиқди Майнинг олдига” шеъри билан “Баҳор тушиб келар тоғдан” шеърининг киёсий талқини, шунингдек, қорли чўққилар тасвиридаги ўхшашиклар мисолида кўрсатса, маърифий-таълимий хуусиятларни С.Журанинг “Ҳарфлар паради”, “Тиниш белгиларнинг мажлиси” каби шеърлари билан “Ҳарфларнинг саргузашти”, “Алғов-далғов аралаш”, “Топишмокли алифбе” каби шеър ва эртакларининг таҳлиллари орқали илмий жиҳатдан асослайди.

Б.Ашурон китобда шоирнинг ватан ва табиат мавзусидаги шеърларини бидиий маҳорат нуқтai назаридан батафсил тадқиқ этади. Шоир ижодида она Ватан, унинг гўзал иза қадими шаҳарлари, тарихий обидалари ва муқаддас зиҳратгоҳларидан тортуб қир-адиру тупроғигача муқаддас саналиб мадҳ этилиши “Киёси йўқ”, “Тупрок”, “Зар уқали”, “Қарогим ўш”, “Осмони кенг” каби мустакиллик даврида яратилган ва янгича мазмун кашф этган шеърлари таҳлили орқали кўрсатилади.

Ёкенидаги кузатишлардан шундай хулосага келиш мумкин: истеъоддли болалар шоири Турсунбой Адашбоев ижоди мустакиллик ийилларидаги чинакам қадр топиб, адабиётшунослик ва танқидчиликда ҳар томонлама ўрганилмоқда.

АНГЛАШ САБОҚЛАРИ

Қозоқбай ака Йұлдошев билан яқындан танишувимиз 2006 йилда Миллий университеттегі малака ошириштегі борган вақтимга түгри келди. Малака ошириш жараёнида Қозоқбай ақса олиб борган машгулотлар, адабиёт ҳақидаги бағс-мунозаралар бизни рухан қынлаштириди.

Албатта, унгача ҳам мендә олимнинг адабиёт ҳақидаги долзарб мақолаларини үқиб, бир-икки бор мулокотда бўлиб, ҳамкасб оғайнилардан у киши ҳақидаги фикрларни эшлити ё маълум тасаввур ҳосил бўлганди.

Одатда Қозоқбай аканинг шахсияти ва илмий концепцияси ҳақида гап кетганда принципиал, қатъиятли, баъзан эса анчайин ўжар, ўз қарашларидан бошқасини тан олмайдиган шахс сифатида тасаввур ҳосил қилинади. У киши билан яқиндан мулокотда бўлиб, руҳий яқдиллик хис килиб, шунга амин бўлдимки, Қозоқбай ака ўрни келганда «бошқаларнинг фикрини эшитишни ҳам ўрганиш керак», деган тамойилга амал киладиганлардан экан. У кишининг қатъийлиги ва принципиаллиги, ижобий маънодаги «ўжар»лиги эса ўз илмий концепциясига ишончдан келиб чиқкан.

Зоро, Қозоқбай ака кенгқамровли олим сифатида адабиёт илми ҳам амалий, ҳам назарий-методологик жиҳатдан янгиланиши зарурлигини биринчилардан бўлиб дадил кўтариб чиқканди. Олим 90-йиллар бошида чоп этилган «Таҳлил машаққатлари» номли мақоласида янгиланаётган илмий тафаккур тарзи, танқидчиликда юзага келаётган янгича тенденциялар, уларнинг ўзига ҳослити ҳамда методологик тамойилларнинг янгиланиши масалаларни ўртага ташлайди. Адабиёт илми ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: «Бир пайтлар адабий ҳодисаларни соф эстетик воеа сифатида қарашдан воз кечган адабиётшунослик эндиликда уларни фақат ижтимоий ҳодисалар сифатида ҳам ўргана олмай қолди. Эски методологиянинг яроқсизлиги ва янги методологиянинг ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида юзага келган муайян саросималик ҳолати адабиётшунослик ва танқидчиликка хос хусусиятдир» (ЎзАС, 1993, 20 август).

Кучирмадан аён бўлаётирки, олим адабиётшунослик олдида турган иккита муҳим масалага эътиборни қарратмоқда. Бу-адабиётни соф эстетик ҳодиса сифатида баҳолаш ва методологияни тубдан янгилаш заруриятидир. Ушбу' концепция олим изланишларининг ўқ илдизини ташкил этади, десак адашмаймиз. Буни олимнинг «Ёник сўз»⁹⁸ (2006) китобига жамланган маколалар асосида ҳам кўришимиз мумкин.

«Ёник сўз» китоби мустакиллик даври адабиётшунослиги ва танқидчилигига намоён бўлаётган янгича тафаккур тарзининг ўзига хос намуналаридан биридир. Олим ўз кузатишларида ўтган асрнинг 80-90 йилларидаги қизгин баҳс-мунозараларга асос бўлган адабиёт тарихини даврла штириш муаммосига тўхталиб, бошқа қаранилардан фарқли равишда ҳар бир даврни ижтимоий-тариҳий ўзгаришлардан эмас, балки бадиий тафаккурдаги эврилишлардан, яъни адабиётчинг ўзига хос ички тараққиёт конунияларидан излайди. Шу асосда адабиёт тарихини учта катта даврга-Исломгача бўлган даврдаги адабиёт, Ислом таъсиридаги адабиёт, Жаҳоний таъсиirlар даври адабиётига ажратади ва ҳар бир давр адабиётининг етакчи хусусияларига доир қарашларини баён этади. Олим кейинги даврни «Янги ўзбек адабиёти» деб атайди ва унинг асосий хусусиятларини, ички тараққиёт тамоёйларини янги босқичларга ажратиб талқин қиласи.

Олимнинг маданий меросни қайта баҳолашдаги кузатишлари, асосан, мана шу даврга, аниқроғи, XX аср, ўзбек адабиёти ва унинг бир қисми бўлган шўро даври адабиётига тааллуғидир.

К.Йўлдошев XX аср ўзбек адабиётининг етакчи хусусиятларини, ижтимоийлашувининг м оҳиятини, сабаб ва оқибатларини теран талқинлар асосида кўрсатиб беради. Унинг фикрича, мумтоз адабиёт хос одамларга аталиб, уларни қаҳрамон сифатида тасвирлаган бўлса, кейинги давр адабиёти ўз «эстетик аршидан тирикчилик заминига тушиб» ижтимоий ҳаётни ва турмуш ташвишларига кўмилган оддий одамларни, уларнинг кундалиқ ўй-хаёлларини тасвирлай бошлаган адабиётга айланба борган. (30-бет). Шунга

⁹⁸ Йўлдошев К. Ёник сўз, Т.: «Янги аср авлоди», 2006.

кўра, адабиётнинг вазифаси ҳам ўзгара бошлаган. Яъни адабиёт ўзининг соғсанъатлигидан чекиниб, ижтимоий муаммоларни кўтариб чикадиган, ташвиқот қилгидиган ижтимоий-эстетик ҳодисага айланган. Шу боис, унда халқчиллик қучайди, тили жонли халқ тилига яқинлашди, жанр имкониятлари кенгайди. Олимнинг хулосаларига кўра, бу ўзгаришлар бошданоқ ижтимоийлатиган Farb адабиёти таъсирида юзага келди ва айниқса, шуро даври адабиётида авж нуктага кўтарилди. Окибатда адабиёт нафакат ижтимоий мазмун касб этди, айни чоғда ҳоким мафкура гояларига хизмат қилиб, хукм-хулосалар чикариб, қарорлар қабул қилувчи давлат ишига айлантирилди. Адабиётда инсоннинг ўзи эмас, унинг фоалияти тасвири етакчилик қила бошлади.

Қ.Йўлдошев қарашларида шуро даври адабиётига нописанд муносабат сезилмайди. Унинг ўзи таъкидлаганидек, бу даврда адабиёт кўп нарсаларга эришди ҳам, роман, кисса, ҳикоя каби ўнлаб жанрлар ўзлаштирилди. Натижада «Ўтказ кунлар»дан бошлаб «Ўгри» каби ўнлаб бадиий мукаммал ва жаҳоний синовларга бардош берадиган қўплаб асарлар яратилди. (30 бет). Олим фикрларининг тасдигини шуро даврида яшаб ижод қилган F.Фулом, М.Шайхзода, Миртемир, У.Носир, шунингдек, ижоди билин ўша замонда бошлаб элга танилган А.Орипов, Ў.Хошимов, Ш.Холмурзаев, Р.Парфи, Ш.Рахмон, З.Аълам, А.Суюн сингари ижодкорларнинг асарларига доир кузатишларида ҳам кўришимиз мумкин.

Китобдан мустақиллик даври адабиётининг етакчи тамойиллари, асосий хусусиятлари, изланиш жараёнлари ҳақидаги кузатишлар ҳам ўрин олган. Олим адабиётидаги янгиланиш ҳодисасини наср ва назмдаги ижодий изланишлар асосида теран тадқик этади. Мустақиллик даври адабиётининг ўнта хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатади. Бу хусусиятлар ҳақида гап кетганда, масаланинг ташқи, шаклий томонига эмас, энг амвало ички тараққиёт конуниятларига эътибор қаратилади. Олимнинг сунгги давр адабиётшунослиги ва танқидчилигига турли хил қарашлар ва баҳсларга сабаб бўлаётган модернизмга оид илмий кузатишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Қ.Йұлдошев бугунғи адабий жараённи, унда кечеңтган ижодий изланишағын табора янгиланиб бораёттан илмий-назарий, фалсафий, бадий-эстетик мезонлар асосида тәдкиқ ва талқин килиб, керакли хуносалар баён этади.

Көзөңбай аканы күттүр олтмиш ёши билан муборакбод қылар эканман, шаңс ва олим сифатида намоён бүлган барча хислатлари барқарор бўлсин, дейман.

2009 йил

ИНСОНИЙЛИК САБОГИ

Абдусаид ака Кўчимов билан талабалик йилларидан танишмиз. Ўтган асрнинг 70 йи.лари бошларида Низомий номидаги педагогика институтида (хозирги университет) олдинма-кейин таҳсил олганмиз. Абдусаид ака талабалик йилларида ёзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён кила олган, мунтазам ўтказиладиган турли адабий тадбирларда актив иштироки, факультет ойнаси хисобланмиш "Чашма" деворий газетасини чиқаришдаги саъй-харакатлари билан биз-куйи курсда ўқийдиган талabalарга ҳам танилган эди.

Тахсилни муваффакиятли якунлаган Абдусаид ака Тошкентда қолиб турли газета ва журналларда, ёзувчилар уюшмаси ва бош қа масъул лавозимларда ишлади. Оддий газета ходимидан етук журналист, таъникли шоир ва ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби даражасигача кўтарилди.

Шу ўтган вақт Абдусаид аканы бир қатор фазилатлари билан элга танитди. Жумла дан, ҳаётда, ишда ва ижодда юксак инсонијлик мезонларига таяниш, ҳамма билан бирдек самимий муомалада бўлиш, камтарлик, ҳалоллик Абдусаид акага хос фазилатлардан бирига айланди. Ҳаётда одамлар турфа хил бўлишади. Айримларда хизмат пиллапояларидан юкорилаган сайин "эски дўстлар" унутилиб, мавқеига мос "янги дўстлар" ортириб бориш

одат тусини олган. Абдусаид ака қандай лавозимда ишламасин олис болалик хотиралари бирга кечган партадош дўсти, талабалик йиллари ёки турли даврларда орттирган таниш-билишлари, ёр-бирадорлари билан доимо самимий мулоқотни сақлаб келган ва шу жиҳати билан қадр-қиммат, иззатхурмат топган инсонлардан биридир.

Абдусаид ака шахсиятига хос ҳислатлардан яна, бири ҳаётга, воеаҳодисаларга тиник ақл, теран ички нигоҳ ва руҳий бардамлик билан ёндаша олишида кўзга ташланади. У кишини ҳар доим ишчан киёфада кўрганман. Болаларнинг савимли газетасида бош мухаррир бўлиб ишлаб юрган кезларида ёқ ташқиотчилик қобилиятини тўла намоён қила олган, таникли ойнимлар, истеъодли шоир ва ёзувчиларни жалб қилиб, газета саҳифаларида турли лавҳа, хабарлар, бадиий асарлар билан бирга кўплаб фан соҳаларига оид қизиқарли ва мазмундор мақолаларни болалар ёши ва бидим даражасига жиҳдий замин яратади. Бунга мисол қилиб профессор Н.Махмудов ва Б.Тўхниевларнинг ўзбек тили ва адабиётига оид туркум мақолалари, шоир ва ёзувчиларнинг болалар адабиётига оид давра сұхбатларини айтиш мумкин.

Абдусаид ака табиатига хос ушбу фазилатлар ижодининг ҳам асосий мотивини ташкил этади. Зеро, адаб ижодининг етакчи хусусияти чукур инсоний туйғуларнинг теран, топқир ички нигоҳ-акл-тафаккур билан уйғунлашиб кетишида кўзга ташланади.

А.Кўчимов болаларга ҳам, катталарга ҳам бирдек ижод қиласидиган ижодкорлардан ҳисобланади. Шунинг учун унинг ижодида муштарак жиҳатлар кўп. Болаларга атаб ёзган "Ўрталик", "Миш-мишвой", "Мен гийбатчи эмасман", "Хийла" каби шеърларида ҳам умумадабиётта хос хусусиятлар етакчилик килади. Уларда болалар феъл-авторидаги иллатлар ўзининг реалистик тасвирига эга. Айни чоғда бу шеърларда мишиш, гийбат, алдов, порахўрлик фақат болалар табиатига эмас, умуман, одамзодга хос иллатлар сифатида ҳажвий бўёкларда фош этилади. Бу ҳол шоирнинг болаларга атадиган шеърларида ҳам умумадабиётта хос бўлган муаммоларга

эътибор қарататётганидан далолат беради. А.Кўчимовнинг "Бойчечак", "Ўғил", "Оқ капитарлар ороли" каби қисса ва хикояларида ҳам шундай хусусият етакчилик қиласди. "Ўғил" хикоясида шўро даври фожиалари, жумладан, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида авж олган "пахта иши", "ўзбеклар иши" каби катагонлик сиёсатининг бола тақдирни ва қисматидаги машъум ўрни характерли эпизодлар оркали ифодаланади. Ёзувчининг "Оқ капитарлар ороли" номли қиссасида ҳам шўро даврининг сўнгги кунларидаги фожеавий воқеалар-катталар орасида юзага келган ижтимоий-психологик кескинлик, зиддиятли ҳолатларнинг болалик оламига таъсири масаласи етакчи мавзуга айланган.

Қисса қаҳрамони Суяркул табиатан хаёлпараст бола. У қишлоқ чеккасида жойлашган Ажинатепадаги оролчани Малик муаллим ва ўртоклари билан биргаликда турли-туман гуллар экиб, чиройли масканга айлантирган. У кўпинча даредан кейин ўзларича "ширин хаёллар оролчаси"га айлантиришган жойига бориб мол боқишини, оролчада ширин хаёллар оғушида бўлишни яхши ўради. Ўзи қурган шийпон тепасига баланд капитархона қуриб, капитарларни парвариш қиласди.

Киссанинг характерли жиҳати шундаки, ёзувчи катталар ҳаёти билан болалар оламини параллел равища тасвиirlайди ва бу ёнма-ён тасвиirlар йўжалиши керакли нуктalarда биришиб-боғланиб, уйғунлашиб, муайян ижтимоий-эстетик вазифани адo этишади. Муғлиф катталар орасида учрайдиган тарафкашлик ва гуруҳбозлик иллатларнинг болалар руҳиятига, улар маънавий дунёсига нечогли зиён етказишини Суяркул ва Мамаюсиф ўргасидаги зиддиятли ҳолатлар тасвири оркали таъсиричан тасвиirlайди. Катталар орасидаги можаралар уларнинг фарзандлари ҳаётига ҳам дахл қиласди ва куни кеча дўст бўлиб, бирга ўйнаб юрган болалар бир-бирига душманин кўзи билан қараб, ўч олишга харакат қилишади.

Кўриниб турибдики, ёзувчи бола оламини, шўро даври болалар насиридан фарқли равища, мураккаб ҳолатларда, зиддиятли тўқнашувлар фонида тасвиirlамоқда. Асарда иштирок этаётган катталар ҳам шунчаки

болаларга панд-насиҳат қилувчи, ибратли томонлари билан тарбиявий вазифани адо этувчилар сифатида эмас, балки ўзларининг бутун ижобий ва салбий хатти-ҳаракатлари билан болалик оламида изтиробли, нохуш из қолдирувчи қаҳрамонлар сифатида иштирок этища.

Сўнгти йилларда А.Қўчимовнинг фақат болаларга эмас, балки катталарга аталган «Қўзларимнинг қарогидасан», «Муҳаббат боғлари» каби шеърий, «Эл сув ичган дарёлар» номли эсслер тўплами чоп этилди.

Мазкур тўпламлардаги шеърлар мавзу кўламига кўра бир неча туркумдан ташкил топган бўлиб, уларда ватанпарварлик туйгулари, ҳаёт ва инсоний муносабатлар талқини, ота ўгити-ю, севги-муҳаббат түфёнлари, оддий ҳаётний ҳақикатлар, дунё таассуротлари ўзининг фалсафиј, бадний-эстетик ифодасини топгандир.

А.Қўчимов шеърий туркумларини бирлаштириб турадиган бир муштарак жиҳат борки, у ҳам бўлса лирик қаҳрамоннинг жўшқин, муросасиз, огоҳликка давлат этувчи сермавж туйгулар түфёнидир. Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, лирик «мен» туйгулари реал воқелик билан, ҳаётнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний қатламлари билан узвий муносабатда намоён бўлади. Бу туйгулар ҳар қандай мавхумлиқдан, ғализ ва сохта жимжимадорлиқдан холи. Гуё шоир ҳар бир ҳаётий воқеликдан олган руҳий ҳолатини, қалб түфёнларини шундоқ қоғозга түккандек таассурот қолади. Энг муҳими бу туйгулар, руҳий олам қирралари китобхонга ҳам тез юқади, уларда муайян муносабатлар ҳосил қиласди.

Бир қараща шоирнинг ватан мавзусида ёзилган шеърларда ижтимоий муносабат етакчилик қилаётгандек таассурот қолдиради. Лекин ҳар қандай ижтимоий мавзу асада ижодкорнинг қалб кўридан ўтиб, ҳис-туйгуларига эш бўла олсагина у маънавий-руҳий ҳодисага айланади. Зоро, инсон руҳиятини, маънавиятини покловчи ҳар қандай ватанпарварлик мотивлари нафақат ижтимоий, айни пайтда руҳоний ҳодисадир.

Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, у ватан ҳақида бўладими ёки демократия ҳақидами, машъум терроризм оқибатлари ҳақидами, бундан

қатъий назар изчиллик билан ватанпарварлик туйгуларини ифода этади. Шу жиҳатдан, айникса, шоирнинг «Демократия», «Армон», «Ёлланган мухбирга», «Абдулҳамид Чўлпон фарёди», «Ўзбекистон қайда бор» каби туркум шеърлари характерлидир. Шоир шеърларида Ватан улуғворлиги хусусида сўз очар экан, факат «кура-ура», «кўтар-кўтар»лар билан мадхиябозлик килмайди, балки унинг оғрикли нуқталари, «бемору соги», «йиртиқ-ямоги» билан бирдек таърифу тасниф этади. Ватан тушунчаси шу жиҳатлари билан ҳам муқаммал маъно-мазмун касб этишини ўзига хос тарзда поэтиклиштиради.

Шоирнинг «Ўзбекистон қайда бор» шеърини ватанга бағишлиланган қасида дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳақида шеърлар, қасидалар кўп битилған. Уларда юртимиз жамоли кўп ва хўп тараним этилган. А.Кўчимовнинг маҳорати шундаки, ушбу шеърда Ўзбекистоннинг бетакрор тимсолини ўзига хос тарзда бадиий қашф этади. Шоир шеърда талмех санъатидан фойдаланиб бутун бир тарихни, авлоду аждодларимиз, алломаю жаҳонгирларнинг ўзига хос поэтик сиймолар ини яратади. Улар воситасида бугунги Ўзбекистоннинг улуғворлигини, буюклигини куйлади. Шоирнинг ватанга, миллатга меҳри қанча чексиз бўлса, ғани мларга нафрати ҳам шунча кучли.

Кўкни булут тўусса, суриб қўйгаймиз,
Карвонга ит ҳурса, кулиб қўйгаймиз.
Ватанга тош отсанг - қараб турмаймиз,
Ватанин ҳеч кимга бериб қўймаймиз!
Бериб қўймаганмиз, бериб қўймаймиз,
Акобир, бекорон қўргон қайда бор,
Ўзбекистон қайда, қайда бор!

Шоирнинг ана шундай беҳром қалб түғёнларини бошқа туркумдаги шеърларда ҳам аниқ хис қиласиз.

Ҳаёт яралибдики, эзгулик, ёвузлик деган тушунчалар бор. Улар орасида азалий ва абадий қарама-қаршилик, зиддият, кураш кечади. Бу тушунчалар, бу курашлар инсон номи билан мужассам топади. Шоир зоти борки, чарху

фалакнинг ушбу кўхна қўшигини қўйлайди, уни янги оҳанглар билан бойитади.

Абдусаид Кўчимов ҳам бир туркум шеърларини ушбу мавзуда яратган. Шоир инсоният, эзгулигу ёвузлик ҳакида фалсафий мушоҳадалар, катта-кичик ҳикматлар битмайди, балки реал воқеликда, кундалик ҳаётда ҳар қадамда дуч келадиган, баъзан муносабат билдириб, баъзан бепарво ўтиб кетиладиган жараён ҳакида ёзади. Эзгулиқдан ташқари ёвузликнинг қора бўёқларини ўзида мужассамлаштирганларнинг турфа хил образларнинг яратади. «Кас»лар номи остига бирлашган бу образлар ўзида баҳиллик, ҳасад риёкорлик, фирибгарлик, хушомадгўйлик, сотқинлик, номардлик, хиёнат, разолат, алдов, очкўзлик каби кўплаб иллатларни намоён қилувчилардир. Шоир қаҳрамони кундалик ҳаётда ҳар қадамда бундайларга дуч келар экан, уларнинг бу қадар олчоклигидан ҳайратга тушади, ўзида уларга нисбатан кучли нафрат ҳиссини туяди, ундайлардан огоҳликка чакиради. Шу жихатдан айниқса «Дунё», «Дўсти нодонга» «Шунчалар қўзларинг очмиди, одам», «Нега куюсан», «Хушомадхўрга», «Соя» каби шеърлари характерлидир. Шоир бу типдаги шеърларда «кас»ларнинг турли-туман образларини яратар экан, уларни бунёд этиб кўйиб лол турган дунёю дунуннинг сиймосини қўйидагича тасвиirlайди.

Ай, бу дунё! Ай, бу дунё!

Ҳар бандага топмок эрмак.

Ўз ишига ўзи шайдо,

Чарх уради чарху фалак.

Шоир «Хушомадхўрга» шеърида фақат хушомадгўйларнинг эмас, балки хушомадга ўч бўлган хушомадхўрларнинг ҳам сатирик қиёфасини яратади. Хушомадгўйларни йўқ килиш учун аввал «Кафан тикиш зарур хушомадхўрга». Хушомадхўр-шоир томонидан кашф этилган топилма образ. Шоир «Хушомад дарди» шеърида хушомадхўр образининг янада мукаммалроқ қиёфасини яратади.

Умуман олганда, А.Күчимов шеъриятини бирлаштириб, бир нүктада жамлаб туралыган энг мухим хусусият-кенг маънода инсонийликни, инсоний туйгуларни кўйлашдир. Шоирнинг барча шаърларида, у тасдиқловчими ёки фош қилувчими, катъи назар бош концепцияси-инсонийликни мадҳ этишдир. Зеро, А. Күчимов ҳаёт йўлини безаб туралыган хислату-фазилатлар ҳам ушбу мезонда мужассамдир.

МУНДАРИЖА

Б. Назаров. Интилганга толе ёр.....

АДАБИЙ ТАНҚИД ВА ЖАРАЁН

Янгича тафаккур талқини.....

Адабий танқиднинг методологик асослари.....

Абсурд фақат маънисизликми?.....

Адабий танқидда модерн асар талқини.....

Бадий тафаккурдаги эврилишилар.....

Тушуниш тамойили.....

Биографик талқин имконлари.....

Адабий танқидда структурал метод талқини.....

Қайта баҳолаш—янгича тамойил сифатида.....

Системали ёндашув имкониятлари.....

Адабий танқиднинг илмий-назарий асоси.....

Адабиёт илми манзаралари.....

БАДИЙ МАҲОРАТ ҚИРРАЛАРИ

Бадий юксак ва фалсафий теран ижод соҳиби.....

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Чўлпон

шеъриятининг аҳамияти.....

Мухаммад Юсуфнинг бадий олами.....

Сермавж туйгулар.....

Қалб мавжлари.....

ДИЛ ИЗХОРИ

Маънавий баркамоллик сари.....

Устоз сабоги.....

Ҳисса кўшишдан толманг.....

Бадий маҳорат талқинлари.....

Англаш сабоқлари.....

Инсонийлик сабоги.....

